Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2007 йил, **23** ноябрь, жума № **47** (2226).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **23** ноября, **2007** год, № **47** (2226).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу - цена договорная

Бугунги ўта таҳликали бир замонда Қуролли Кучларимиз қудратини ошириш, миллий армиямизни модернизация қилиш жараёнларини янада чуқурлаштириш, мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш – буларнинг барчаси Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини кўз қорачиғидай асрашнинг асосий шарти ва гаровидир.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси аъзоларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган 2007 йилги жаҳон биринчилигида чемпионликни қўлга киритиб, жасорат ва матонат намунасини кўрсатгани, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган спортчи ёшларни тарбиялашга, ўзбек футболининг шуҳратини дунёга танитиш, унинг нуфузини юксалтиришга катта ҳисса қўшгани учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ"

ИСМАИЛОВ Анвар Акбарович – Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг бош мураббийси

"ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ"

АБДУРАҲМОНОВ Азиз Абдукаримович – Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси;

АЗИМОВ Азизжон Каримович – Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси;

СУЛЕЙМОНОВ Павел Таджибаевич – Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси;

ТАШХОДЖАЕВ Зохидходжа Олимович – Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси;

ТУРСУНБАЕВ Хайдарали Умаралиевич – Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси;

ШУКУРОВ Абдужамил Абдулазизович – Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 22 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида

Фармацевтика тармоғи корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, экспортга йўналтирилган рақобатбардош фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шунингдек республика аҳолисининг маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган талаб-эҳтиёжини янада тўлиқ қондириш мақсадида:

1.Қуйидагилар 2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастурининг энг муҳим вазифалари деб ҳисоблансин:

республика аҳолиси, даволаш-профилактика ва дорихона муассасаларининг маҳаллий дори-дармон ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжини ўрганиш асосида уларни ишлаб чиқаришнинг устувор йўналишларини белгилаш;

ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш йўли билан, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этиш, шунингдек тармоқ корхоналарининг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан янада самарали фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқариладиган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари сарф-харажатларини камайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш;

республика корхоналарида янги дори субстанциялари ва тайёр дори воситаларининг саноат миқёсида ишлаб чиқарилишини таъминлаш, энг аввало ижтимоий аҳамиятга молик касалликларни даволаш учун уларни маҳаллий хомашёдан тайёрлаш бўйича илмий тадқиқотлар ва инновация ишланмаларини амалга ошириш.

2. «Ўзфармсаноат» ДАК томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Фанлар академияси, фармацевтика тармоғи корхоналари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури маъқулансин, унда қуйидагилар назарда тутилади:

2007-2011 йиллардаги даврда фармацевтика саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастурининг мақсадли параметрлари 1-иловага мувофиқ;

маҳсулот ишлаб чиқаришнинг прогноз параметрлари ҳамда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция таклифлари рўйхати 2 ва 3-иловаларга мувофиқ.

«Ўзфармсаноат» ДАК бошқаруви раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммаларига фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастурининг мақсадли прогноз параметрлари тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

3. «Ўзфармсаноат» ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг сифатини яхшилаш, уларнинг аҳолига, биринчи навбатда пенсионерлар, ногиронлар ва қариялар учун мақбул нархларда ишлаб чиқарилишини таъминлашга алоҳида эътибор берган ҳолда, чора-тадбирлар комплексини амалга оширсин;

аҳолига ҳамда даволаш-профилактика ва дорихона муассасалари ходимларига маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг турлари тўғрисида мунтазам ва тизимли асосда ахборот бериб борилишини, шунингдек маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг ҳар йилги савдо-ярмаркалари ўтказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Дори-дармон» АК билан биргаликда бир ой муддатда маҳаллий фармацевтика маҳсулотларига бўлган талабни ўрганишга йўналтирилган маркетинг сиёсатини доимий асосда олиб боришни назарда тутувчи чора-тадбирлар комплексини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари билан биргаликда республика корхоналарида янги дори субстанциялари ва тайёр дори воситаларини саноат миқёсида ишлаб чиқаришни таъминлаш учун уларни маҳаллий хомашёдан тайёрлаш бўйича тизимли илмий тадқиқотлар ўтказсин ва инновация ишланмаларини яратсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги уч ой муддатда энг кўп тарқалган касалликлар турлари бўйича маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган препаратлар ва тиббиёт буюмларини ҳисобга олган ҳолда 2008-2011 йилларда республика даволаш-профилактика муассасалари ва аҳолисини таъминлаш учун зарур бўлган дори воситалари ҳажми ва турларини аниқлаш мақсадида даволаш стандартларининг тизимлаштирилишини якунласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Р.С. Қосимов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 19 ноябрь.



Антон ТЕЗИЕВ суратга олган.

Юртнинг метин қалқонлари кўп

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК САМАРАСИ

Туркиянинг Анталия шаҳрида ногирон-ампутантлар ўртасида футбол бўйича дунёнинг энг кучли терма жамоалари иштирокида ўтган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик футболчилар бош совринни қўлга киритиб, жаҳон чемпиони деган юксак шарафга муяссар бўлдилар.

Туркияда ўзбекистонлик ногирон-футболчилар дунёда тенгсиз эканини исботлади. Ўзбекистон терма жамоаси уч карра жаҳон чемпиони – Бразилияни 4:2, Сьерра-Леонени 3:0, Эронни 3:1, Нигерияни 3:0 ҳамда Украинани 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллади ва чорак финалга йўлланма олди.

Кейинги босқичда эса Африка қитъаси вакили – Либерияни 7:1, мусобақа мезбони – Туркия терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратган ҳамюртларимиз финалда уч карра жаҳон чемпиони – Россия терма жамоаси устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Саккиз учрашувда саккизта гол киритган ҳужумчимиз Абдужамил Шукуров "Энг яхши тўпурар" совринига сазовор бўлди.

Таъкидламоқ лозимки, бу терма жамоамизнинг жорий йилдаги ягона ғалабаси эмас. Матонатли ҳамюртларимиз сентябрь ойида Россиянинг Нижний Новгород шаҳрида ногирон-ампутантлар ўртасида Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) кубоги учун ўтказилган мусобақада ҳам бош совринни соҳиби бўлган эдилар

Ногирон-ампутантлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси 22 ноябрь куни Ватанимизга қайтди. Тошкент аэропортида уларни тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Тадбирда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий параолимпия ассоциацияси, Футбол федерацияси раҳбарлари, мутахассислар, кенг жамоатчилик вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Маросимда юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатлигини қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш, спортга кенг жалб этиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қартилаётгани таъкидланди. Айниқса, Ижтимоий ҳимоя йилида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди.

Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг бош мураббийси Анвар ИСМОИЛОВ:

– Туркияда ўтган жаҳон чемпионатида йигитларимиз юксак маҳоратидан ташқари, кучли иродага эга эканини яна бир бор намойиш қилди. Футболчиларимиз беллашувлар давомида мамлакатимиз Президенти, бутун халқимиз уларни қўллаб-қувватлаб турганини ҳис этиб турди. Аҳоли ўртасида, жумладан, ногиронлар орасида спортни ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиладиган мамлакат спортчиларигина бундай юксак ғалабаларни қўлга киритиши мумкин. Ўзбекистонимиз ана шундай мамлакатдир. Мен Анталияда футболчиларимиз шарафига давлатимиз мадҳияси янграганида шогирдларимнинг кўзларида қувонч ёшларини кўрдим. Қалбимда фахр-ифтихор туйғулари жўш урди, бошим осмонга етди.

Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси Абдужамил ШУКУРОВ:

– Миллий терма жамоамизнинг ушбу улкан ғалабаси – мамлакатимизда аҳолининг барча қатламлари сингари ногиронлар ўртасида ҳам спортни ривожлантиришга, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилаётган доимий эътибор самарасидир. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг биз, ногиронларга кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги ҳаётдан муносиб ўрин топишимизда, ўқишда, ишда ва спортда янгидан-янги марраларни забт этишимизда асосий омил бўлмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг амалий ва юксак самараларидир.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЯШАГАН АДИБ

Шундай инсонлар бўладики, умрлари давомида миллат маънавияти ва маърифати учун заҳмат чекиб, ҳаётларини мана шу йўлда бахшида этади. Шу боисдан ҳам улар маърифатпарвар инсонлар сифатида йиллар, асрлар ўтса-да, авлодлар қалбидан чуқур жой эгаллайди. Уларнинг асарлари , ижод намуналари ўз қадрини йўқотмай, миллатнинг, халқнинг маънавий мероси сифатида эъзозланади. Таниқли ёзувчи, ўзбек романчилик мактаби асосчиси Абдулла Қодирий ҳам ана шундай буюк инсонлар сирасига киради. Мақоламизни ўзбекнинг бетакрор адиби ҳаёти ва ижоди ҳақидаги лавҳаларга таянган ҳолда давом эттирамиз.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



УСТУВОР МАҚСАДЛАРИМИЗ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Мустақиллик сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий жабҳаларда, давлат қурилишида чуқур демократик ўзгаришларга сабаб бўлганини яхши биламиз. Мамлакатда қадам-бақадам ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши жараёни бошланди. Бундайин туб ўзгаришлар Асосий Қонунимиз – Конституциямиз орқали ўзининг ҳуқуқий ифодасини топганини бу ўринда алоҳида таъкидлаш лозим. Бир сўз билан айтганда, гуллаб-яшнашимиз ва фаровонликка эришишимиз, тараққий этган демократик давлатлар қатори халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллашимиздек устувор мақсадимизнинг ҳуқуқий кафолати бўлди, Конституциямиз.

(Давоми 3-бетда).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ЮРТ ДОВРУҒИН ДУНЁГА ТАРАТГАН ЎҒЛОН

Мустақилликдан кейин келажагимиз эгалари бўлган ёшларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиб спортнинг оммавийлигини таъминлаш ва шу орқали фарзандларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун қулай-шарт шароитлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Натижада эса ўтган давр мобайнида юртимизда жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган кўплаб спорт комплекслари, ихтисослаштирилган мактаб, лицей ва тўгараклар фаолияти йўлга қўйилди, умумтаълим мактаблари ва маҳаллалар қошидаги спорт майдонлари қайтадан таъмирланди. Бугунги кунда ушбу мажмуаларда ва улар таркибидаги спорт секцияларида минглаб иштиёқманд ёшлар спорт билан мунтазам шуғулланиб келмоқда.

(Давоми 10-бетда).



2 ҚАСАМЁД – САДОҚАТ РАМЗИ

ҚАЛБЛАРГА ҲАЯЖОН СОЛГАН КУН



3 ПОРТРЕТ ЧАСТИ ПОБЕДИТЕЛЯ

БРОНЕВОЙ ЩИТ ЗАВТРАШНЕГО ДНЯ



5 КИНОЛОГИЧЕСКАЯ СЛУЖБА

С ЧЕТВЕРОНОГИМ ДРУГОМ СЛУЖИТЬ ЛЕГЧЕ



11 ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

ҲАФТА ГЎЗАЛИ

ЎЗБЕКИСТОН – КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

Қасамёд – садоқат рамзи

ҚАЛБЛАРГА ҲАЯЖОН СОЛГАН КУН



Йигит сўзидан қайтмайди. Бу мардликка, жўмардликка, матонату садоқатга нисбат берилиб, айтилган бўлса ажабмас. Ҳа, юрагида ана шу туйғулар уйғоқ йигит бошига қилич келса ҳам лафзидан қайтмаганини биламиз. Бунга аждодларимиз матонати, жасорати ёрқин мисол. Бугун аждодлардан мерос ана шу туйғулар қайта уйғонаётгани, қайта ранг олаётгани кишини қувонтиради.

Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталида посбонларнинг қасамёд қабул қилиш тантанасини кузатиб, даставвал хаёлдан шулар кечди.

Қалблари Ўзбекистон армияси аскари бўлишдан фахр, ғурурга тўлаётган посбонларга бир-бир назар соламан. Ҳарбий қасамёд матнини зўр ҳаяжон, фахр-ифтихор, юрак амри билан ўқишмоқда. Ўйлайман: агар рассом садоқатнинг суратини солмоқ истаса, ана шу ҳолатдан бемалол ранг олиши, илҳом олиши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу посбонлар ислоҳотлар самараси бўлган бошланғич ҳарбий тайёргарлик дастури бўйича соҳа илмидан илк сабоқларни олишди. «Дастурга асосан режалар туздик. Унда ёш аскарлар илк сабоқ ва кўникмалар шакллантирилиши учун барча жиҳатлар кўзда тутилган. Саф тайёргарлигидан тортиб, маънавий-маърифий тадбирларгача, дам олиш соатларидан қандай фойдаланишгача, хуллас бари-бари посбонларимизнинг армиямиз ҳақида, соҳа ҳақидаги илк тасаввурларини бойитишга хизмат қилди», – деди взвод командири катта лейтенант Авазбек Юсупов. Мазкур дастур асосида тайёргарликларни ҳар томонлама юксак даражада олиб боришда тажрибали кичик командирлар – кичик сержантлар Ойбек Худойберганов, Олимжон Бозоровларнинг хизматлари беқиёс бўлди.

Қасамёд тантанаси сабаб ота-оналар билан ҳам қисқача суҳбатлашдик. Ёқуб ака Қўчқоров: – Ўғлим Хуршиджон шу қисқа вақт ичида анча улғайгандек туюлди. Фикрлашларида, дунёқарашида ўзгариш бор. «Армия катта мактаб. Ўқи, излан, ўрган, қасамёдингга содиқ бўл», дедим унга.

Аскар онаси Инобат опа Мараимованинг юрагидан ҳаяжон ила шундай сўзлар отилиб чиқди: – Илҳомжонимнинг юртига, халқига тантана билан қасамёд қилганидан, Ватан ҳимоячиси бўлганидан кўнглим тоғ қадар юксалди. Тинчлигимизни, осойишталигимизни сафдошлари билан мардонавор қўриқлашига, муносиб фарзанд бўлишига ишонаман.

Оддий аскар Шуҳрат Бозорбоев сафдошлари номидан сўзга чиқиб, қасамёдга содиқ қолишларини, Ватан ишига қалб амри билан интилишга ваъда берди.

Қувонарлиси шундаки, эгнига яқинда ҳарбий либос кийишиб, шартнома бўйича хизмат бошлаган ҳамширалар – оддий аскарлар Гулруҳ Отамуродова, Нодира Аширбоеваларнинг ҳам тантанали қасамёд қилишгани йигитлардаги ғурурни янада алангалатди. Улар Ватан ҳимоячиси мақоми қанчалар юксак эканлигини, мардлар касби шарафли, фахрли эканлигини англашди.

Пировардида тантана сабабчиларига қарата «Қасамёдга содиқлик, юртга, халққа, истиқлолга садоқатдир. Матонатдан, садоқатдан онт ичилган кун муборак» дегимиз келди.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.

Сообщение в номер

ПОКАЗ ВОЕННОЙ ТЕХНИКИ

В Ташкентском военном округе было проведено показательное занятие с показом боевых возможностей вооружения и военной техники новобранцам осеннего призыва.

По сложившейся доброй традиции, в первой части новобранцам были показаны образцы стрелкового оружия и военной техники, находящихся на вооружении наших частей и подразделений. Офицеры округа и курсанты ЧВТКИУ, ТВОКУ рассказали об их тактико-технических характеристиках.

Во второй части показательного занятия были проведены практические боевые стрельбы, на которых военнослужащие продемонстрировали высокий уровень огневого мастерства, умелое владение вверенной им грозной боевой техники, во всей красе проявили мощь нашего оружия.

Новобранцы осеннего призыва получили мощный импульс интереса к освоению своих воинских специальностей, еще более полно осознали свою ответственность за качественное овладение секретами воинского мастерства.

Соб инф.
Фото **Антона ТЕЗИЕВА.**





ДИЛДА ФАХР-ИФТИХОР БИЛАН

Ҳарбий қисм ҳудуди эрта тонгдан меҳмонларга тўлиб кетди. Азиз фарзандларининг Ҳарбий қасамёд қилиш тантаналарида қатнашиш, уларнинг қувончига, шодлигига шерик бўлиш учун узоқ-яқиндан келган ота-оналар, дўст-ёрлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олинди. Мустақил юртимизнинг муносиб ҳимоячиси бўлишдек эзгу мақсадни кўзлаган ёш аскарлар дилларида фахр-ифтихор, ҳаяжон билан халқимиз, она Ватанимизга, Президентимизга содиқ бўлишга тантанали равишда қасамёд қилдилар.

Табрик учун сўзга чиққан офицерлар – Рустам Рўзметов, Баҳром Солиев, шаҳар ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ҳикоят Раҳматова, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши раиси Аловуддин Умаров Ҳарбий қасамёд қабул қилиш ҳар бир йигит ҳаётидаги энг муҳим воқеа эканлигини, Қуролли Кучларимиз бугунги кунда ёшларимизнинг маънавий-руҳий, жисмоний томондан камолга етказадиган улкан даргоҳ, мактабга айланганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Ҳарбий либослари ўзларига ярашиб турган алпқомат ўғлонларга ўзларининг дил сўзларини изҳор этдилар.

Ёш аскарлар ота-оналари – Турғунали Мамажонов, Гулбара Эрматова ва Мавлуда Исмоиловалар ҳам сўзга чиқишиб, фарзандларининг, ёш посбонларнинг йигитлик бурчини шараф билан уддалашларига, уларнинг жонажон Ватанимизнинг муносиб ҳимоячилари бўлиб, тинчлик ва осойишталикни сақлашда муносиб ҳисса қўшишларига ишонч билдиришди. Ёш аскар Абдурашид Турдиалиев сафдошлари номидан сўзга чиқиб, ўзларига билдирилган юксак ишончни шараф билан оқлашга ваъда берди. Дил сўзлари офицерлар уйи қошидаги ансамбль санъаткорлари тайёрлаб келган дилрабо куй ва қўшиқларга, рақсларга уланиб кетди. Ҳарбий қасамёд тантанаси барчада катта таассурот қолдирди.

Замира ОЛЛАБЕРГАНОВА,
ҳарбий қисм кутубхонаси мудираси.

23 ДЕКАБРЬ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ВА КАФОЛАТЛАРИ

Бугунги кунда нафақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва оммавий ахборот воситалари, балки бутун жаҳон нигоҳи юртимиздаги сиёсий жараёнларга қаратилмоқда. Бу табиий ҳол. Чунки қайси мамлакатда бўлмасин, Президент сайлови мамлакат тақдири ва халқаро муносабатларда муҳим роль ўйнайди.

Сайлов ҳар қандай демократик тизимнинг манбаи ва асоси бўлиб, у халқнинг ўз ҳокимияти, парламенти, президентига бўлган муносабатини ифода этиш имкониятини беради. Ҳокимият, парламент ва Президент учун халқнинг ишончи, доимий қўллаб-қувватлаши зарур. Сайлов жамиятдаги демократияни муштарак ҳолга келтириб турувчи восита ҳисобланади. Сайловлар натижасида мамлакат фуқароларининг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштироки таъминланади. Бу эса халқ — давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлигини кўрсатувчи омилдир.

Демократик сайловларда иштирок этиш юртдошларимизнинг нафақат конституциявий ҳуқуқи, балки юксак фуқаролик бурчи ҳамдир. Президентлик сайлови, унинг ташкил қилиниши ва ўтказилиши орқали халқнинг, сайловчиларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларга даҳлдорлик ҳисси, сиёсий иродаси, сиёсий маданияти даражаси намоён бўлади. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари Ислом Каримов «Бизнинг мақсадимиз – сайловларни Конституциямиз ва қонунларимиз, шу билан бирга халқаро демократик қонун-қоидалар андозалари асосида ва уларга тўла риоя қилиш заминида ўтказишдир. Умумэътироф этилган халқаро меъёрлар, илғор демократик давлатларнинг ижобий тажрибаларини қўллаш мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори юксалишига хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда бўлажак сайловларни демократик нуқтаи-назаридан, келажагимиз нуқтаи-назаридан Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини кўтариш мезонидан келиб чиққан ҳолда ўтказиш керак», – деб сайловнинг аҳамиятини аниқ-тиниқ очиб берганлар.

Мустақил тараққиёт йўлимизнинг ўтган 16 йиллик даврида эришилган ютуқларимизнинг асосий омилларидан бири — фуқароларнинг давлат бошқарувини амалга оширишдаги реал иштирокини таъминловчи ҳуқуқий кафолатлар тизимининг яратилиши бевосита боғлиқдир. Фуқароларнинг сайлов эркинликларини таъминлаш, эркин демократик сайловни ташкил этиш ва ўтказишга доир 30 дан ортиқ халқаро норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, улардаги асосий тамойиллар миллий сайлов қонунчилигимизда ўз ифодасини топган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари мукаммал даражада яратилган бўлиб, уларни «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси», «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунлар ташкил этади.

Конституция ва сайлов тўғрисидаги қонунларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатланганлигига қарамай, бу ҳақда яна махсус қонун қабул қилинганлиги кафолатни янада кучайтиради ва реал бўлишини таъминлайди. Бунга айнан «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг бошқа кўпгина мамлакатларда мавжуд эмаслиги яққол мисол бўла олади. Мазкур қонун фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига оид барча умумэътироф этилган қоидаларни ўзида акс эттирган.

Сайловчилар қаерда бўлишларидан қатъи назар, улар референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловларида бевосита қатнашиш ҳуқуқи кафолатланади. («Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида »ги қонуннинг 6-моддаси).

Хорижий мамлакатлардаги фуқароларимизнинг сайлов ҳуқуқи ва кафолатлари тўғрисида сайлов қонунчилигимизда бир қанча моддалар ажратилган. Бу эса, мамлакатнинг барча фуқаролари унинг келажакдаги истиқболини ўйлаб ўз ижтимоий фаоллигини, хоҳиш-иродасини билдира олишини таъминлайди. Бу демократиянинг асосий манбаидир.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддасига кўра, «Сайлов куни истиқомат жойида бўлиш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз истиқомат жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақаларини талаб қилиб олиши, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусида қарорга келиши ҳамда тўлдирилган сайлов варақаларини конвертга яширган ҳолда участка комиссиясига қолдириши мумкин». Бу конвертлар участка сайлов комиссияси томонидан овозларни ҳисоблаб чиқиш жараёнида очилади ва ҳисобга олинади.

Марказий сайлов комиссияси ўз ишини бошлагандан сўнг ўтган даврда у томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида 14 та сайлов округи тузилди ва округ сайлов комиссиялари ташкил этилди. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари тузилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига биноан хорижий давлатлардаги ваколатхоналар ҳузуридаги участка сайлов комиссияси раиси вазифасини ваколатхонанинг раҳбари амалга оширади. Унинг таркиби ва аъзолари эса Ташқи ишлар вазирлиги тақдими билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхати мазкур ваколатхона раҳбари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади (22-моддаси).

Шунга кўра, хорижий мамлакатларга ишга, малака оширишга ёки бошқа мақсадларда кетган Ўзбекистон фуқаролари ўша хорижий мамлакатдаги Ўзбекистон Республикаси ваколатхоналари, ўша хорижий мамлакатдаги Ўзбекистон Республикаси ваколатхонаси ҳузурида тузилган участка сайлов комиссиясида рўйхатдан ўтиб, сайловларда овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар янада изчил давом этиши, халқимизнинг фаровон ва тинч ҳаётини таъминлаш мақсадида белгиланган режалар ҳар томонлама муваффақиятли якунланиши учун, мамлакатимиз келажагини ўйлаб бўлажак сайловларда барча фуқароларни сиёсий маданиятли, ижтимоий фаол бўлишга чақирамиз.

Шерзод МАВЛОНОВ,
Тошкент давлат юридик институти талабаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2007 йил 16 ноябрдаги мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 14, 25-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан топширилган ҳужжатларни кўриб чиқди.

Қонунда белгиланган муддатда ўтказилган текширув натижаларига кўра, ишчи гуруҳлари тақдим этилган ҳужжатларнинг сайлов қонунчилиги талабларига мослиги хусусида ўз хулосаларини берди. Марказий сайлов комиссиясининг мазкур мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 14, 25-моддаларига мувофиқ, қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинди: Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан – Аслиддин Ашурбаевич Рустамов, 1962 йилда туғилган, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари; "Адолат" социал-демократик партиясидан – Дилорам Гафурджановна Ташмуҳамедова, 1962 йилда туғилган, "Адолат" социал-демократик партияси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари; сайловчилар ташаббускор гуруҳидан – Акмал Холматович Саидов, 1958 йилда туғилган, партиясиз, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг раиси; Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан – Ислом Абдуғаниевич Каримов, 1938 йилда туғилган, партиясиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти. Рўйхатга олинган номзодлар илгари сиёсий партиялар қурултойлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатилган.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида шу нарса таъкидландики, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатган номзодларини қўллаб-қувватлаш учун сайловчиларнинг зарур бўлган миқдордаги имзоларини тўплай олмади ва ушбу партиялар бу ҳақда Марказий сайлов комиссиясини хабардор қилди. Мазкур ахборот инобатга олингани қайд этилди.

19 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулуғбек Абдусаломов журналистларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида муҳокама этилган масалалар – Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш, уларнинг оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти бошланганлиги ҳақида маълум қилди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасига асосан, сайловолди ташвиқоти Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинган кундан бошланади. Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳига бунинг учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан тенг фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 5, 14 ва 28-моддаларига биноан, Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш тўғрисида 2007 йилнинг 18 сентябрида қарор қабул қилган эди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Ўзбекистон" ва "Ёшлар" теле ҳамда радиоканалларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастурлари билан чиқишлари жадвали, шунингдек, "Халқ сўзи", "Народное слово" ва "Правда Востока" республика газеталарида номзодларнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастурларини чоп этиш жадвалини тасдиқлади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни ёритиш, сайловолди ташвиқотини амалга оширишга доир тадбирлар белгиланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар учун уларнинг сайловчиларга ўз сайловолди дастурларининг асосий қоидаларини етказиш бўйича тенг шароит яратиш мақсадида ҳар ҳафта радио ва телевиденеда тенг эфир вақти берилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг сайловолди дастурлари, сайловчилар билан учрашувлари ҳақида туркум видео ва радиороликлар, теле ҳамда радиоэшиттиришларни эфирга мунтазам узатиш режалаштирилди. Номзодларнинг илтимосларига биноан, уларга тенг шароитда исталган ҳажмда қўшимча бепул эфир вақти берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўз номзодини кўрсатган ҳар бир сиёсий партия ўз матбуот органига эга эканлиги ҳисобга олинган ҳолда сайловчилар ташаббускор гуруҳи учун ҳам тенг имконият яратиш мақсадида сайловолди ташвиқоти учун муассиси нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳисобланган "Жамият" газетасидан фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

Брифингда оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқотини амалга ошириш учун тенг шароитлар тамойили партия нашрлари ва "Жамият" газетасига жорий этилмаслиги қайд қилинди. Улар ўзлари зарур деб ҳисоблаган ҳажмдаги тегишли материални чоп этиш ҳуқуқига эгадир.

Брифинг иштирокчиларига, шунингдек, 2000 ва 2004 йиллардаги сайловларни ўтказиш тажрибаси ҳамда ташкил этилган сайлов участкалари сонини инобатга олган ҳолда, тегишли плакат ва рисолаларни ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида чоп этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастурлари ҳақида маълумот берилди.

Брифингда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ барча сарф-харажатлар "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига асосан давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

ЎзА.

ВАТАНГА ХИЗМАТ – МУҚАДДАС БУРЧ

УСТУВОР МАҚСАДЛАРИМИЗ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳадемай Конституциямиз қабул қилинган куннинг 15 йиллигини нишонлаймиз. Бу қутлуғ сана ўзининг мустақил йўлини танлаган ўзбек халқининг озодлик, эркинлик ва демократик, ҳуқуқий жамият қуриш йўлидаги тантанали кунидир.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида шундай дейди: **«...Тарихан жуда қисқа муддатда Асосий қонунимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бу қомусий ҳужжатда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари аниқ ифодалаб берилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши энг муҳим тамойил сифатида белгиланди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларининг давлат манфаатларидан, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг эса миллий ҳуқуқий меъёрлардан устунлиги ҳам Конституцияда муҳрлаб қўйилди.**

Асосий қонунимизда ҳеч қандай мафкуранинг давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт сиёсий институтларнинг ранг-баранглиги, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллигига асосланиши белгилаб берилди. Айни пайтда барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги шароитида хусусий мулкнинг устуворлиги конституциявий асосда мустаҳкамлаб қўйилди.

Ана шу тамойилларни инобатга олиб, давлат ва иқтисодиётни бошқаришнинг мустабид, марказлашган тизимига барҳам бериш, мустақил Ўзбекистоннинг янги сиёсий ва давлат тузилиши асосларини, аввало қонунчилик тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда ваколатли ҳокимият органларининг яхлит тизимини ташкил этишга қаратилган ишлар аниқ мақсадни кўзлаб босқичма-босқич амалга оширилди».

Бу фикри билан Юртбошимиз Бош Қомусимизнинг аввалги Конституциялардан фарқини, яъни мустақил Ўзбекистоннинг бу тарихий ҳужжати халқимиз хоҳиш-иродасини акс эттиришини таъкидлайди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳуқуқ ва манфаатларимизнинг қонун билан қўриқланиши кафолатлаб берилган. Аввало унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Туб моҳияти, фалсафаси ва ғоясига кўра тамомила янги ҳужжатдир. Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари, бурчлари тўғрисида ҳаётимиз Қомусидаги қоидаларни аввалги Конституцияларга солиштирсак, истиқлолимиз шарофати билан юзага келган янги ҳуқуқ ва эркинликлар тизимини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг амалга ошиши кафолатланиши кучайтирилганини ҳис қилиш мумкин.

Яқин ўтмишимизга назар ташласак, истиқлолга эришиш арафасидаёқ янгича Конституцияга эҳтиёж, зарурат юзага келганди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, янги Конституцияни ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақидаги ғоя илк бор Республикамизнинг 1990 йил март ойида бўлиб ўтган ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашининг биринчи сессиясидаёқ айтилганди. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлини белгилаб берувчи бу асосий ҳужжат ўзида нималарни акс эттириши лозим эди? Таъкидлаш жоизки, янги конституция давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий қоидаларига, қадриятларга, инсон ҳуқуқларига, давлат мустақиллиги принципларига, демократия ва ижтимоий адолат идеалларига содиқлигини ўзида акс эттириши керак эди.

Яхши биламиз, 1992 йил 26 сентябрда Конституция лойиҳаси матбуотда эълон қилинди. Шундан сўнг Асосий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси жуда кенг, қизғин тус олиб



кетди. Бу эса халқимизнинг хоҳиш – иродасини аниқлаш, жуда бой материал тўплаш имконини берди. Кўриниб турибдики, Бош Қомусимиз лойиҳаси устида икки йил давомида ишланган, икки ярим ой давомида эса халқимиз муҳокамасидан ўтган. Бу эса унинг халқимиз фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилганидан, сайқал топганидан далолат. Яъни сиёсий донолигимиз ва бой тафаккуримиз маҳсули сифатида эътироф этилди, Конституциямиз.

Маълумки, Конституциямиз муқаддимасида халқимизнинг хоҳиш-иродаси, тинчлик-фаровонликка, ҳуқуқий демократик ва инсонпарвар жамият қуришга бўлган интилиши, хуллас бугунимиз, нурли келажагимиз йўлидаги мақсадларимиз аниқ-равшан ифодасини топган. «...Инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб...» – дея муқаддимада баён этилган ана шу сўзларнинг ўзиданоқ Конституциямизнинг танлаган истиқлол ва тараққиёт йўлимизни ёритгувчи нур эканлигини англаймиз.

Истиқбол сари, порлоқ келажак сари ташлаган одимларимиз осон кечгани йўқ. Ҳатто танлаган йўлимизни кўролмайдиганлар турли ахборот хуружлари билан бизни айблашга, хусусан Ўзбекистонда демократия, инсон ҳуқуқлари гўёки паймол этилаётганини айтиб, айюҳаннос солишга уринишди. Келинг, айнан ана шу тамойилларга Кнституциямиз орқали жавоб берайлик.

Барчамизга яхши маълумки, Бош Қомусимизнинг катта бир бўлими «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» дея номланиб, у еттита бобдан ташкил топган. Улар билан танишиб туриб, мустақил Ўзбекистонда фуқароларнинг демократик ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари янгича тус олганини, давлат, жамият ва фуқаролар ўртасида демократияга асосланган янгича муносабатлар пайдо бўлганини англаш қийин эмас. Янаям аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни кафолатлашдек устувор вазифалар қуйидаги йўналишларда акс этади: Конституциямизда эълон қилинган ҳуқуқ ва эркинликларни доимо шакллантириб бориш, тараққий топтириш ва бойитишда; фуқароларимизнинг амалдаги ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш, кенгайтириш ва ҳуқуқий томондан таъминлашда; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғри амалга оширилишини таъминловчи, кафолатловчи конституциявий тамойилларни оғишмай татбиқ эта боришда.

Мана шундайин тамойилларни таҳлил қилар эканмиз, Юртбошимизнинг **«Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси энг демократик, халқаро миқёсда эътироф этилган меъёр ва талабларга жавоб беради, дейиш учун тўла асосимиз бор. Бугунги кунда Конституциямиз суверен давлатимизни қонуний-ҳуқуқий жиҳатдан шакллантиришнинг асоси бўлиб қолди»,** деган гаплари хаёлдан кечади.

Шуни эътироф этиш жоизки, миллий армиямизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, уларнинг самарасида Асосий Қонунимизнинг бекиёс ўрни бор. Сабаби бундайин ўзгаришлар, янгиланишлар учун аввало конституциявий кафолатлар яратилмоқда-да. Қуролли Кучларимизнинг жанговар қудрати, ҳарбий маҳоратини шакллантиришга қаратилган устувор вазифаларни оламизми, унинг сафларида мардонавор хизмат қилаётганларнинг ижтимоий ҳимоясини оламизми, бари-баринг замирида Бош Қомусимизнинг беқиёс аҳамиятини ҳис қиламиз. Демак, юрт ҳимоячиси Конституциямизнинг, у белгилаб берган истиқбол ва тараққиёт йўлимизнинг ҳам ҳимоячисидир.

Майор Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Портрет части победителя

БРОНЕВОЙ ЩИТ ЗАВТРАШНЕГО ДНЯ

Коллектив танкоремонтного завода Министерства обороны вот уже второй год подряд завоевывает звание лучшего среди подразделений обеспечения в войсках военного ведомства. Укрепляя броневой щит Родины, труженики передового предприятия тем самым укрепляют обороноспособность нашей страны, вносят весомый вклад в техническое оснащение армии. Заводчане вместе с тем стремятся заглянуть и в будущее, чтобы и броневой щит завтрашнего дня был таким же надежным.

– Главной задачей для нас является строгое выполнение производственных планов при условии постоянного повышения качества выполненных ремонтных работ, – говорит полковник Владимир Литвиненко. – И отрадно, что, несмотря на определенные трудности с поставками запасных частей и комплектующих деталей, нам удается выполнять поставленную задачу, улучшать год от года производственные показатели.

Руководством военного ведомства уделяется самое пристальное внимание данному предприятию, ведь оно обеспечивает возвращение в строй бронированной техники. Здесь подобрались специалисты, имеющие самый высокий уровень квалификации. Восстановленные тут бронетранспортеры, боевые машины пехоты, БМД, как говорится, во всеоружии вновь возвращаются в строй.

Совсем недавно в нашей газете освещался завершающий тур соревнования на звание лучшего ремонтного подразделения, проведенный на базе этого предприятия. Выбор был сделан отнюдь не случайно, при этом преследовалась вполне ясная цель – участники соревнования из ремонтных подразделений военных округов не только состязались между собой в мастерстве и умении, но и ознакомились с условиями, созданными на заводе, переняли опыт маститых заводчан.

– Подготовка и повышение квалификации специалистов по ремонту бронетехники для войсковых частей также является одной из важнейших задач нашего коллектива, – продолжает тему полковник В.Литвиненко. – Поэтому нам очень было приятно видеть, как в составах команд военных округов к нам приехали бывшие наши воспитанники, прошедшие обучение здесь на сборах.

Стремясь находиться на высоте требований времени, на заводе неустанно ведут совершенствование производственной базы. Так, отремонтирован цех по сборке гусеничных, колесных машин. Завершается оборудование и капитальный ремонт здания центра научно-исследовательских и конструкторских работ (НИОКР). Строится новое караульное помещение, совершенствуется система охранной сигнализации.

По единодушному мнению наших собеседников, с кем довелось говорить, умелое сочетание моральных и материальных стимулов является краеугольным камнем успешной работы завода. К примеру, помещение фотографии передовика на Доску почета сочетается с обязательным премированием по итогам месяца, квартала, года. Люди видят перспективу, продвижение кадров здесь прозрачно и объективно. Например, в отделе технического контроля под началом подполковника Зафара Нишонова трудятся самые сильные специалисты, мимо взыскательного глаза которых не пройдет ни одна, даже мелкая недоработка. Заводчане дорожат маркой своего качества.

Предприятие бюджетное, но «на шее» у государства не сидит, зарабатывая себе на свое обустройство и поощрение людей. В данное время завершаются изыскательские и проектные работы по оборудованию системы благоустройства завода, оборудованию автопарка, идет тендер проекта по реконструкции и капитального ремонта мойки машин. Ведется интенсивная работа по строительству хранилищ для ремонтного фонда и готовой продукции.

Возвращая в строй бронированную технику, заводчане неустанно трудятся и над тем, как еще более улучшить ее боевые возможности. Отработано более десятка образцов модернизированной техники, по которой ожидается решение о принятии на вооружение. Работу рационализаторов завода возглавляет ведущий инженер технического отдела, подполковник в отставке Ойбек Аскаров. Немало дельных предложений по организации ремонтного процесса звучит и от офицерского состава – майоров Нурлана Ахмедова и Фурката Эшпулатова, капитана Хуршида Кадыркулова, лейтенанта Маъсуда Рузиева. Впрочем, и многие из рабочих здесь самой высокой квалификации – такие, как специалист по ремонту электрооборудования Антон Сулейманов, слесарь-сборщик Зафар Баракаев, являющиеся настоящими мастерами своего дела.

В Год социальной защиты на предприятии была оказана помощь рабочим и служащим на приобретение сельхозпродукции, накануне всенародных выборов Президента Республики Узбекистан в заводском клубе агитационной группой во главе с Викторией Масленковой ведется большая разъяснительная работа о важности активного участия в народном волеизъявлении для поступательного движения страны по пути демократии и обновления.

Майор Анвар КАСЫМОВ.
Фото **Бахрома АБДУРАХИМОВА.**



ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Идет подготовка к новому учебному году

С ПРИЦЕЛОМ НА ВСЕАРМЕЙСКИЕ ИГРЫ

В эти дни в частях и подразделениях Вооруженных Сил продолжается интенсивная подготовка к 2007–2008 учебному году. В рамках этой подготовки на днях был успешно проведен учебно-методический сбор с заместителями командующих войсками военных округов, заместителями командиров воинских частей по боевой подготовке, начальниками отделов боевой подготовки соединений. В частности, одним из актуальных вопросов, рассмотренных на сборе, была и подготовка к проведению III Всеармейских игр.



Основными целями сбора являлись повышение общетеоретической и практической подготовки привлеченной категории военнослужащих, выработка единой методики планирования, организации и проведения занятий по боевой подготовке.

Не случайно был сделан акцент на развитие массового спорта в войсках. Ведь физическая подготовка личного состава является одним из главных элементов боевой подготовки войск. Итоги IV Всемирных военных игр, прошедших недавно в Индии, наглядно продемонстрировали всему миру силу и мощь Вооруженных Сил Узбекистана. Наша сборная команда, завоевав пять золотых, две серебряные и семь бронзовых медалей, заняла почетное седьмое место в мировой «табели о рангах». В основе успеха наших военных спортсменов лежит успешное участие во Всеармейских играх по военно-прикладным видам спорта, выработанный за годы реформирования нашей армии и строго выдерживаемый курс на массовость, активную пропаганду физической культуры и спорта, здорового образа жизни.

В связи с этим выступление представителя МХСК о месте и роли заместителей командиров по боевой подготовке в качественной организации спортивно-массовой работы, порядке организации Всеармейских игр по военно-прикладным видам спорта вызвало большой интерес среди участников сбора. Ведь уже весной следующего года стартуют очередные, III Всеармейские игры. Успех их проведения во многом зависит и от качественной подготовки сборных команд и четкого исполнения требований, предъявляемых к ним. Вместе с тем, офицерами отдела физической подготовки и спорта Управления боевой подготовки Объединенного штаба Вооруженных Сил проведены практическое и семинарское занятия по методике организации и проведения с личным составом утренней физической зарядки, организации спортивных массовых мероприятий.

Одним из главных вопросов проведения сбора также считалось доведение основных требований программы боевой подготовки в процессе этапов слаживания войск Министерства обороны.

В частности, предусмотрено увеличение срока проведения полевых выходов подразделений, что позволяет создать необходимый резерв учебного времени на каждом этапе подготовки личного состава. Вместе с тем, увеличен срок проведения первого этапа «Одиночная подготовка солдат по программе подготовки специалистов и слаживания расчета, секции и экипажа» за счет сокращения третьего этапа – «Слаживание взвода». Так как в период проведения первого этапа, в ходе индивидуального обучения, закладываются основы теоретических знаний и практических навыков военнослужащих по ведению современного боя, повышается уровень боевого мастерства по своей и смежной специальности.

Тематика занятий по предметам обучения в ходе слаживания взводов отрабатывается в полном объеме, за счет качественного планирования, комплексного проведения занятий и резерва учебного времени, создаваемого в ходе проведения полевых выходов подразделений.

Особенностью явилось и то, что занятия по технической подготовке и вождению боевых машин в общий расчет часов на учебный период не включены. Работы по подготовке вооружения и военной техники к эксплуатации в летнем (зимнем) периоде проводятся в подготовительные периоды как теоретические и практические занятия.

Целенаправленное планирование боевой подготовки предусматривает не только получение личным составом необходимых знаний, умений и навыков, необходимых для профессиональной деятельности, но и предусматривает формирование у него высоких моральных и боевых качеств.

В ходе сбора с использованием технических средств обучения организовывались и проводились лекционные и практические занятия. На лекционных занятиях доведены требования руководящих документов по организации командирской и боевой подготовки, основные требования в процессе этапов слаживания войск. Отработаны вопросы организации планирования боевой подготовки, основные документы, разрабатываемые на полигонах в интересах соблюдения мер безопасности при проведении занятий по боевой подготовке на учебных объектах.

В рамках ведущейся в войсках многоплановой работы по бережливости и экономии материальных средств актуально прозвучала лекция о материальной ответственности военнослужащих за ущерб, причиненный государству, о порядке списания с учета пришедших в негодное (предельное) состояние или утраченных материальных и денежных средств.

Как известно, основная часть боевой подготовки личного состава проходит на полигонах и в учебных центрах. В этом плане имело большое значение практическое занятие по теме эффективности использования учебных объектов полигона в процессе боевой подготовки войск и организации занятий на них. При его проведении с выездом на полигон обучаемым доведены основные требования по организации занятий на объектах полевой учебно-материальной базы с показом действий руководителей занятий и личного состава на учебных объектах.

При проведении учебно-методического сбора обучаемая категория принимала активное участие в обсуждении вопросов, связанных с планированием занятий и мероприятий в системе командирской и боевой подготовки. Офицеры приобрели необходимые навыки по проведению практических занятий на объектах полевой учебно-материальной базы.

Майор Алишер НУРЛАНОВ.

«Энг илғор мутахассис»

ҒАЛАБАГА ЯНА БИР ҚАДАМ

Юксак чўққиларни, юқори натижаларни кўзлаган, пешқадамлар сафида бўлишни хоҳлаган инсон ўқиб-изланишдан, ўз устида ишлашдан бир зум ҳам тўхтамайди. Аслида, бу мураккаб ва шу билан бирга қизиқарли жараёнга бутунлай шўнғиган киши тўхташни хаёлига келтирмайди ҳам. Чунки унинг саъй-ҳаракатларида шижоат ва ғайрат, тиниб-тинчимаслик, комилликка интилиш, ўз касби ва кундалик фаолиятига кучли меҳр-муҳаббат мужассам...

Маълумки, Мудофаа вазирлигида 2006-2007 ўқув йили якунларига бағишланган Ҳарбий кенгаш ўтказилди. Унинг ниҳоясида ўқув йили ғолиб ва совриндорлари эълон қилинди. Демак, ўрнак қилиб кўрсатиш мумкин бўлган ҳарбий жамоалар номи аниқ. Маълум муддатдан сўнг, аниқроғи, Ватан ҳимоячилари куни арафасида шахсий кўрсаткичлари бўйича ўқув йилини муваффақиятли якунлаган, пешқадам посбонлар кимлигини ҳам билиб оламиз. Ҳа, мен Юртбошимиз ташаббуси билан Қуролли Кучларимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Энг илғор мутахассис" кўрик-танлови совриндорларини назарда тутяпман. Масалан, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи Кажмухан Каипов Қуролли Кучлар миқёсида мутахассислиги бўйича "Энг илғор сержант" номини қўлга киритишга жуда яқин турибди. Олдинда уни сўнгги, ҳал қилувчи босқич кутмоқда. Ушбу довонни ҳам забт этишида куч ва иродаси, матонати ва қатъияти етишига заррача шубҳаланмаётган посбоннинг айни пайтдаги бутун диққат-эътибори имтиҳонларга муносиб ҳозирлик кўришга қаратилган.

– Сержант Каипов взводимиздаги аълочи ҳарбий хизматчилардан бири, – дейди фахр билан капитан Обиджон Юлдошев. – Ишончим комилки, у албатта биринчи ўринни эгаллайди.

Аслида сержантга нафақат командирлари, ҳарбий қисм, ҳарбий округ қўмондонлиги ҳам юксак ишонч билдирмоқдалар. Ахир у Мудофаа вазирлиги миқёсида ўтувчи учинчи босқичда нафақат ўз ҳарбий жамоаси, балки округ вакили сифатида иштирок этади-да.

Жамоадошларининг далдасини юракдан ҳис этаётган Ватан ҳимоячиси бундай синовларга руҳан тайёр, десак муболаға бўлмас. Юқоридаги фикримни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Ҳарбийлик касбини эгаллашдаги илк қадами – муддатли ҳарбий хизматга чақирилгани ҳамда йигитлик бурчини фидокорона адо этгани, энг аввало, Қуролли Кучларимиз сафларидан ўрин олишга лойиқ топилгани унинг дастлабки ғалабасидир. Замонавий техника ва жиҳозлар билан билим олиш ва яшаш шарт-шароитлари юқори даражада таъминланган сержантлар тайёрлаш мактабининг курсанти бўлиши эса яна бир довоннинг забт этилганидан нишона. Хуллас, ўқув йиллари мобайнида, турли назорат ва якуний синовларда ҳар томонлама чиниққан кичик командир бой тажриба ва малакага эга. Ўз-ўзидан аёнки, касбий малака ҳар қандай мутахассисга ишонч, руҳий куч, мадад бағишлайди.

Тўғри, ҳарбий округларнинг энг илғор посбонлари – сара даъвогарлар ичидан кучли, дея эътироф этилиш осон бўлмаслиги аниқ. Аммо интилганга толе ёр, дейдилар. Шундай экан, жанговар шайлиги, тайёргарлик турларида қайд этаётган кўрсаткичлари, ташаббускорлиги ҳамда хулқ-атвори, хизмат ва вазифасига бўлган муносабати билан сафдошларига доим ўрнак бўлиб келаётган аълочи сержант Кажмухан Каиповдан навбатдаги зафарларни кутиб қоламиз.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.

БИЛИМ ЮРТИДА БАЙРАМ



Қуролли Кучларимиз саф ва бўлинмаларига ўз касбининг моҳир билимдони бўлган етук малакали офицер кадрлар тайёрлаб бераётган Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ўзининг ташкил топган кунини нишонлади. Шу муносабат билан Чирчиқ гарнизони офицерлар уйида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда билим юрти шахсий таркиби билан биргаликда фахрийлар – генераллар, офицер ва Қуролли Кучлар хизматчиларидан иборат ўқитувчилар ҳамда Мудофаа вазирлиги масъул ходимлари иштирок этди.

Байрам тадбирини билим юрти бошлиғининг ўринбосари офицер Шуҳрат Абдуллаев олиб борди. Тадбир иштирокчиларини қутлаш учун сўзга чиққан билим юрти бошлиғи генерал-майор Қосимали Аҳмедов тантана муносабати билан барчани муборакбод этаркан, билим юртининг шонли тарихи, муваффақиятли равишда давом эттириб келинаётган анъаналар, ушбу даргоҳдан етишиб чиққан ва Қуролли Кучларимиз фахрига айланган офицер ва генераллар ҳамда бугунги кунда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида батафсил тўхталиб, ҳарбий ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этишда билим юрти шахсий таркиби, битирувчиларининг ҳам ўзига хос ўрни борлигини алоҳида таъкидлади.

Тадбир давомида Мудофаа вазирининг буйруғига мувофиқ аъло хизматлари ва бўлажак офицерларга жанговар санъат илмидан сабоқ бериш борасидаги етук хизматлари учун билим юрти катта ўқитувчиси офицер Зафар Қосимов қимматбаҳо совға билан тақдирланди. Шунингдек, бир қатор офицер, сержант, курсант ҳамда Қуролли Кучлар хизматчиларига билим юрти бошлиғининг буйруғига мувофиқ фахрий ёрлиқ, эсдалик совғалари ва пул мукофотлари берилди. Ўз касбининг жонкуяри бўлган кўпгина фидойи хизматчиларга ҳамда билим юрти ўқув жараёнини таъминлаш батальонида йигитлик бурчини ўтаётган муддатли хизмат оддий аскарларига миннатдорчилик эълон қилингани ва уларнинг ота-оналарига миннатдорчилик мактублари юборилгани, баъзиларига қисқа муддатли таътил берилгани айтилди. Ўз навбатида сўзга чиққан офицер Зафар Қосимов ташриф учун барча меҳмонларга миннатдорчилик билдираркан, бундан кейин ҳам билим юрти ҳар доим олдинги сафларда бўлишига барча сафдошлари номидан ваъда берди.

Тадбирда Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Тоҳир Ҳамроқулов ҳам иштирок этди. У билим юрти шахсий таркибини Мудофаа вазирлиги ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби номидан табриклар экан, тантанали суратда вазирликнинг қимматбаҳо совғаси – рангли телевизорни тақдим этди.

Байрам тадбири Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар билан давом этди. Шодиёна барчада илиқ таассурот қолдирди.

Катта лейтенант Яшин КОМИЛОВ.
Қайрат АМИРҚУЛОВ суратга олган.

Военное образование: курсом реформ

ПРОЦЕСС ВЗАИМНОГО ПРИТЯЖЕНИЯ



Красивое литературное выражение «глаголом жечь сердца людей» имеет самое непосредственное отношение и к участникам методических сборов с преподавательским составом кафедр общественных наук, гуманитарных и социально-экономических дисциплин высших военно-образовательных учреждений, проведенных на днях в Центральном музее Вооруженных Сил. Обеспечение процесса взаимного притяжения интересов в процессе обучения всегда было и остается важнейшей темой для высшей школы.

Как преподавателю поддержать огонек внимания в глазах курсантов? Как эффективнее и доходчивее донести до аудитории смысл высоких понятий патриотизма, гражданственности и верности Родине? Прозвучавшие доклады, лекции, жаркие дискуссии за «круглым столом» послужили поиску ответов именно на эти извечно актуальные вопросы.

Открыл мероприятие докладом «Основные требования, предъявляемые к кафедрам общественных наук» начальник Управления военного образования Министерства обороны подполковник Жуманиёз Раматов. Он подчеркнул, что главная задача, которая стоит перед военным образованием – это воспитывать будущих офицеров в духе гражданственности, патриотизма, верности Родине. Однако, к сожалению, и сегодня среди курсантов военных училищ порой еще встречаются отдельные лица, которые спустя годы учебы пишут рапорты на увольнение со стандартной формулировкой «Ошибся в выборе профессии». Не допустить этого – задача не только местных отделов по делам обороны, на этапе отбора упускающих отдельные важные моменты, но и военных преподавателей тоже.

Большой интерес у аудитории вызвал доклад преподавателя Академии государственного и общественного строительства (АГОС) при Президенте Республики Узбекистан, кандидата педагогических наук Ибрагима Махмудова по теме: «Психологические возможности повышения эффективности преподавания общественных дисциплин». Не секрет, что порой преподаватели со стажем скептически относятся к новомодным понятиям, как использование передовых технологий в учебном процессе. Так вот, согласно исследованиям, «пирамида обучения» складывается следующим образом. На лекциях усваивается 5 процентов передаваемых знаний, при самостоятельном чтении – 10 процентов, при использовании видео- или аудиоматериалов – 20 процентов, слайдов – 30 процентов, при групповых диспутах – 50 процентов, в ходе практической деятельности – 75 процентов, при обучении других – 90 процентов.

Оратор подробно остановился и на основных проблемах обучения: когнитивных установках, связанных с шаблонами, психофизиологических процессах в связи с возрастом и полом, малой активности слушателей. И счел нужным напомнить: лектору необходимо четко обозначить цели и задачи занятия, обратить внимание на логическую связь частей лекции, обеспечить участие всех органов восприятия (аудиальное, визуальное, кинестетическое). То есть, курсант должен иметь возможность увидеть, услышать и потрогать предмет обсуждения.

С этой точки зрения, очень эффективным получился разговор «за круглым столом», который организовали представители ЧВТКИУ подполковники Алипаша Ахмедов и Чори Насриддинов. Тема его была интригующей: «Противоречия, возникающие в процессе обучения курсантов высших военных образовательных учреждений». Всего было рассмотрено 19 противоречий, и только недостаток газетной площади не позволяет их обсудить.

Участники сборов приняли самое непосредственное участие в беседе «за круглым столом». Например, преподаватель из ДВВАУ Олмахон Розыбакиева подчеркнула, что педагогическое мастерство состоит в умении лектора донести до курсанта свои знания. К сожалению, есть отдельный тип преподавателя, обладающего массой уникальных знаний, но излагающего свои тезисы настолько скучно и неинтересно, что аудитория не воспринимает их. Подполковник Алипаша Ахмедов привел интересный пример, как бы в ответ на требования некоторых преподавателей, сократить объем гуманитарных и общественно-экономических дисциплин. В ЧВТКИУ семь лет выпускались офицеры по воспитательной работе, где эти дисциплины читались в большем объеме, как профилирующие. Так вот, большинство этих офицеров сейчас не только успешно служат на ниве воспитания военнослужащих, но и выросли в отличных командиров подразделений. Доцент Алижон Каримджанов из Ташкентского государственного педагогического университета уточнил, что технические средства обучения (ТСО) и новые педагогические технологии (НПТ) – это две разные вещи. Можно скептически относиться к последним, но надо успешно использовать первые в учебном процессе.

В познавательном плане очень полезное методическое занятие об основных методах воспитательной работы со всеми категориями военнослужащих провел представитель ТВОКУ подполковник Шароф Гаппаров, а об особенностях духовно-нравственного и патриотического воспитания курсантов рассказали подполковник Шербой Маматкулов из ДВВАУ и майор Мухтор Азизов из СВВАКИУ. Живой обмен опытом преподавательского состава имел очень большое значение для успешного проведения сборов.

Вместе с тем, приехавшие на сборы преподаватели связывали большие ожидания с лекциями приглашенных специалистов. В этом плане ожидания многих оправдало и выступление доктора экономических наук, профессора Хасана Абулкасымова из АГОС на тему: ««Геоэкономика и проблемы экономической безопасности Узбекистана».

– Хотелось бы выразить искреннюю признательность профессору за данную лекцию, – делится впечатлениями подполковник Акмаль Исмоилов из СВВАКИУ.

Подполковник Шербой Маматкулов тоже не скрывал своих эмоций от удовлетворенности участием в сборах.

– Прекрасно провел беседу за «круглым столом» подполковник Чори Насриддинов, – говорит он. – Как истинный военный психолог, он чутко управлял вниманием аудитории, было чему у него поучиться. А еще понравилось выступление профессора Бердикула Туйчиева из Национального университета Узбекистана о преподавании философии.

Одним словом, насыщенные выступлениями и диспутами, ответами командования на вопросы участников, сборы успешно достигли поставленных целей. Военные преподаватели не только обменялись опытом и вооружились новыми знаниями, но и получили мощный импульс для творческого поиска.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **подполковника Рустама КАСЫМОВА.**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ЙИҒИН

Қуролли Кучлар алоқа қўшинлари раҳбар ходимларининг икки кунлик ўқув-услубий йиғини бўлиб ўтди.

Тадбир Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошқарма бошлиғи, йиғин раҳбари офицер У. Аҳмедовнинг алоқа қўшинлари шахсий таркибининг 2006-2007 ўқув йилида эришган ютуқлари, тайёргарлик даражаси билан боғлиқ маърузаси билан бошланди.

Шундан сўнг З. Дусматов, З. Ҳакимов, С. Гладков, Д. Турсунов каби тажрибали алоқачи офицерларнинг Қуролли Кучларимиз алоқа тизимининг такомиллашуви, рақамли алоқа тизимига ўтиш, алоқа тармоқларида тезкор-техник хизматни ташкил этиш, алоқа қўшинлари техник таъминоти, стационар ва дала-ўқув шароитида алоқа тармоқларидаги тезкор-техник хизмат бўйича олиб бориладиган ҳужжатлар каби мавзулардаги кўплаб чиқишларни йиғилганлар диққат билан тингладилар. Соҳага алоқадор янги ҳужжатлар, буйруқ ва йўриқномалар билан яқиндан танишдилар.

Маълумки, ҳарбий алоқачи мутахассислар қисм ва муассасаларда янада сифатли ва узлуксиз алоқани таъминлаш, алоқа тизимини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар. Шундай саъй-ҳаракатлар, изланиш ва интилишлар натижаси бўлмиш янги ва модернизация қилинган алоқа воситалари, техникаларнинг намойиш этилиши ҳам йиғин иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Алоқа қўшинлари раҳбар ходимларининг ўқув-услубий йиғини давомидаги маърузалар, назарий ва амалий машғулотлар ўзаро тажриба алмашув ҳамда хизмат жойларида алоқа тизимининг такомиллашувига хизмат қилиши шубҳасиз.

Катта лейтенант
Рўзимуҳаммад ЖАҲОНГИРОВ.

КУРСОМ РЕФОРМ

Заметки публициста

ДЕМОКРАТИЯ – ЭТО ВОЗМОЖНОСТЬ ВЫБОРА И СВОБОДА ВОЛЕИЗЪЯВЛЕНИЯ

В докладе «Узбекистан: 16 лет независимого развития» Президент Ислам Каримов отметил, что с первых дней независимости мы объявили о построении открытого демократического государства с социально ориентированной рыночной экономикой и формировании в стране гражданского общества. А это означало, что необходимо было реформировать все стороны нашей общественной жизни. Первым шагом в этом направлении было принятие Основного Закона – Конституции Республики Узбекистан, закрепившей в своей основе важнейшие демократические принципы. В частности, принцип разделения государственной власти на законодательную, исполнительную и судебную и принцип приоритета прав человека над государственными интересами.

Руководствуясь требованиями Конституции, в стране начался активный процесс формирования основ нового государственного устройства в независимом Узбекистане и создания целостной системы конституционных представительных органов власти в центре и на местах. Приоритетное значение руководство страны придавало также формированию гражданских и общественных институтов, таких как парламентский Омбудсман, Национальный центр по правам человека, а также охране прав и интересов человека, семьи, материнства и детства и другим вопросам нашей общественной жизни. А повышение правовой культуры и правосознания населения было определено не только целью, но и важнейшим условием подлинно демократического правового государства, гражданского общества.

Огромное значение в деле демократизации страны имела сильная социальная политика, неимеющая аналогов в мире, созданный по инициативе Президента действенный механизм всесторонней, адресной социальной защиты населения. Кто-то может сказать, а при чем тут сильная социальная политика, когда речь идет о демократии? Охотно поясню: **зрелая демократия – это всегда атрибут зрелого общества.**

Именно в результате такой политики в стране была обеспечена общественно-политическая стабильность и широкая поддержка населения, проводимого Президентом курса реформ.

Не меньшее значение имела также целенаправленная работа по повышению политического самосознания, укреплению межнационального и межрелигиозного согласия в стране, усилению роли духовно-нравственного воспитания и обращения к своим корням и наследию великих предков.

Важнейшее значение в деле демократизации страны имел ее второй период развития по пути независимости с 2001 по 2007 годы. Именно в этот период активно решались задачи по дальнейшей демократизации и либерализации всех сторон политической и экономической жизни, государственного и общественного строительства, укреплении независимой судебной системы, защите прав и свобод человека, повышении политической активности граждан и формировании основ гражданского общества. **То есть практически, последовательно, этап за этапом решалась и решается задача перехода от сильного государства к сильному гражданскому обществу. Другими словами, главой нашего государства был найден самый верный инструмент осуществления глубоких структурных реформ на переломных этапах развития нашего общества.**

В ходе демократических реформ высший законодательный орган страны Олий Мажлис преобразован в двухпалатный парламент, состоящий из Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан. Здесь, думаю, уместно подчеркнуть, что с расширением прав и полномочий парламента страны обеспечивается большая сбалансированность полномочий между законодательной и исполнительной ветвями власти. При этом важную роль сыграла передача части полномочий Президента Сенату, а также усиление прав и полномочий премьер-министра страны. И сделано это по инициативе Президента.

Принципиальное значение в деле углубления демократизации в жизни страны имело принятие Закона «Об усилении роли политических партий в обновлении и дальнейшей демократизации государственного управления и модернизации страны». **Сегодня наши политические партии имеют большое общественно-политическое значение.** Они становятся важнейшим инструментом повышения политической и общественной активности граждан, выражением воли и мнения населения, в первую очередь в период выборных кампаний, а также при формировании органов государственной власти в центре и на местах. Подтверждением возросшей роли политических партий является то, что на выборы Президента страны они идут со своими кандидатами. Повысилась роль партий в парламентской деятельности, в законотворческой работе, в решении организационных вопросов и, самое главное, сегодня их знают потенциальные избиратели. Знают их программы, их лидеров и их парламентские цели.

> СЕГОДНЯ НАШИ ПОЛИТИЧЕСКИЕ ПАРТИИ ИМЕЮТ БОЛЬШОЕ ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ. ОНИ СТАНОВЯТСЯ ВАЖНЕЙШИМ ИНСТРУМЕНТОМ ПОВЫШЕНИЯ ПОЛИТИЧЕСКОЙ И ОБЩЕСТВЕННОЙ АКТИВНОСТИ ГРАЖДАН, ВЫРАЖЕНИЕМ ВОЛИ И МНЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ.

Важным атрибутом гражданского общества являются негосударственные некоммерческие организации, представляющие интересы различных социальных групп и широких слоев населения, а также свободные средства массовой информации.

Сегодня в нашей стране действует пять активных и боевитых политических партий, со своими программами и своим электоратом, около 5 тысяч негосударственных некоммерческих организаций, более 870 газет и журналов, около 100 государственных и негосударственных теле-, радиостудий. В стране создана необходимая нормативно-правовая база, экономические и правовые гарантии, обеспечивающие свободное развитие институтов гражданского общества, повышение эффективности их деятельности, направленной на удовлетворение и защиту интересов граждан, решение важных социально-значимых программ.

Все это наглядное подтверждение того очевидного факта, что мы идем на выборы Президента, по существу говоря, зрелым обществом. А зрелая демократия, как уже было сказано, это всегда атрибут зрелого общества. Иного не бывает. А если обратиться к образному выражению Президента Ислама Каримова, то демократия – это многоэтажное здание, строителем которого является сам исторический процесс. И закономерность, которая выверена веками, здесь такова – строительство начинается не с крыши, а с фундамента. И каждый новый этаж вырастает на месте предыдущего. И так шаг за шагом.

Зная эту закономерность, глава нашего государства точно следовал ее сути, и постепенно, этаж за этажом, возводил прочное, на века, охватывающее все сферы жизни общества новое прекрасное здание – независимый, суверенный, демократический Узбекистан.

Когда на Западе раздаются голоса, что в Узбекистане медленно идет процесс углубления демократии, это выглядит смехотворно. Обратимся к некоторым фактам их же истории. Англичане приняли Великую хартию вольности еще в 1215 году, а затем – Билль о правах в 1689 году, французы – Декларацию прав человека и гражданина в 1789 году, американцы – Билль о правах в 1789 году. А когда эти страны пришли к демократии в современном ее понимании? Только тогда, когда общество созрело для того, чтобы принять и реализовать давно провозглашенные идеалы. И случилось это лишь во второй половине XX века. Более того, как видно из приведенных данных о развитии и углублении процессов демократии в нашей стране, у нас этот процесс в сравнении с Западом не только не замедленный, а можно сказать космический.

Это стало возможным потому, что дали свои положительные результаты экономические реформы, сильная социальная политика, укрепление дружбы между всеми нациями и народностями, населяющими Узбекистан, и духовно-просветительская работа среди населения, особенно среди молодежи. Произошло это потому, что изменилось сознание людей, их мышление и мировоззрение. Как подчеркнул глава нашего государства: **«В жизнь вступает новая генерация людей, которые мыслят по-новому и видят свою перспективу в укреплении демократических ценностей и интеграции в мировое содружество, что само по себе является надежным гарантом необратимости коренных политических, экономических, духовно-нравственных преобразований в стране».**

Строя правовое, демократическое государство, гражданское общество, мы опираемся не только на передовой опыт развитых демократических государств, но и учитываем собственные условия, древние обычаи и традиции предшествующих поколений, менталитет народа, его образ жизни и духовные ценности.

Общеизвестно, что **в мире нет универсальной формы демократии, одинаково подходящей для всех государств и народов.** И попытки насаждать чужой опыт в другие страны не от большого ума, а от недопонимания того, что насильственная политика может привести к серьезным негативным последствиям. Эту мысль неоднократно повторял глава нашего государства. А недавно она, с новой силой, прозвучала на международном «круглом столе» на тему: «Демократическое развитие: безопасность, права человека, сотрудничество во имя будущего». В ходе дискуссии на нем, в частности, выступила научный сотрудник экономического отдела Мюнхенского института восточно-европейских исследований Мануэла Трошке (Германия) и сказала: **«Опыт Узбекистана является ярким примером продуманной политики осуществления демократических преобразований, где большое внимание уделяется поэтапности этих изменений и политической стабильности в стране».** И там же Чрезвычайный и Полномочный посол Индии в Узбекистане Сканд Ранджан Тайал прямо заявил: **«Узбекистан уже является демократическим государством. В стране успешно реализуются политические реформы. Сегодня их результат налицо».**

Хорошо сказано представителями и Германии, и Индии. Мы к этому можем только добавить: **все, что сделано за годы независимости в демократизации нашего общества и нашей общественной жизни – все это предмет заботы главы государства о последовательном углублении демократических процессов в стране, результат общественно-политических и социально-экономических реформ, проводимых под его руководством.** Если проанализировать все его действия за годы независимости, нельзя не заметить, что каждая его инициатива или мера в ходе реформ были адекватны той ситуации, в которой находилась страна. А точнее – адекватны историческому этапу. И за каждой инициативой стояли интересы страны, ее народа и интересы каждого человека. В этом его мудрость, умение следовать требованиям объективных законов и твердо защищать интересы народа.

Поскольку мы вступили в очень важный период в жизни страны – выборы Президента, и в этом периоде наступил самый ответственный этап избирательной кампании – этап предвыборной агитации, то нельзя не сказать и о демократизме нашей избирательной системы. **Главное ее достоинство – возможность выбора для избирателей и свобода волеизъявления, гарантированная государством.**

В наших избирательных законах нашли свое отражение нормы международного права, опыт развитых демократических государств и наши собственные демократические наработки и воззрение, отражающие менталитет нашего народа. Наши выборы всеобщие, равные, прямые. При этом в выборной кампании в равной степени защищены как кандидаты, так и избиратели. И между обеими сторонами существует взаимопонимание. И это естественно – **в стране утверждается консенсусное массовое сознание.**

В предвыборной агитации каждому кандидату, независимо от того многочисленная партия его выдвинула или небольшая, предоставляются равные права проводить встречи с избирателями, использовать эфирное время, решать другие вопросы предвыборной кампании. Конституция страны и избирательное законодательство обеспечивают равные условия для всех кандидатов на основе здоровой политической конкуренции и плюрализма мнений. В то же время наше законодательство создает все необходимые условия для избирателей, чтобы каждый из них мог свободно по-своему, а не по-чужому усмотрению выбрать достойного кандидата и отдать за него свой голос. Кандидата, который готов служить интересам государства и своего народа, быть верным идеалам независимости, беречь мир и стабильность стране, гражданское и межнациональное согласие, постоянно заботиться об экономической мощи страны и высокой боевой готовности ее Вооруженных Сил.

И так, мы в преддверии события огромной политической значимости – выборов Президента Республики Узбекистан. Впереди еще многодневная острая политическая борьба партий за своих кандидатов. Борьба разъяснением, убеждением, программой действий. Выбор за нами – избирателями.

Анфим ХЛЫЗОВ.

Кинологическая служба

С ЧЕТВЕРОНОГИМ ДРУГОМ СЛУЖИТЬ ЛЕГЧЕ

На днях на базе Национального кинологического центра Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан (НКЦ ГТК) прошла межведомственная выставка собак. Звание «Лучший представитель служебной породы силовых структур», кубок и соответствующие дипломы получили представители Центрального питомника служебного собаководства (ЦПСС) и ряда войсковых частей Министерства обороны Республики Узбекистан. Армейские кинологи и их питомцы признаны лучшими среди самых достойных и дипломированных представителей питомников и войсковых частей всех силовых структур.

По итогам выводки в номинации «Лучшая порода» армейские питомцы: восточно-европейская овчарка Рекс, немецкая овчарка Симба, ризеншнауцер Сандра и мастино-неаполитано Бетховен фон Грей были награждены дипломами НКЦ ГТК. Кубок и диплом лучшего представителя служебной породы были вручены среднеазиатской овчарке по кличке Басар, представлявшей одну из частей Ташкентского гарнизона.

Проведенные в ходе выставки показательные выступления по различным направлениям минно-розыскной и защитно-караульной службы продемонстрировали широкие возможности в использовании собак в самых различных военно-прикладных целях.

Наши представители сержант Б. Юлдашев со служебной собакой Байкал, младший сержант Г. Собиров с Бетховеном фон Грейем и рядовой Д. Жураев с Сандрой показали зрителям и специалистам основные приемы курса общей дрессировки.

Обнаружение и обезвреживание мин-ловушек и фугасов – старая собачья профессия. В годы Второй мировой войны, в «горячих точках» последних лет специально обученные собаки спасли немало человеческих жизней. Выступления младшего сержанта З. Мелибаева и рядового А. Бустонова с собаками Марлена и Карри показали, что у саперов Министерства обороны есть надежные помощники. Сегодня, когда международные террористы применяют самые варварские методы подрывной деятельности, обезвреживание автомобиля со взрывным устройством на контрольно-пропускном пункте – тема актуальная. С помощью выступивших в роли условных нарушителей младшего сержанта Э. Меликулова и рядового З. Азимова было показано, что и в этом случае друзья человека на высоте. Собака Сара младшего сержанта Б. Бобоноровa с успехом справилась со сложной задачей.

Подготовка служебных собак берет свое начало с первых десятилетий прошлого века. Уже известные нам Карри и Сандра приучены не бояться взрывов и выстрелов. Они всегда готовы по команде своих вожатых выполнить свой собачий долг.

Сержант Б. Юлдашев со служебной собакой Байкал наглядно показал возможности хорошо обученной собаки при охране особо важных объектов.

И, наконец, гвоздь программы – захват условного вооруженного нарушителя с применением огнестрельного оружия. Служебные собаки широко используются для поиска опасных уголовных преступников. Днем и ночью они помогают преследовать их по ощутимым лишь по запаху следам, а при обнаружении задерживать и обезвреживать.

Сам вид Бетховена фон Грея, гиганта мастино-неаполитано, способен навести ужас на любого бандита и взять самого хитроумного нарушителя.

В воинских частях Министерства обороны сегодня созданы все условия для качественного содержания, кормления и правил использования служебных собак. В соответствии с современными требованиями производится оборудование постов и строительство вольеров. Организована подготовка вожатых служебных собак в округах и частях, периодически проводятся проверки их подготовленности с приемом зачетов, разрабатывается методическая литература о возможностях и важности применения служебных собак по обеспечению боевых, специальных и других действий, а также охраны и обороны особо важных объектов.

Успешное участие представителей служебного собаководства Министерства обороны в данной выставке говорит о том, что работа в данном направлении ведется плодотворно.

Владимир КАЛОШИН.
Фото **Камоллитдина ТУРАЕВА.**



КИЧИК МУТАХАССИСЛАР МАЛАКА ОШИРМОҚДА



Инсон тириклигининг асосий белгиси – унинг фикрлашидадир, деган эди файласуфлардан бири. Дарҳақиқат, тафаккур қилиш, фикр юритиш орқалигина борлиқни, дунёни, артоф-муҳитни англаб борамиз. Инсон сифатида шаклланамиз ва камол топамиз. Аслида, бу узвий ва давомли жараённи бутун умр давомида бошдан кечирамиз. Маълумки, касбий малакани ошириш ҳам ушбу мураккаб жараённинг таркибий қисми саналади. Яъни киши эгаллаган соҳаси билан боғлиқ билими ва тажрибасини ошириб бормас экан, ўсишдан ва касбий ривожланишдан тўхтайди. Шу боис, Қуролли Кучларимиз сафларида фаолият кўрсатувчи сержантлар ва офицерлар таркибининг малакасини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш ва касб борасидаги сўнгги янгиликлардан хабардор қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, шу мақсадда жойларда малака ошириш курслари ташкил этилган.

– Малакамни ошириш учун мазкур курсларга юборилдим, – дейди шартнома бўйича хизмат оддий аскари Гуласал Абубакирова. Келинг, ҳарбий либос соҳибасининг фикрларини у таҳсил олаётган курслар ҳақида батафсил маълумот бергач, давом эттирамиз.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежида фаолият кўрсатувчи авиация мутахассислари малака ошириш курсларида Ҳарбий ҳаво кучларининг кичик авиация мутахассислари ҳам таҳсил олмоқдалар. Аниқроқ айтадиган бўлсак, Мудофаа вазирлиги ҳамда юқоридаги билим маскани ўртасида имзоланган шартномага асосан касб-ҳунар коллежининг ўқув ва техник базаси, мавжуд ўқув қўлланмаларидан фойдаланган ҳолда бир ой давомида посбонлар малака ошириб борадилар. Машғулотлар ранг-баранг кўргазмали ва ўқув қуроллари воситасида ўтилади.

– Ёзиб олувчи жиҳозлар назорати ва маълумотларни ишлаш гуруҳи мутахассисиман, – дея сўзида давом этади, у. – Бу ерда касбимга доир янги маълумотлардан хабардор бўлиб, ҳамкасблар билан ўзаро тажриба алмашяпмиз ҳам. Дарвоқе, суҳбатдошим билан мулоқотга киришишдан олдин авиасозлик касб-ҳунар коллежи директорининг маркетинг бўйича ўринбосари, курслар учун масъул Анатолий Ким мени курс иштирокчилари ёнига бошлади. Учиш аппаратлари қурол-аслаҳалари бўйича машғулотни истеъфодаги полковник Адҳам Бурнаев ўтаётганди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, машғулотлар асосан икки йўналишда, яъни самолёт ва двигателлар техник эксплуатацияси ҳамда учиш аппаратларининг авиация жиҳозлари эксплуатацияси бўйича олиб борилади. Машғулотлар жараёнига эса коллежнинг Сергей Морозов, Александр Ровинский, Даврон Расулов, Людмила Нагорная ва Дилмуратхон Қосимова сингари тажрибали ўқитувчилари жалб қилинган.

Машғулотларнинг юқори савияда ташкиллаштирилганини кичик сержант Олимхон Алиев, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Лиля Шокирова каби кўплаб курсантлар эътироф қилдилар.

Курсантлар учун масъул офицер Абдулазиз Акбаров малака ошираётган авиация кичик мутахассисларининг нафақат машғулотлардаги иштирокига, балки мустақил тайёргарлигига ҳам алоҳида эътибор берилишини маълум қилди. Демак, олинган билимлар ўзаро фикр алмашиш ва савол-жавоблар орқали янада мустаҳкамланади ва бойитилади.

Курслар муддати якунида эса Мудофаа вазирлиги масъул вакиллари ва Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежи ўқитувчилари иштирокида имтиҳонлар ўтказилади. Улардан муваффақиятли ўтганларга тантанали равишда тегишли сертификатлар топширилади.

Шубҳасизки, олинган билим ва орттирилган тажриба, оширилган малака мутахассисларимизнинг жанговар хизматларида жуда асқотади.

Катта лейтенант Тўлқин САИДНАЗАРОВ.
Муаллиф суратга олган.

ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

БУЮК НЕЪМАТ



Оилада эркак ва аёлнинг иноқлиги, бир-бирига бўлган меҳрли муносабати катта аҳамият касб этади. Бу фарзандлар камоли учун ҳам жуда муҳим. Касбим тақозосига, кўра кўплаб оилалар муҳити билан танишиш, мақолалар тайёрлаш имкониятига эга бўлганман. Шу сабаб, инсон бахти оила билан мукаммал эканлигини ҳар лаҳзада ҳис қилиб тураман. Оила – инсонга тақдим этилган буюк неъмат, десак арзийди.

Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали шифокорлари – тиббий хизмат подполковниги Ботиржон Қосимов ва Қуролли Кучлар хизматчиси Ферузахон Қосимовалар билан суҳбат жараёнида бахтидан, толеидан, фарзандлар камолидан масрур бу жуфтлик айнан бир-бири учун яралган, деган хулосага келдим. Госпиталь маъмуриятининг бу шифокорларнинг нафақат касбий маҳорати, балки намунали оиласи ҳақида билдирган илиқ фикрлари бежиз эмаслигини англаб етдим.

Инсон бахтга эришиши учун умр йўлининг бир қатор довонларини енгиб ўтмоғи лозим. Булардан бири ҳар бир одамнинг ўзига муносиб касбу кор, ҳунар эгаллаши бўлса, иккинчиси, ўзига муносиб жуфти билан умр йўлини боғлашидир. Мақоламиз қаҳрамонлари ҳам бу синовлардан аъло даражада ўтишган, дейишга ҳақлимиз.

Ботиржон ва Ферузахон Андижон давлат тиббиёт институтини тамомлашган. Барчага ҳам насиб этавермайдиган шифокорлик касбини биргаликда эгаллашган. Бу сатрларни ўқиб ўқувчиларимиз уларнинг оиласи севги ришталари билан боғланган, деган хулосага келиши аниқ. Чунки менинг ўзим ҳам дастлаб шу фикрга келган эдим. Бироқ суҳбат давомида икки ёшда оила қуришганидан кейингина бир-бирларига ҳурмат, муҳаббат пайдо бўлганидан воқиф бўлдим. Мана шунга ҳам ўн саккиз йилдан зиёдроқ вақт ўтибди.

– Турмуш ўртоғим билан бир институтда ўқиганимизни эшитиб, кўпчилик севишган бўлишса керак, деб ўйлашади, – дейди Ферузахон кулиб. – Ботиржон ака билан умр йўлимиз боғланишига уларнинг опалари сабабчи бўлишган. Ҳозирда икки фарзандимнинг ота-онасимиз. Мен аввало тақдиримга шундай инсон битилганидан мамнунман. Ортда қолган йиллар давомида биз бир-биримизни фақат тушуниб яшадик. Бунга аввало умр йўлдошим сабабчи. Чунки у инсон ўта мулоҳазали, кенг феълга эга, ҳар қандай ҳолатда босиқлик ила фикрини тушунтира билади. Шифокор сифатида касбига ўта фидойи. Айниқса, ҳарбий тиббиёт ходими бўлишнинг масъулияти янада юқори. Аёл бахти ҳақида сўз кетадиган бўлса, мен учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Ҳа, Ферузахон аввало севган касбига эришди. 1990 йили институтнинг даволаш факультетини тугатгач, Андижон вилояти марказий шифохонасида бир йил интернатурада тажриба оширди.

Кейин шаҳар поликлиникасида ички касалликлар шифокори сифатида фаолият юрита бошлади. Ботиржон ҳам 1988 йилда ўқишини битиргач, бир йиллик интернатурани Киев шаҳридаги клиник шифохонада адо этишига тўғри келди. Кейинги фаолиятини эса шифокор сифатида Андижон шаҳар шифохонасида давом эттирди. 1994 йилдан буён эса ҳарбий шифокор сифатида Марказий ҳарбий клиник госпиталда хизмат қилиб келмоқда. Орадан бир йил ўтиб Феруэахон ҳам ҳарбий шифохонада муносиб ўрин топди ва шу кунга қадар юрт посбонларига хизмат кўрсатиб келаяпти. Госпиталда кечган йиллар мобайнида шубҳасизки, ҳар иккала шифокор ҳам тажрибали тиббиёт ходимлари сафидан муносиб жой эгаллашди, хизмат мавқелари ҳам бир қадар ошди. Ҳозирда тиббий хизмат подполковниги Ботиржон Қосимов госпиталь бошлиғининг тиббиёт қисми бўйича муовини бўлса, Қуролли Кучлар хизматчиси Ферузахон Қосимова госпиталь функционал диагностика бўлими бошлиғи.

Мана, уларнинг хизмат фаолияти билан ҳам қисқача танишиб олдик. Аммо бизнинг мақсадимиз оила мавзусини ёритиш бўлганлиги сабаб, суҳбатимиз давомини шу йўналишда давом эттирамиз. Сўз навбати намунали оила соҳиби Ботиржонга:

– Менга Феруза ва унинг оиласи ҳақида гапириб беришганда ҳали бўлажак турмуш ўртоғимни кўрмай турибоқ, унинг яхши инсон эканлигини ҳис қилганман. Бу борада янглишмаган эканман. Унинг фазилатлари ҳақида тўхталадиган бўлсам, умр йўлдошим аввало яқинларига, ота-онамга жуда меҳрибон. Мана, яқинда онам оғир касал бўлиб қолганида Феруза онамга туну кун парвона бўлиб, меҳр билан қараб дуоларини олди. Бундай воқеалар тўғрисида кўп тўхталиш мумкин. Шунингдек, ҳар қандай вазиятга тўғри баҳо беради. Оилани ҳар томонлама тўкинликда, ҳавас қиладиган даражада асраб бориш учун эса аввало икки инсон бир-бирини тўғри тушуниши керак. Ўртада низо келиб чиқмаслигини олдини олиш зарур. Албатта, бахтли оила бўлиш шартларини бир сўз билан тушунтириш қийин. Лекин инсон бунга ҳар томонлама ҳаракат қилиши зарур.

Ботиржон суҳбат чоғида «Агар яна ёшликка қайтиб, оила қуришимга тўғри келса, албатта Ферузани танлаган бўлардим», деган сўзга алоҳида урғу бериб ўтди. Бундан кўриниб турибдики, бу икки жуфтлик ҳақида узоқ тўхталишу ортиқча таъриф беришнинг ўзи ўринсиз. Суҳбатимиз аввалида оилада фарзандлар камолга етаётганлиги ҳақида тўхталиб ўтган эдик. Булар Рустамжон ва Зилолахон бўлиб, улар айни дамда академик лицей ўқувчилари. Шундай ота-оналар қўлида вояга етган ўғил-қизлар келажакда жамиятимизнинг етук инсонлари бўлишига шубҳа йўқ. Шифокорлар оиласи ҳақидаги мақолани эзгу тилак билан якунлашга қарор қилдим. Ишонч, меҳр, ҳурмат пойдорлигида камолга етган оилангиз доимо эл назарида бўлаверсин.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром Абдураҳимов олган сурат.

ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА



У жуда кўплаб юрт хизматидаги аёллардан деярли фарқ қилмайди. Ҳамширалик касбида ишлайди. Касбини бениҳоя севади. Ҳарбий қисм тиббиёт пункти қабулхонасида хизмат қилади. Бу ерда Қуролли Кучлар хизматчиси Дилбар Ҳасановани масъулиятли, меҳрибон, ўз ишининг фидойиси сифатида барча ҳурмат қилади.

У 1997 йилда ТошМИ (ҳозирги Тиббиёт академияси) ҳузуридаги тиббиёт коллежини тамомлаган. Шундан буён севимли касбида фаолият юритиб келмоқда. Албатта, ўтган йиллар орасида танаффусга ўхшаш даврлар ҳам бор. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, болалар тарбияси билан шуғулланди. Буни ҳурматли газетхон табиий ҳол, деб ўйлаётган бўлса ажаб эмас. Аммо унинг болалари ҳам оддий болалар эмас, эгизак болалар. Нима бўпти, демоқчимисиз? Шуниси диққатга сазоворки, эгизаклар иккита: Фотима ва Зуҳра, Ҳасан ва Ҳусан! Ичингизда қойил-эй, деб юбордингиз, буни биламан. Эгизак болалар парвариши қанчалар катта сабр-қаноат, куч-қувват талаб қилишини тасаввур қилиш қийин. Ана шундай ниҳоясиз сабр-қаноат, куч-қувват аёлнинг нозиккина жисмида мужассам.

Болалар тарбиясидан ортиб яна шундай масъулиятли касбда хизмат қилиш, хизмат қилганда ҳам бекаму кўст уддалаш миллатнинг фидойи аёлларига хос. Дилбар болалигидан ҳарбий бўлишни орзу қиларди. Шу кунларда унинг бу орзуси ҳам ушалиш арафасида. У яхшигина спортчи ҳам. Хизматдан, оиласидан ортиб, спортнинг таэквондо тури билан ҳам мунтазам шуғулланиб келади. Дунёқараши кенг, орзулари оламжаҳон, ҳаётни, осуда кунлар қадрини аёл, она сифатида бениҳоя қадрлайди.

– Касбим туфайли кимнингдир ҳурматига, миннатдорчилигига эришган бўлсам, бунда устозларимнинг ҳиссаси бор, – дейди ҳамшира Дилбар Ҳасанова. – Ўрни келганда қаттиққўллик, талабчанлик билан ўгит бердилар, ҳамширалик касби масъулиятини тўлалигича англашни ўргатдилар. Устозларим тиббий хизмат офицерлари Қобил Тўлаганов, Сейид Ниёзовлардан бир умр миннатдорман. Улар каби оқ либосга доғ туширмай ҳалол хизмат қилишга интиламан. Секин-аста фарзандларим ҳам вояга етмоқда. Мен уларнинг ҳам шарафли касб эгалари, ҳарбий бўлиб етишишларини орзу қиламан.

Аёллар энг яхши тарбиячидирлар. Дилбар ҳам болаларининг митти юракларига юртга садоқат, фидойилик, мардлик каби олижаноб туйғуларни сингдириб тарбиялашига ишончимиз комил. Бу сергайрат, тиниб-тинчимас, меҳрибон ҳамширага муваффақиятлар ҳамиша эш бўлсин!

Инобат НОДИРШОҲОВА.

КЎНГИЛЛИ УЧРАШУВЛАР



«Ҳар қандай жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади». Юртбошимизнинг ушбу сўзларидан шундай хулоса чиқариш керакки, юртимиз аёлларига, уларнинг жамиятда тутган ўрнига эътибор бугун юксак даражада. Бу борада Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини эслаш кифоя. Мана шу муҳим ҳужжат сабаб Мудофаа вазирлиги тизимида ҳам ҳарбий қисм ва муассасалардаги хотин-қизлар қўмиталари иш фаолияти катта янгиланишларга юз тутди. Ушбу янгиланишлар боис ҳарбий оилалар, ҳарбий оила аъзолари билан муқим алоқалар ўрнатилди. Бу алоқалар замирида шубҳасизки, бир қатор эзгу – амаллар, белгиланган режалар рўёби мужассам. Биз қуйидаги мақоламизда Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими – хотин-қизлар қўмитаси томонидан амалга оширилиб келинаётган ишлар самараси хусусида тўхталишни лозим топдик.

Оила мавжудки, ўзига хос муаммолар бўлиши табиий ҳол. Оила иқтисоди, фарзандлар камоли йўлида эр-хотин ўзларидаги бор имкониятларни юзага чиқаришларига тўғри келади. Бунинг учун аввало хонадонда соғлом турмуш тарзини яратиш лозимки, бу меҳру садоқат, сабру қаноат, ишонч ва ҳурмат туйғуларига таяниш демакдир. Айниқса хизмат бурчи сабаб турли гўшаларда, турли шароитларда истиқомат қилаётган ҳарбий оила вакиллари учун бу муҳим ҳисобланади. Ҳарбий қисм ва муассасалардаги хотин-қизлар қўмиталари олдида турган асосий вазифалардан бири ҳам айнан ҳарбий оилаларга ҳар томонлама таянч бўлишдир. Яъни ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оилавий низоларнинг олдини олиш, ҳарбий оила бекаларининг иш билан таъминланишларига эътибор қаратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юзасидан иш олиб бориш, кам таъминланган ва кўп болали оилалар, ҳарбий бурчини ўташ вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига ижтимоий ёрдамни ташкил этиш борасида маҳаллий ҳокимият органлари, жамоат ташкилотлари билан амалий алоқалар боғлаш ва уларнинг фарзандлари ўқиш ва иш билан таъминланишлари учун яқиндан ёрдам бериш каби бир қатор масъулиятли вазифалар уларнинг зиммасига юклатилган.

Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими бошлиғи Ойниса Нодирова иштирокида Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий шаҳарчада ўтказилган учрашувда ҳам бир қатор масалаларга эътибор қаратилди. Йиғинда ҳарбий қисм хотин-қизлар қўмиталари раислари ва масъул офицер Рустам Дўстматов ҳам иштирок этди.

– Биз қайси бир гарнизонда бўлмайлик, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари билан керакли мутахассислар иштирокида йиғинлар ўтказиб турамиз, – дейди Мудофаа вазирлиги хотин-қизлар қўмитаси раиси биз билан суҳбатда.

– Бундай учрашувлар асосан, катта йиғинлар залида ўтказилади. Аммо ҳарбий шаҳарчаларда бўлиб, ҳарбий оилалар, уларнинг яшаш шароити билан яқиндан танишиб, юзма-юз қилинган суҳбатга нима етсин. Бундай учрашувларда ҳарбий оила бекалари дилидаги ҳар бир фикрини, мақсадини, муаммоларини тортинмай юзага чиқара олади, юракдан ўртоқлашади. Биз ҳам ҳарбий шаҳарчада яратилган маданий-маиший хизмат фаолияти, тиббий хизмат ҳолати, фарзандлари қатнаётган мактаб ва боғчалардаги шароит билан яқиндан танишишга муваффақ бўламиз. Мана, айни дамда ҳарбий шаҳарча бекалари билан бир қатор масалалар хусусида суҳбат қуриб, савол-жавоблар ўтказаяпмиз. Уларнинг саломатлигига эътибор қаратиш, иш билан таъминланишларига ёрдам бериш, касбга эга бўлмаган бекаларни касб-ҳунар ўргатиш курсларига жалб қилишни ҳам мақсад қилганмиз. Шу билан бирга қиш эшик қоқиб турган бир паллада хонадонлардаги мавсумга тайёргарлик қай ҳолатда эканлиги ҳам бизни қизиқтиради. Мақсадимиз масъулиятли касб эгаси бўлган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига ҳар томонлама таянч бўлиш.

Ҳарбий шаҳарча аҳли билан ўтказдирилган ушбу учрашув ҳам савол-жавобларга бой, кўнгилли кечди. Шунингдек, бир қатор масалалар ижобий ечимига эга бўлди.

Зарина НИШОНОВА.

Юксак эътибор ва ғамхўрлик

ЯНГИ УЙЛАР ТОПШИРИЛДИ

Маълумки, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бош мақсади – инсон омили, фаровон ҳаёт кечиришда етарлича шарт-шароитлар яратишга қаратилгандир. Бу борада юрт осойишталигини асрашдек эзгу ва шарафли вазифага ўзини бағишлаган посбонларимизнинг масъулиятли хизматлари ҳам муносиб эътироф этилиб, улар учун кўплаб имтиёзлар белгиланган ҳамда ҳукуматимиз томонидан доимо ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.

«Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уй-жой ва маиший шароити, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган ишларни янада кучайтириш давлатимиз ва жамиятимизнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим...» деган эди, Давлатимиз раҳбари Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида. Шу асосда бугун амалга оширилаётган қатор тадбирларни белгилаб берилган устувор вазифаларнинг амалдаги ижроси сифатида эътироф этсак, хато қилмаймиз.

Яқинда, Марказий ҳарбий округдаги ҳарбий қисмлардан бирида қувончли воқеа юз берди. Яъни Мудофаа вазирлиги Уй-жойдан фойдаланиш бош бошқармаси томонидан барча қулайликларга эга бўлган кўп хонадонли тураржой биноси қисқа фурсатда қуриб, фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган ҳарбий хизматчиларга квартиралар улашиш тадбири катта танганага айланиб кетди. Унда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари билан биргаликда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам иштирок этди.

Ижодий гуруҳимиз билан тадбир ўтказилаётган ҳарбийлар шаҳарчасига яқинлашганимизда, чор-атрофга таралаётган карнай-сурнай садолари бу ерда тароватли, файзли бир йиғин бўлаётганини билдириб турарди. Беихтиёр, янги уйда тўй қилишаяптимикин, деб ўйладим. Дарҳақиқат, адашмаган эканман. Ҳа, ҳарбий хизматчиларга янги уй бериш тадбири катта шодиёнага айланиб кетган эди. Иштирокчиларнинг юз-кўзларида шодлик, мамнуният ифодаси балқийди. Янги қўни-қўшнилар бир-бирини қутлашмоқда. Танганага ташриф буюрган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам тўйга тўёна сифатида ўз совғасаломлари билан келишган. Ниҳоят, тадбирнинг асосий қисми бошланди. Ҳарбий қисм масъул офицери Зиёдбек Мамажонов йиғинни очиқ деб эълон қиларкан, табрик учун сўз навбатини Сирдарё вилояти ҳокими сенатор Абдураҳим Жалоловга берди.

– Маълумки, Юртбошимиз раҳнамолигида ташкил этилган ва бугунги кунда профессионал асосда шаклланаётган миллий армиямиз барчамизнинг ютуғимиздир, – деди вилоят ҳокими фахр билан. – Мен юртимиз осойишталигини таъминлаб турган сиздек мардлар билан шундай ажойиб тадбирда иштирок этаётганимдан ғоят мамнунман. Сизлар шарафли, фахрли ва эзгу ишнинг уддасидан чиқиб келаяпсизлар. Ҳар биригиз Ватан тақдирига масъулдирсиз. Мана, бугун сизларга янги уйлар топширилмоқда. Бу ҳарбий хизматчилар ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш, шарафли хизматларини муносиб эътироф этиш демакдир. Ана шу уйларда катта-катта тўйлар қилинглар. Хизмат қилиб эса асло толманглар. Ҳукуматимиз томонидан билдирилган ишонч ва кўрсатилаётган ғамхўрликлар эса барчангизни келгуси хизмат фаолиятларингизда ғайрат-шижоатларга ундасин.

Дарҳақиқат, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш муҳим вазифа экани Президентимизнинг қуйидаги фикрларида ҳам яққол кўриниб турибди: «Ушбу масаланинг муҳимлиги ва долзарблиги шундаки, ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда ҳар томонлама яхши тайёрланган, етарли даражада таъминланган ва ижтимоий ҳимояланган, қудратли Қуролли Кучларгина хавфсизлик ва барқарорликнинг, чегараларимиз дахлсизлиги ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигининг, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётининг мустаҳкам таянчи ва ишончли кафолати бўла олади.»

Шундан сўнг янги уйнинг рамзий калитини офицер Абдулҳамид Абдураҳмонов тантанали суратда қабул қилиб олди. Тадбирнинг бошқа иштирокчилари ҳам сўзга чиқиб, ўз табрик каломларини йўллашгач, ҳарбий оила бошлиқларига хонадонларнинг калитлари ва турли-туман қимматбаҳо совғалар топширилди.

– Мана, бугун бизга янги уй беришди, бундан жуда ҳам хурсандмиз, – дейди офицер Илҳом Маҳмудовнинг турмуш ўртоғи Дилбар Маҳмудова қувонч билан. – Энг маъқул бўлган томони, атрофимиздаги қўни-қўшнилар ҳам ўзимиз каби ҳарбий оилалар. Ораларида кўпни кўрган, ёшли катта ва тажрибалари ҳам кўпчилик. Улар билан яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатиб, ёш оила аъзолари ўзларига қимматли маслаҳатлар олиб туриши мумкин.

– Ўз уйинг – ўлан тўшагинг. Яшашингдан, оиланг ва яқинларингдан кўнглинг хотиржам бўлса, хизматингда ҳам унум бўлади. Зиммангдаги вазифангни шараф билан уддалайсан, – дейди янги уй соҳибларидан бири офицер Маъмур Райимжонов. – Шу ўринда биз билан биргаликда ҳарбий хизматнинг машаққатларини баравар тортиб келаётган рафиқаларимизга ҳам раҳмат дейишимиз керак. Улар бизга ҳамиша, сафардалигимизда ёки хизмат тақозосига кўра уйда бўлмаган пайтларимизда ҳам доимо мустаҳкам таянч бўлиб, азиз фарзандларимизга бош бўлиб келишади. Шу боис ҳам эъзозу ҳурматга улар биринчи ўринда лойиқ, деб ўйлайман.

Тадбирда Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Тоҳир Ҳамроқулов иштирок этди. Танганага Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг хушовоз хонандалари томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар янада файз бағишлади.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

ШИФОБАХШ САБЗАВОТЛАР



ТУРПНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

Турп халқимиз севиб истеъмол қиладиган сабзавотлардан бири. Айниқса, паловхонтўра турпсиз тановвул қилинмайди.

Ҳозирда турп кўпгина мамлакатларда етиштирилса-да, унинг асл ватани Япония экан. Япония ороллари-да табиий ҳолда ўсадиган ёввойи турпнинг хўжалик учун фойдали хусусиятлари маълум бўлгач, у маданийлаштирилган. Ҳозирда турпнинг турли навлари яратилган. Масалан, кунчиқар мамлакатида етиштирилаётган турп илдиз-мевасининг вазни 15–20, ҳатто 30 килограммгача етади. Ундан қадим замонлардан бери шифобахш неъмат сифатида ҳам фойдаланиб келинган. Халқ табобатида кенг кўламда ишлатиладиган бу беозор сабзавот таркибида қанд, оқсил, клетчатка, ферментлар, холин, каротин, B1, B2, B6, PP, C дармондорилари, шунингдек кўп миқдорда калий тузи, кальций, магний, фосфор моддалари бор.

Халқ табобатида турпдан шамоллашга қарши, пешобни ҳайдашда, балғам кўчирувчи, томоқ ва ўпка касалликларига даво сифатида фойдаланилади. Масалан, нафас олиш йўллари шамоллашини даволашда турп шарбатига асални тенг миқдорда аралаштириб, кунига 3–4 марта бир ош қошиқдан истеъмол қилинса, анча фойдали. Бунда турп ичи ўйилиб, асал солинади ва хуштаъм шарбати истеъмол қилинса, пешоб йўлида мавжуд майда тошларни нуратиши билан бирга, ўт қопчаси яллиғланганида шифо беради.

Шунингдек, турп иштаҳани очиш, ошқозонда шира ажралиши ва овқатни осон ҳазм қилиш хусусиятига ҳам эга.

26 НОЯБРЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Турмуш чорраҳаларида».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «Таҳлилнома».
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Замин ғаройиботлари».
«Болалар сайёраси»:
9.15 1. «Болалар дунёси».
2. «Ғарбга саёҳат». Мультсериал.
10.30 «Минг бир ривоят».
10.35 «Муҳрланган лаҳзалар».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Гилам».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.05 «Ҳамон ёдимда».
13.45 «Кўҳна оҳанглар».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Ватанпарвар».
15.20 «Бир кун».
15.50 «Олам ва одам» дастури: «Қушлар ҳақида ҳақиқат».
16.40 «Ҳаёт ва қонун».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Кузги боғ».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
18.50 «Кўнгил одами».
19.05 ТВ анонс.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал премьераси. (Туркия).
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Муқаддас қадамжолар».
22.00 «Кўнгил риштаси».
Телесериал премьераси. (Корея).
23.15 «Рамаяна».
23.50 Тунги наволар.
«Uzbekistan».
23.55 Кўрсатувлар дастури.
24.00 «Юртим бўйлаб» дастури: «Кузги боғ».
00.25 «Шарқ тароналари».
00.40 «Муқаддас қадамжолар».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 ТВ анонс.
01.35 «Ватанпарвар».
02.35 «Бир кун».
03.00 «Ёдгор». Бадиий фильм.
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

16.00 «Давр» ахборот дастури.
16.10 «Мўжизавий дунё» туркумидан: «Ер сайёраси».
17.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
17.10 «Винни-Пух».
17.30 «Болалар табассуми».
17.40 «Таълим ва тараққиёт».
17.55 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти».
18.00 «Истиқбол тимсоллари».
18.10 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Матонат».
18.25 «Мулки мумтоз».
18.45 «Ажойиботлар хазинаси».
18.50 «Ватаним!»
18.55 «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 15 ёшда!»
19.00 «Давр» ахборот дастури.
19.30 «Ёмғир симфонияси». Телесериал.
20.05 «UzEX хабарлари».
20.10 «Спортлото» телелотереяси.
20.20 «Ёшлик наволари».
20.40 «О, ёшлигим».
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Алия». Премьера. (Туркия). Телесериал.
21.35 «UzEX хабарлари» (рус ва инглиз тилларида).
21.45 «Радиодан кўрсатамиз!»
21.55 «Yoshlar» анкетаси.
22.00 «Давр» ахборот дастури.
22.30 «Қомусим!»
22.35 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.55 «Телетуҳфа».
23.00 «Денгиз ўукмдори».
00.20 «Хайрли тун!»

ТОШКЕНТ

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Камила».
19.50 «Саломат бўлинг» (рус.).
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Милагрос».
20.50 «Интервью» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Ўйларим».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Мода ва дизайн Ҳафталик кундалиги» (рус.).
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.).
22.45 «Кино SMS со звездами».
22.50 Кино: «Первый рыцарь».

СПОРТ

18.00 «Полвонжон».
18.20 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мусикий тайм».
19.10 «Тет-а-тет».
19.20 «Спортимиз маликалари».
19.40 Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати фестивали.
20.00 «Жди меня».
20.50 «Футбол шарҳи».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Вупи Голдберг в комедии «Крысиные бега». Художественный фильм.
23.20 ПрофРИНГ.
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

27 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Турмуш чорраҳаларида».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олам ва одам» дастури: «Замин ғаройиботлари».
«Болалар сайёраси»:
9.05 1. «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Ғарбга саёҳат». Мультсериал.
10.10 «Икки дарё оралиғида».
1-қисм.
10.30 «Одами эрсанг».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон».
11.50 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.20 Эски альбом.
14.25 «Интеллектуал ринг».
15.10 «Рангин дунё».
15.30 «Муқаддас қадамжолар».
15.50 «Олам ва одам» дастури: «Қушлар ҳақида ҳақиқат хабарлари».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Кузги боғ».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
18.55 «Ҳудудлар ҳаёти».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ анонс.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Сайлов-2007».
21.50 «Олтин мерос».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.15 «Рамаяна».
24.00 «Юртим бўйлаб» дастури: «Кузги боғ».
00.25 «Икки дарё оралиғида».
00.45 «Кўҳна оҳанглар».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.35 «Янги кун» Информацион дам олиш дастури.
02.20 «Чемпион сирлари».
02.40 «Рангин дунё».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.10 «KINOMANIYA».
03.40 «Истеъдод».
04.00 «Ахборот».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «Янги тонг» ахборот-кўнгилочар дастури.
8.00 «Анжелика».
8.30 «Жаҳон мумтоз мусиқаси».
8.40 «Мўйқалам сеҳри».
9.20 «Камолот» хабарлари.
9.30 «Ёмғир симфонияси».
9.55 «Ажойиботлар хазинаси».
10.00 «Давр» ахборот дастури.
10.10 «Интерфутбол».
11.40 «Чемпион сирлари».
12.00 «Алия». Телесериал.
12.40 «Сув ҳам тугайдими?»
12.55 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти».
13.00 «Давр» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
Илмий-маърифий дастур.
14.00 «Янги кун» ахборот-кўнгилочар дастури.
14.45 «Пуаро». Телесериал.
15.40 «Мулки мумтоз».
16.00 «Давр» ахборот дастури.
16.10 «Мўжизавий дунё» туркумидан: «Ўзга сайёралар».
16.50 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Мурувват».
17.00 «Даврнинг боласи»
17.30 «Денгиз ҳукмдори».
Телесериал.
18.50 «Дурдонамсан, Самарқанд!»
18.55 «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 15 ёшда!»
19.00 «Давр» ахборот дастури.
19.30 «Ёмғир симфонияси».
Телесериал.
20.10 «Joker» телелотереяси.
20.20 «Автопатруль».
20.40 «О, ёшлигим»
20.50 «Алия». Телесериал.
21.35 «Yoshlar» анкетаси.
21.40 «Сайлов-2007».
22.00 «Давр» ахборот дастури.
22.55 «Телетуҳфа».
23.00 «Денгиз ўукмдори».
00.20 «Хайрли тун!»

ТОШКЕНТ

7 30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила».
9.05 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Аёл қалби».
9.55 «Эртамиз эгалари».
10.30 «Милагрос».
11.00 «Интервью» (рус.).
11.15 Кино: «Первый рыцарь».
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Камила».
19.50 «Химоя».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Милагрос».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт»
22.10 «Мода ва дизайн Ҳафталик кундалиги» (рус.).
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Хозяин морей на краю земли».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.30 «Детективы».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 «Лалибела. Новый Иерусалим». Документальный фильм.
9.30 «Малахов+».
10.30 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
11.10 Волейбол. Кубок мира.
18.00 Болалар спорти.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Вокруг света».
19.35 Футбол. Чемпионлар Лигаси кундалиги.
20.00 «Капкан».
20.45 «Спорт – менинг ҳаётим».
21.05 Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати фестивали.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Санный спорт. Кубок мира.
22.25 Футбол. Лига чемпионов Европы. ЦСКА (Россия) – ПСВ «Эйндховен» (Голландия). Прямая трансляция.
00.25 «Ченме. Сокровищница королей». Документальный фильм.
00.40 Футбол. Европа чемпионлар Лигаси. «Интер» (Италия) – «Фенербахче» (Туркия). Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
2.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

28 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Турмуш чорраҳаларида».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олам ва одам» дастури: «Замин ғаройиботлари».
«Болалар сайёраси»:
9.05 1. «Бизнинг кутубхона».
2. «Ғарбга саёҳат». Мультсериал.
9.40 «Икки дарё оралиғида».
2-қисм.
10.05 «Ягона оилада».
10.25 «Ҳудудлар ҳаёти».
10.40 «ИИВ хабарлари».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон».
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Сулув заминим Зомин».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Кўнгил риштаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 Эски альбом.
14.25 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. Л. Паваротти.
15.25 «Дунё манзаралари».
15.50 «Олам ва одам» дастури: «Қушлар ҳақида ҳақиқат».
16.40 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Олтин мерос».
17.20 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллиги олдидан. «Ҳаётимиз қомуси».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
18.55 «Ўзбекистон аёли».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Сайлов – демократия кўзгуси».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Қишлоқ ҳаёти».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.15 «Рамаяна».
23.50 Тунги наволар.
24.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 «Мўйқалам сеҳри».
00.35 «Икки дарё оралиғида».
00.55 Эски альбом.
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
02.25 «Алишер Навоий». Бадиий фильм.
04.00 «Ахборот».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «Янги тонг» ахборот-кўнгилочар дастури.
8.00 «Анжелика».
8.30 «Жаҳон мумтоз мусиқаси».
8.40 «Мўйқалам сеҳри».
9.15 «Истиқбол тимсоллари».
9.25 «Сув – ҳаёт манбаи».
9.30 «Ёмғир симфонияси».
10.00 «Давр» ахборот дастури.
10.10 «Автопатруль».
10.30 «Kinomaniya».
11.00 «Оқуш». Видеофильм.
11.50 «Радиодан кўрсатамиз!»
12.00 «Алия».
12.40 «Сув ҳам тугайдими?»
12.55 «Тошкент – 2007 йилда ияти пойтахти».
13.00 «Давр» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
Илмий-маърифий дастур.
14.00 «Янги кун».
14.45 «Пуаро». Телесериал.
15.35 «О, ёшлигим».
15.40 «Мулки мумтоз».
16.00 «Давр» ахборот дастури.
16.10 «Мўжизавий дунё» туркумидан: «Қаттиқ ер».
17.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
17.30 «Денгиз ҳукмдори».
18.45 «Ажойиботлар хазинаси».
18.50 «Марваридим, Маргилон!»
18.55 «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 15 ёшда!»
19.00 «Давр» ахборот дастури.
19.30 «Ёмғир симфонияси».
20.05 «Мусиқий лаҳза».
20.10 «Спортлото».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «О, ёшлигим».
20.50 «Алия».
22.00 «Давр» ахборот дастури.
23.00 «Денгиз ўукмдори».
00.20 «Хайрли тун!»

ТОШКЕНТ

7 30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила».
9.05 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Ҳимоя».
9.50 «Ўйларим».
9.55 «Репортаж».
10.30 «Милагрос».
11.00 «Саломат бўлинг» (рус.).
11.15 Кино: «Хозяин морей на краю земли».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Камила».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Милагрос».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
22.10 «Мода ва дизайн Ҳафталик кундалиги» (рус.).
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Зависть».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.30 «Детективы».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 «Монастырь Сант-Голлен». Документальный фильм.
9.30 «Малахов+».
10.30 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
11.10 Лыжные гонки. Кубок мира.
18.00 «Болалар спорти».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Иқтидор».
19.45 Футбол мундиал.
20.00 «Капкан».
20.45 «Путешествия натуралиста».
21.10 «Жаҳон спорти юлдузлари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Учрашув».
22.40 Баскетбол. Евролига. ЦСКА – «Жальгирис» (Литва).
23.30 Санный спорт. Кубок мира.
24.00 Гандбол. Лига чемпионов. Мужчины.
00.40 Футбол. Европа чемпионлар Лигаси. «Ливерпуль» (Англия) – «Порту» (Португалия). Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
2.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

29 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Турмуш чорраҳаларида».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олам ва одам» дастури: «Замин ғаройиботлари».
«Болалар сайёраси»:
9.05 «Цирк, цирк, цирк».
9.30 «Икки дарё оралиғида».
3-қисм.
9.50 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
10.00 Марказий сайлов комиссияси хабарлари. (Такрор).
«Сайлов – демократия кўзгуси».
10.30 «Боқий Самарқанд».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Минг бир ривоят».
11.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбегим ҳаёти».
11.50 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Кўнгил риштаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 Эски альбом.
14.25 «Оҳанрабо».
15.05 «Одамлардан бири».
15.25 «Тарих кўзгуси».
15.50 «Олам ва одам» дастури: «Қушлар ҳақида ҳақиқат».
16.40 «Имконият».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Шифокор қабулида».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
18.50 «Менинг университетим».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Сайлов-2007».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.15 «Рамаяна».
23.50 Тунги наволар.
24.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 «Юртим бўйлаб» дастури: «Сулола давомчилари».
00.35 «Икки дарё оралиғида».
00.55 Эски альбом.
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун» Информацион дам олиш дастури.
02.25 «Назм ва наво».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.10 «Ботир Зокиров».
03.50 «Ҳаёт манзаралари».
04.00 «Ахборот».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «Янги тонг».
8.00 «Анжелика».
8.30 «Жаҳон мумтоз мусиқаси».
8.40 «Мўйқалам сеҳри».
9.10 «Матонат».
9.25 «Сув – ҳаёт манбаи».
9.30 «Ёмғир симфонияси».
9.55 «Ажойиботлар хазинаси».
10.00 «Давр» ахборот дастури.
10.10 «Автопатруль».
10.30 «Ватанпарвар».
11.20 «Эрта сўнган юлдузлар».
12.00 «Алия».
12.40 «Сув ҳам тугайдими?»
12.55 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти».
13.00 «Давр» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
Илмий-маърифий дастур.
14.00 «Янги кун» ахборот-кўнгилочар дастури.
14.45 «Пуаро».
15.40 «Мулки мумтоз».
16.00 «Давр» ахборот дастури.
16.10 «Мўжизавий дунё» туркумидан: «Улкан сайёралар».
17.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
17.10 «Винни-Пух».
17.30 «Денгиз ҳукмдори».
18.45 «Ажойиботлар хазинаси».
18.50 «Дурдонамсан, Самарқанд!»
18.55 «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 15 ёшда!»
19.00 «Давр» ахборот дастури.
19.30 «Ёмғир симфонияси».
20.05 «Мусиқий лаҳза».
20.10 «Kinomaniya».
20.50 «Алия».
21.35 «Yoshlar» анкетаси.
21.40 «Сайлов-2007».
22.00 «Давр» ахборот дастури.
23.00 «Денгиз ўукмдори».
00.20 «Хайрли тун!»

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила».
9.30 «Камер оркестри концерти».
9.55 «Интервью».
10.30 «Милагрос».
11.00 «Мисли вслух».
11.15 Кино: «Зависть».
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Телекурьер- маркет».
18.25 «Биласизми?»
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Камила».
19.50 «Иқтисод-ревю» (рус.).
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Милагрос».
20.50 «Интервью» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт»
22.10 «Мода ва дизайн Ҳафталик кундалиги».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Муза».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.30 «Детективы».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 «Епископская резиденция в Веребурге».
9.30 «Малахов+».
10.30 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
11.10 Лыжные гонки.
15.00 Футбол. Узбекистон чемпионати. «Пахтакор» – «Машъал». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Гейм-Сет-Матч».
17.00 «Ким нимага қодир?»
17.20 Гандбол. Лига чемпионов. Мужчины.
18.00 «Мастер класс».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мониторинг».
19.10 «Новая экономика».
19.35 «Преодоление».
20.00 «Капкан».
20.55 Футбол. Кубок УЕФА. «Зенит» (Россия) – «Нюрнберг» (Германия).(В перерыве: «Хабарлар» (узб. яз).
22.55 Футбол. Европа чемпионлар Лигаси. «Бенфика» (Португалия) – «Милан» (Италия).
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 НОЯБРЬ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Турмуш чорраҳаларида».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олам ва одам» дастури: «Замин ғаройиботлари».
«Болалар сайёраси»:
9.05 «Ғарбга саёҳат». Мультсериал.
9.30 «Икки дарё оралиғида».
4-қисм.
9.55 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
10.15 «Қорақалпоқнома».
10.35 «Табаррук замин».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон».
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Дўппи».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Кўнгил риштаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Оддий ҳақиқатлар».
15.05 «Қишлоқ ҳаёти».
15.25 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили. «Эъзоз».
15.45 «Олам ва одам» дастури: «Қушлар ҳақида ҳақиқат».
16.40 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ анонс.
17.20 «Саломатлик дастури».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
18.50 «Ҳидоят сари».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Сайлов-2007».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.15 «Рамаяна».
23.50 Тунги наволар.
24.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбегим ҳаёти».
00.35 «Икки дарё оралиғида».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
02.25 «Осмондаги болалар-2». Бадиий фильм.
03.50 «Ҳаёт манзаралари».
04.00 «Ахборот».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «Янги тонг».
8.00 «Анжелика».
8.30 «Жаҳон мумтоз мусиқаси».
8.40 «Мўйқалам сеҳри».
9.15 «Мурувват».
9.25 «Сув – ҳаёт манбаи».
9.30 «Ёмғир симфонияси».
9.55 «Ажойиботлар хазинаси».
10.00 «Давр» ахборот дастури.
10.10 «Интерфутбол».
12.00 «Алия».
12.40 «Сув ҳам тугайдими?»
12.55 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти».
13.00 «Давр» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
Илмий-маърифий дастур.
14.00 «Янги кун» ахборот-кўнгилочар дастури.
14.45 «Пуаро».
15.40 «Мулки мумтоз».
16.00 «Давр» ахборот дастури.
16.10 «Мўжизавий дунё» туркумидан: «Ой».
16.50 «Болалар табассуми».
17.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
17.30 «Денгиз ҳукмдори».
18.45 «Ажойиботлар хазинаси».
18.50 «Марваридим, Маргилон!»
18.55 «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 15 ёшда!»
19.00 «Давр» ахборот дастури.
19.30 «Ёмғир симфонияси».
20.05 «Оқшом қўнғироқлари».
20.10 «Спортлото» телелотереяси.
20.20 «Ёшлик наволари».
20.40 «О, ёшлигим».
20.50 «Алия».
21.40 «Сайлов-2007».
22.00 «Давр» ахборот дастури.
23.00 Жаҳон киноси: «Кичкина афсунгар».
00.35 «Хайрли тун!»

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила».
9.45 «Ўйларим».
9.50 «Истеъдод».
10.30 «Милагрос».
11.00 «Интервью» (рус.).
11.10 «Иқтисод ревю» (рус.).
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Камила».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Милагрос».
20.50 «Репортаж» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Мода ва дизайн Ҳафталик кундалиги» (рус.).
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Я остаюсь». (Премьера).

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Мультфильм».
8.30 «Детективы».
9.00 «Хабарлар» (узб. тилида).
9.20 «Занзибар. Жемчужина султаната». Документальный фильм.
9.30 «Малахов+».
10.30 «Спорт салтанати».
10.50 Лыжные гонки. Кубок мира.
15.00 Футбол. Узбекистон чемпионати. «Қурувчи» – «Металлург». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
17.00 «Баркамол авлод».
17.20 «Халқ ўйинлари».
17.40 «Яширин нарх».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 Автоспорт. Гран- при.
19.55 «Поле чудес».
21.00 «Тет-а-тет».
21.10 «Олимп сари йўл».
21.30 «Хабарлар» (узб. тилида).
21.50 «Аптека слушает».
22.35 Джет Ли в фильме «Бесстрашный». Художественный фильм.
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

1 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Чархпалак».
7.45 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Болалар сайёраси».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Кўнгил риштаси».
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Бекат».
14.45 «Ғаройиб бола».
Бадиий фильм.
16.05 «Меҳр кўзда».
«Болалар сайёраси»:
16.45 1. «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.40 ТВ анонс.
17.45 Халқаро ОИТСга қарши кураш кунига. «Аср вабоси».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Саломатлик сирлари».
18.35 «Азизим».
19.05 «Кўнгил қўшиқ истайди».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот».
20.00 «Сайлов – демократия кўзгуси».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 «Аччиқ ёлғон» Телесериал.
22.20 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
22.35 ТВ анонс.
22.40 «Уйинчоқ». Бадиий фильм.
00.10 Тунги наволар.
«Uzbekistan».
00.20 Кўрсатувлар дастури.
00.25 «Юртим бўйлаб» дастури: «Поп учрашувлари».
00.55 Эски альбом.
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
02.25 «Бекат».
02.50 «Тараннум».
03.35 «Дунё таомлари».
03.55 ТВ анонс.
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ анонс.
04.35 «Минг бир ривоят».
04.40 «Темир хотин». Бадиий фильм. 1-қисм.
05.40 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «Янги тонг» ахборот-кўнгилочар дастури.
8.00 «Анжелика».
8.30 «Жаҳон мумтоз мусиқаси».
8.40 «Мўйқалам сеҳри».
9.20 «Камолот» хабарлари.
9.30 «Ёмғир симфонияси».
9.55 «Ажойиботлар хазинаси».
10.00 «Давр» ахборот дастури.
10.10 «Алия».
12.00 «Алия». Телесериал.
12.40 «Сув ҳам тугайдими?»
12.55 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти».
13.00 «Давр» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
Илмий-маърифий дастур.
14.00 «Янги кун» ахборот-кўнгилочар дастури.
14.45 «Пуаро». Телесериал.
15.40 «Мулки мумтоз».
16.00 «Давр» ахборот дастури.
16.10 «Мўжизавий дунё» туркумидан: «Ўзга сайёралар».
16.50 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Мурувват».
17.00 «Даврнинг боласи»
17.30 «Денгиз ҳукмдори».
Телесериал.
18.50 «Дурдонамсан, Самарқанд!»
18.55 «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 15 ёшда!»
19.00 «Давр» ахборот дастури.
19.30 «Ёмғир симфонияси».
Телесериал.
20.10 «Joker» телелотереяси.
20.20 «Автопатруль».
20.40 «О, ёшлигим»
20.50 «Алия». Телесериал.
21.35 «Yoshlar» анкетаси.
21.40 «Сайлов-2007».
22.00 «Давр» ахборот дастури.
22.55 «Телетуҳфа».
23.00 «Денгиз ҳукмдори».
00.20 «Хайрли тун!»

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила». Телесериал.
9.05 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Саломат бўлинг».
9.55 «Ўйларим».
10.00 «Анонс».
10.30 «Милагрос».
11.00 «Репортаж» (рус.).
11.25 Кино: «Я остаюсь».
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Камила».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Милагрос».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт»
22.10 «Мода ва дизайн Ҳафталик кундалиги» (рус.).
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Мистификация».

СПОРТ

8.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
8.20 «Соғлом оила».
9.00 «Бодрое утро».
10.00 «Хабарлар» (рус тилида).
10.20 Огир атлетика. Республика турнири.
10.50 «Смак».
11.25 «Военное дело».
11.45 «Что? Где? Когда?»
12.35 «Рондо».
13.20 Аёллар футболи. Ўзбекистон кубоги. Финал.
14.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» – «Самарқанд Д».
18.00 «Мир детского спорта».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Стенка на стенку».
19.40 «Спортколлекция».
20.00 «Ровесник».
20.20 «Юддузлар матчи».
20.40 «Большие гонки».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.55 «Катта ўйин».
22.10 Историческое кино: «Приключения Мольера». Художественный фильм.
00.05 «Антракт».
00.25 Еврофутбол. Италия чемпионати. «Милан» – «Ювентус». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
2.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

2 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Чархпалак».
7.45 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
8.40 «Бизнинг кутубхона».
8.50 «Ҳечам қўрқмаймиз». Мультфильм.
9.20 «Оҳанрабо».
10.00 «Сайлов – демократия кўзгуси». (Такрор).
10.30 «Азизим».
11.00 «Саломатлик сирлари».
11.20 «Аччиқ ёлғон».
11.55 ТВ анонс.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кинотақдим».
13.25 Тв анонс.
13.30 «Зита ва Гита». Бадиий фильм. (Ҳиндистон).
15.50 «Шўрданак». Ҳажвий кўрсатув.
16.20 ТВ анонс.
16.25 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
17.25 «Назм ва наво».
17.55 «Одами эрсанг»
18.15 Тв анонс.
18.20 «Заковат».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.00 «Сайлов-2007».
20.20 «Кўҳна оҳанглар».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 ТВ анонс.
21.50 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
22.30 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
22.40 «Ишқий кайфият». Бадиий фильм.
00.15 Тунги наволар.
«Uzbekistan».
00.25 Кўрсатувлар дастури.
00.30 «Назм ва наво».
01.00 «Таҳлилнома». Информацион дастур (рус.

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЯШАГАН АДИБ

(Давоми. Боши 1-бетда).

...20-асрнинг бошида «Садои Туркистон» газетасида «Янги масжид ва мактаб» сарлавҳали ихчамгина хабар мақола босилади. Бу мақола охирига эса Абдулла Қодирий деб имзо чекилган эди. Кейин эса айнан шу газетанинг яна бир сонида мазкур имзо остида «Тўй» номли шеър босилиб чиқди. Шундан сўнг бирин-кетин «Аҳволимиз», «Миллатимга бир қарор!», «Фикр айлагил» номли ғазал шаклидаги ҳажвий-маърифий мақолалари эълон қилинди. «Қодир», «Қодирий» тахаллуси билан якунланадиган шеърлар пайдо бўлди. Ўша хил мақола ва шеърга биров эътибор берди, биров эса эътибор бермади. Чунки ўша кезлари миллий матбуот қолоқ одатларни қораловчи мақола, шеър, ҳажвиялар билан тўлиб-тошиб чиқарди. Қодирий эса бўш келмади, миллат ғами, жадидчилик ғоялари билан йўғрилган «Жувонбоз» ҳикоясини, «Бахтсиз куёв» драмасини тақдим этди. Орадан бир оз фурсат ўтиб 1916 йилда яратилган «Улоқда» ҳикояси ёзувчининг аввалги асарларига нисбатан тенг келмайдиган даражада юқори бир асар бўлиб чиқди. Ушбу асар миллий адабий тилимизда пайдо бўлган биринчи тўлақонли реалистик наср намунаси ҳисобланади. Қодирий ана шу ҳикояси туфайли бетакрор, ноёб санъаткор ёзувчи сифатида элга танилди. Орадан уч йил ўтиб 1919 йили адиб улуғ бир ишга қўл урди, миллатимизнинг яқин ўтмишидан «Ўткан кунлар» деб номланган роман ёзишга киришди, бу қутлуғ иш 1920 йилнинг декабрида интиҳосига етди. Асар боблари матбуотда эълон қилинди. Роман беш йилдан кейин, яъни 1925 йилда китоб шаклида ўқувчилар қўлига етиб борди. Бу ҳол фақат миллий адабиётимиз тарихида эмас, Марказий Осиё маданияти, маънавий ҳаётида ҳам улкан ҳодиса, байрам бўлди.

«Ўткан кунлар» романи ёзиб тугатилганидан кейин Абдулла Қодирий журналистик фаолият билан шуғулланди, ўткир баҳс-мунозара руҳидаги мақолалари, ҳажвий асарлари, хусусан, «Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан», «Тошпўлат тажанг нима дейдир?» туркум ҳажвиялари эл орасида машҳур бўлиб кетди. Адиб булар билан чекланмай яна бир тарихий роман устида иш бошлади. Бу асар 1928 йилнинг февраль ойида охирига етказилди. Орадан бир йил ўтиб китоб ҳолида чиққан «Меҳробдан чаён» романининг довруғи «Ўткан кунлар»дан кам бўлмади. 1932–1934 йиллари «Ўзбекистон шўро адабиёти» журналида «Обид кетмон» қиссаси эълон қилинди. Шу тариқа ўн йил давомида Қодирийнинг учта йирик асари ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди. Шу уч асар туфайли миллий адабиётимиз равнақида янги бир давр бошланди. Бу ҳодиса аҳамиятини мумтоз адабиётимиз тарихидаги Навоийнинг «Хамса»сига қиёс қилиш мумкин. Навоий «Хамса»си туфайли ўзбек-туркий адабиёти форс-тожик, қолаверса, Шарқ адабиёти билан бемалол бўйлаша ва баҳслаша оладиган нодир асарга эга бўлганлигини яхши биламиз. Худди шунингдек, Абдулла Қодирий романлари туфайли миллий адабиётимиз замонавий жаҳон адабиётидаги нодир асарлар билан тенглаша оладиган, тўлақонли етук асарларга эга бўлди.

Хўш, Абдулла Қодирий бунга қандай қилиб эришди? Аввало, Қодирий Аллоҳ берган ноёб, беназир истеъдод эгаси эди. Адиб ўзининг оиласи, хусусан отаси ҳақида жуда ажойиб ва қизиқарли маълумот қолдирган. Шу билан бирга адибнинг фарзанди Ҳабибулла Қодирийнинг «Отам ҳақида» китобида ҳам Абдулла Қодирийнинг отаси Қодир бобо ҳақида яхши маълумот берилган. Китобда ёзилишича, Қодир бобо тўрт марта уйланган. Лекин аввалги уч хотинидан фарзанд бўлмаган ёки фарзандлар туғилган бўлса ҳам турмаган. Ниҳоят охирги хотини Жосият бибидан Раҳимберди отлиқ ўғил кўради, аммо ундан кейин туғилган ўн икки фарзанд бирин-кетин нобуд бўлаверади. Орадан анча йиллар ўтганидан кейин, 1894 йил баҳорида бу оилада чақалоқ дунёга келади, унга Абдулла деб исм қўйишади. У туғилганда ота – Қодир бобо 73 ёшда эди. Шундан кейин отаси 31 йил умр кўриб, 104 ёшида вафот этади.

Қодир бобо бўлғуси адиб Абдулла Қодирий учун тирик тарих, нақд бебаҳо хазинанинг ўзгинаси эди. Қодирийнинг ёзувчи бўлиб шаклланишида бу аломат зотнинг таъсири бениҳоя катта бўлган. Чунки бу ажойиб сиймо Қодирийни машҳур романларида акс этган давр билан туташтирувчи олтин халқа хизматини ўтаган. Яъни у тарихий асарлари учун қимматли маълумотларни аввало шу одамдан олган. Қодирий 1922 йили ёзган хотира-ҳикоясида Қодир бобо ҳаёт йўлининг энг муҳим паллалари ҳақида самимият билан сўзлайди. Ҳикояда қария шунчаки меҳрибон отагина эмас, балки қатъий маслак-эътиқодга эга бўлган, юз ёшга етганда ҳам миллат қайғуси, истиқлол ғами билан юрган инсон сифатида тасвирланган.

Абдулла Қодирийнинг «Жинлар базми» ҳикоясида, «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романларида ҳам бу табаррук зот ажиб бир эҳтиром билан тилга олинади. «Ўткан кунлар»нинг «Эсини киргизди» бобида «мен – ёзғувчи, «Ўткан кунлар» ҳикояларини отамдан неча қайталаб эшитсам ҳам зериқмас эдим» деса, «Меҳробдан чаён» хотимасида эса «мен мирзо Анвар ҳикоясини марҳум отамдан эшитган эдим» деб ёзади. Бугина эмас, роман воқеалари, бош қаҳрамон қисмати бевосита ўша табаррук отахон билан ажойиб бир тарзда туташади.

«Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён»дек романларни яратиш учун шуларнинг ўзигина кифоя қилмайди, албатта. Бунинг учун ёзувчида муайян тайёргарлик, катта адабий билим, замонавий бадиий эстетик бисот ҳам бўлиши зарур эди. Ёзувчи болалигиданоқ Шарқ ва Ғарб маданияти, адабиёти намуналари билан танишиш имкониятига муяссар бўлди. Москвада В. Брюсов номидаги бутуниттифоқ адабий бадиий институтида таълим олиб, жаҳон адабиёти ва маданияти билан яқиндан танишди. Умуман олганда, Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» устида ишлаётган кезлари ҳар тарафлама шаклланган мукаммал адабий-эстетик қарашлар соҳиби эди. Шуниси муҳимки, унинг реализмга доир фикр-мулоҳазалари бевосита ижод – амалиёт жараёнида туғилди, шаклланди. 20-йиллар ўзбек адабиётида ҳеч ким Қодирийчалик реализм назарияси билан бу қадар кенг машғул бўлмаган. Қолаверса, ўша кезлари бизда ҳеч ким реалистик тасвир бобида Қодирий даражасига кўтарила олмаган...

Машҳур немис адиби Томас Манн ўзининг библиографларидан бирида «Будденброклар»романи 1200 марта нашр этилганлигини ёзган эди. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларини ҳам ана шундай бахтли тақдирга муяссар бўладиган умрбоқий асарлар деса арзийди. Адиб ҳаётлигидаёқ барча туркий тилда сўзлашувчи республикаларда машҳур бўлиб, уларнинг «ўз китоблари»га айланган бу романлар ҳозирги кунда ҳам хорижий тилларга таржима қилиниб, уларнинг маънавий бисотига айланмоқда.

«Ўткан кунлар» 1958 йили Л. Бат ва В. Смирнова томонидан рус тилига таржима қилинганидан сўнг уни бошқа халқларга ҳам танитиш имкони яратилди. «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» асарлари Москва ва Киев, Вильнюс ва Рига, Қозон ва Олмаота, Душанбе ва Ашхобод, Берлин ва Карачи каби кўплаб шаҳарларда турли тилларда нашр этилмоқда. Адиб романининг рус, украин, татар, қозоқ, озарбайжон, литва, латиш, туркман, тожик, турк, уйғур, қорақалпоқ ва немис тилларида босилиб чиқиши, табиийки, ўзбек ёзувчисининг ижодига қизиқишни кучайтирди. Турли тилардаги адабий нашрларда, қомусларда Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида мақолалар, тақризлар, китобхонларнинг мактублари эълон қилинмоқда. Романлар таассуроти остида айрим китобхонлар ўз мулоҳазаларини муаллиф билан ўртоқлашиш ниятида (муаллифни ҳаёт деб ўйлаб) номига мактублар ҳам йўллайдилар. Жумладан, льювлик Люда исмли қизнинг адибга йўллаган мактуби эътиборга сазовор: «...Абдулла Қодирий! Биласизми, китобингизнинг севимли қаҳрамонлари билан жудолашиш менга нақадар оғир! Воқеа ўтмишдир. Шундай бўлса-да, у менинг юрагимда сира-сира унутилмас таассурот қолдирди ва ишонтира оламанки, бу таассурот китобхонларда ҳам бирдайдир...

Мен энди сизнинг ҳамма асарларингизни ўқиб боришга ҳаракат қиламан. Чунки улар менга фақат қувонч, севги бағишлайди. Қизиқ, энди сиз «Ҳозирги кунлар»ни қандай тасвирларкансиз-а? Ўйлайманки, буниси ундан ҳам маҳоратлироқ бўлса керак. Негаки «Ўткан кунлар»дан кейин хийла вақт кечган...» Роман 1968 йили Берлинда «Култур унд фартшритт» нашриёти томонидан Арно Шнехт таржимасида немис тилида босилиб чиқди. Китобга илова қилинган «Сўнгги сўз» адабиётимиз тараққиёти билан яхши таниш олима Ниота Тун қаламига мансуб. Н. Тун ўз мақоласида адибнинг ҳаёти ва ижод йўлини батафсил ёритишга ҳаракат қилган. Шу билан бирга А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» асарларининг энг муҳим хусусиятларини таҳлил этиб кўрсатади. А. Қодирий романларининг аҳамиятига тўхталиб, бу романлар ўзбек насрининг реализмга томон тараққиётида катта таъсир кўрсатди», деган хулосага келган.

Келтирилган мисолларда кўриниб турибдики, А. Қодирийнинг асарлари қайси мамлакатда бўлмасин, ўз китобхонларига эга бўлиб, улар маънавиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатган ва ҳозир ҳам бу анъана давом этмоқда. Аслини олганда ҳам адибнинг машаққатли меҳнати ҳосиласи сифатида дунёга келган бу асарлар бундан ҳам буюкроқ эътирофга лойиқ...

Мустақиллик йилларига келиб Абдулла Қодирий ҳақиқий қадрини топди. Мамлакатимиз Президенти И. Каримовнинг «Ўзбек халқининг маънавият ва маърифатини миллий қадриятлари ва онгини юксалтириш йўлида у зотнинг қилган хизмати беқиёсдир... У фақат ўзбекларнинг эмас, балки Туркистон халқларининг ҳам севимли адиби, озодлик ва истиқлол куйчисидир», деган баҳосига сазовор бўлди. Президентимиз Фармонига кўра Қодирий ҳам сафдошлари Чўлпон, Фитратлар қатори «Мустақиллик» ордени билан тақдирланди. Адибнинг табаррук номини абадийлаштириш бўйича кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди.

Қодирий яратган мўъжиза – ноёб асарлари маънавий озиқ, битмас-туганмас завқ-шавқ манбаи бўлиб қолади. Бу улуғ зот миллатимиз фахри-ифтихоридир.

Лола ҲОЖИМУРОДОВА.



ҲАССОС ШОИР ТАВАЛЛУДИ



Ўзбек миллати даҳолари билан дунёга танилган юрт. Агар уларнинг ҳар бирини эзгулик йўлидаги фаолиятию, ижоди ҳақида сўз кетса минглаб томлик китобларга жо бўлиши аниқ. Биргина назм гулшани аро қалам тебратган неча юзлаб шоирларнинг номлари миллат тарихига муҳрланганки, уларнинг ижодига ошно бўлсангиз, эл бахту саодати, қувончу дарди, орзу-армонларини ҳис қиласиз. Яъни, инсон руҳияти меъмори бўлмиш шоирлар том маънода халқ маънавияти, маданияти тарғиботчиларидир.

Юрагимнинг дарди – нақшисан,
Қилолмайман сени ҳеч канда!
Ўт бўлурми ишқи йўқ танда?
Дардимсанки, шеърим яхшисан...

Бу назмий сатрларни ўқиган ҳар қандай шеърият мухлиси ҳассос шоир Усмон Носир нафасини дарҳол ҳис этади. Ўзбек шеъриятига чақмоқдек кириб келган шоир ижоди ҳали-ҳануз юракларни забт этишга қодир бўлса, унинг истибдод йилларида кечган ҳаёт йўли ҳамон миллат дардида яшайди. Буни нафақат аждодларимиз, балки мустақил юрт авлодлари ҳам чуқур англашига шубҳа йўқ.

Яқинда шоирнинг 95 йиллик таваллуд куни нишонланди. Турли гўшаларда Усмон Носир ҳаёти ва ижодига бағишланган шеърият кечалари бўлиб ўтди. Унинг чақин янглиғ дилларни забт этишига қодир шеърияти ва қалбларни ларзага солувчи умр йўли хотиралари яна минглаб кўнгилларга ошно тутинди. Мана шундай ижодий кечалардан бири Мудофаа вазирлиги Марказий офицерлар саройи кутубхонасида ҳам амалга оширилди. Кутубхона ходими Нодира Қўчқорова етакчилигида ўтказилган шеърият кечасида Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультети курсантлари ва ҳарбий хизматчилари иштирок этишди.

Шоирнинг таваллуд кунида шубҳасизки, унинг ҳаёт йўлига ҳам назар ташланди. Чунки шеъриятни умр мазмуни деб билган Усмон Носир энг оғир, энг сўнгги дамларида ҳам шеъриятга суянди, ундан куч олди.

Умидим бор: булбулинг бўлиб
Қурмоқликни бошингга ошён.
Вомиқ, Фарҳод, Мажнундан кўра
Муҳаббати ҳадсиз, бепоён.

Шоир бу сатрларни метин девору темир панжаралар билан ўралган маҳбусхонада ёзганига ишониш қийин. Қамоқхонада минг бир азоб ва уқубатлар ичида битилган бундай юзлаб сатрлар ўзбекнинг бетакрор шоири зулмат аро жуда эрта хазон бўлганлигидан далолат беради.

1912 йилда Наманган шаҳрида таваллуд топган Усмон Носир 1937 йилда истибдод зулми остида ҳибсга олинади. Шоир мана шу 25 ёшида эл севган таниқли шоир эди. Маҳбусликда у чеккан азобларнинг эса чеки йўқ.

Шу ўринда таниқли тарихшунос олим Наим Каримовнинг ушбу сўзларини эслаш кифоя: «Қирғин йилларида минглаб, миллионлаб бегуноҳ кишилар ўлим лагерларида инсон зоти чидаши мумкин бўлмаган азобларга дучор бўлдилар. Лекин улар орасида, назаримда, Усмон Носирчалик дўзаҳ қийноқларини бошидан кечирган жабирдийда киши кам топилса керак». Бунга асосий сабаб тийрак нигоҳли ноёб истеъдод соҳиби шўролар мустамлакачилиги даврида ўзбек диёрининг мустақил бўлишини орзу қилган фидойи инсонлардан бири бўлган. Шунингдек, у қатағонга учраган инсонлар орасида энг ёши ҳам эди.

Шоирнинг умрини хазон қилган бу ҳақсизлик, адолатсизликка яна бир сабаб, кимларнингдир шахсий адовати, ноёб ижодий қобилияти, десак хато бўлмас. Шоирнинг ўзи бу ҳақда қуйидагича қалам тебратади:

Бўлмоқ истаб шеърият узра дарға,
Итардилар мени чуқур бир жарға.
Менга аён: булбулнинг ошёниға
Қўнолмагай уриниш билан қарға.
Қарға қағиллашда этса ҳам давом,
Булбул навосига эл солур қулоқ.
Жарликда ҳам қайнар, беором қайнар
Эл назари тушган беором булоқ.

Ҳа, Усмон Носир неча замонлар ўтмасин ўзбек халқининг бетакрор булбули, беором булоғи бўлиб қолаверди. Шоир хотирасига бағишланган ижодий кечада ҳам айнан шу ҳақиқатга урғу бериб ўтилди. Кутубхоначи Нодира Қўчқоровaнинг «Ҳарбий хизматчилар ва курсантлар шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида жуда яхши маълумотга эга эканлар», деган сўзларидан маълумки, унинг умр йўли ва шеъриятига ҳарбийларимиз ҳам бефарқ эмас. Зеро, Ватан ҳурлиги, миллат эрки йўлида фидо бўлган инсонлар номи халқ хотирасида абадий яшайди.

Дилшода НОСИРОВА.

«АЛПОМИШ»ДА ДЕМОКРАТИЯ ВА ҲУРФИКРЛИЛИК



Инсон ҳуқуқларига оғишмай амал қилиш ва демократия каби умумбашарий қадриятлар халқимизнинг ўзига хослигига, анъана ва урф-одатларига тўла мос келади. Инсон ҳуқуқлари жамиятимизда Конституция ва қонунлардагина эмас, халқимизнинг миллий онги, унинг маънавий-ахлоқий дунёқараши, оғзаки ва ёзма адабиётида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, халқ оғзаки ижодининг ажойиб намунаси ҳисобланган «Алпомиш» достонида демократиянинг баъзи кўринишлари намоён бўлади.

Мана, масалан достондаги Бойбўри ва Бойсарининг тўйга бориш воқеасини кузатайлик. Улар ўн олти уруғ Қўнғирот элининг «ҳам бойи, ҳам шойи», шу туфайли эл орасида доимо ҳурмат-эътиборда эдилар. Аммо бийлар бир тўйда қаттиқ изза қилинади. Улар тўйга боришганида, отларини ҳеч ким ушламайди, қўлларига сув қуймайди, тўрдан жой кўрсатмайди. Бу ҳолни бизнинг келганимизни одамлар фаҳмлашмади, дея ўйлаган бийлар даврага бориб ўтираверадилар. Ош тортилади, уларга ошнинг энг таги сузилади. Бундан ҳайрон қолган бийлар халқдан бундай эътиборсизликнинг сабабини сўраганликларида, пойга бетдан бир чапанитоб киши туриб «Бул тўй ўғлининг ўғлидан қайтади, қизлининг қизидан қайтади, сенларнинг нимангдан қайтади?!» деб жавоб беради. Бу бийларнинг бефарзандлигига ва бундай кишининг элга тўй беролмаслигига ишора эди. Достоннинг мана шу жойида ўзаро манфаатлар тенглиги, ҳурфикрликнинг, қайсидир маънода бешафқат демократиянинг бир кўриниши намоён бўлган. Олайлик, бийларга оддий одамнинг эркин фикр билдириши. Бироқ бу Шарқ этикасига тўғри келмайди-ку, дея ўринли эътироз биддиришингиз мумкин. Ҳақиқатан ҳам демократия – хоҳлаган жойда, хоҳлаган ишни қилиш, хоҳлаган гапни гапириш дегани эмас. Бу ҳол катталарга ҳурмат, жамоат жойида ўзини тутиш каби ўзбекона ахлоқ меъёрларига зид. Аммо масаланинг яна бир томони, бу ҳолни халқ оғзаки ижодининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бахшининг ўз ниятини очиқ ифодалаш усули, дея изоҳлайдиган бўлсак, юқоридаги аччиқ ҳақиқатни бийларга қачондир, кимдир айтиши аниқ эди. Чунки кишилар маълум маънодаги «текинтомоқ»ни, ҳеч қачон ўзига қайтмайдиган яхшилик қилишни хоҳлашмайди. Достондаги бу ҳол воқеаларнинг кейинги ривожига катта туртки бўлган.

Ёки бўлмаса, Бойсарининг Бойсун-Қўнғиротдан қалмоқлар юртига кўчиши воқеасини олайлик. Бойсари акасидан хафа бўлиб, Кашалга кўчиш истагини ўз элига билдиради. У бий бўлганлиги учун барчани кўчишга мажбур қилиши ҳам мумкин эди. Аммо у бундай йўл тутмайди. Ҳар бир инсоннинг эркин шахс эканлигини эътиборга олган ҳолда, кўчиш қарорини ҳал қилишни ўзларига қўйиб беради. Бу эса қадим даврларда ҳам мустақиллик, эркинлик туйғуси ҳар қандай ҳисдан устун қўйилганлигидан далолатдир. Шу ўринда Бойсарибий кўчиш олдидан ўз халқидан маслаҳат сўрайди. Элнинг катталаридан ҳеч қайсиси оғиз очиб бир садо чиқармайди. Шунда давраларда «... тўрдан жой тегмай, пиёладан чой тегмай, бўсағанинг олдида...» ўтирадиган, халқ назаридан четда бўлган Яртибой исмли оқсоқол туриб, ўз фикрини, маслаҳатини Бойсарига айтади. Достоннинг бу лавҳасида бийлар давлатни идора қилишда халққа таяниб иш юритганини, кўп ҳолларда ким бўлишидан қатъи назар ҳар бир шахс мулоҳазаси эътиборсиз қолмаганлигини кўрамиз.

Ҳокимият идораларининг халқ дардини эшитиши, муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриши демократик жамият унсурларидан ҳисобланади. «Алпомиш»да Бойсун-Қўнғиротдан Чилбир чўлига кўчиб келган ўзбеклар, билмасдан қалмоқларнинг ўн беш кунлик масофа йўлдаги экинларини молларига егизириб қўяди. Бундан хабар топган қалмоқ оқсоқоллари шоҳ Тойчихонга бориб арз қиладилар. Экинларнинг нобуд қилинганлигини, энди элда очарчилик бўлиши мумкинлигини, бунга тезда чора кўриш кераклигини сўрайдилар. Қалмоқшоҳ уларнинг арзига қулоқ солиб, жаллодларга кўчманчиларнинг сардорини ушлаб келишни буюради. Асар воқеаларидаги шу ўринда ҳам халқ манфаатларининг устун қўйилганлигини, эл дардига бефарқ қаралмаганлигини кузатишимиз мумкин.

Достоннинг яна бир жойида чўпон Қултой қиёфасидаги Алпомиш ва шу чоғда Бойсун-Қўнғиротнинг ҳукмдори бўлмиш Ултонтознинг онаси Бодом бикач ўлан айтишади. Буни жамиятдаги тенг ҳуқуқликнинг намунаси, яъни ижтимоий табақаланишнинг инобатга олинмаганлиги дея баҳолаш жоиз.

Достон сюжетидаги муҳим чизиқлардан бири гўзал Барчиннинг алпларга шарт қўйишидир. У «ё биримизга тегасан, ё биримизга тегасан» дея ҳоли-жонига қўймаган алпдардан Алпомишни кутиш учун сўраб олган олти ойлик муҳлати тугаган бир пайтда кутганининг келганлиги ҳақидаги хабарни эшитади. Барчин севганим келди, деб унинг этагидан тутиб кетмайди. Барчани баробар, тенг ҳуқуқли кўриб, ўзига харидор бўлган ҳар бир кишига (гарчи, бу Алпомишнинг ютиши учун мўлжалланган бўлсада) тўртта шарт қўяди. Кимки ушбу шартларни бажарсагина, унга тегажагини айтади. Бунда Барчиннинг инсон шахсига, унинг ҳуқуқларига катта ҳурмат билан қараганлигини кўрамиз.

Демак, кишилар инсон ҳуқуқлари поймол этилмаслигини, жисмоний ва фикрий эркинликни, тенгҳуқуқликни жуда-жуда исташади. Биз ҳозирда мана шу истак ифодаловчиси бўлган ҳуқуқий демократик давлат қурмоқчимиз. Бу мақсад халқимиз онгига бугун ё кечагина келиб ўрнашгани йўқ. Демократик жамият қуриш, фарзандларимизни эркин фикрли, ахлоқий баркамол қилиб тарбиялаш қадим-қадимдан аждодларимиз шуурида, кундалик урф-одат ва анъаналарида шаклланган ва ривожланган. Фикримизни бундан 1000 йиллар олдин яратилган, Юртбошимиз ўзбекнинг ўзлигини намоён этадиган, мард ва танти халқимизнинг юрак-юрагидан чиққан, ота-боболаримиз авлодлардан-авлодларга ўтказиб келаётган, дея таърифлаган «Алпомиш» достонидаги бадиий лавҳалар ҳам исботлаб турибди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзМУ талабаси.

Подписка-2008

НАШ ВЫБОР – «ВАТАНПАРВАР»



В частях и учреждениях Министерства обороны началась коллективная и индивидуальная подписка на газеты и журналы на I полугодие 2008 года, в том числе и на газету «Ватанпарвар», Центральный печатный орган Министерства обороны.

Газета «Ватанпарвар» является единственным изданием, в полном объеме освещающим жизнедеятельность частей и подразделений Министерства обороны Республики Узбекистан. На страницах газеты «Ватанпарвар» публикуются материалы, рассказывающие не только о процессе боевой учебы военнослужащих различных видов и родов войск, но и о быте, продовольственном и денежном обеспечении, культурно-досуговой работе, льготах, предоставляемых различным категориям военнослужащих и членам их семей. Журналисты редакции и внештатный авторский актив много внимания уделяют раскрытию тем военно-патриотического воспитания подрастающего поколения будущих защитников Родины. Молодежная тематика является прерогативным направлением в информационном обеспечении читательской аудитории нашей газеты. Потому единственное в республике полноцветное периодическое издание представляет интерес для самого широкого круга читателей.

В период проведения подписной кампании командирам всех степеней, начальникам учреждений, офицерам органов воспитательной работы необходимо провести на местах широкую разъяснительную работу среди военнослужащих, рабочих и служащих о значимости газеты «Ватанпарвар» в деле информирования, обучения и воспитания личного состава, формирования высоких нравственных и морально-боевых качеств молодежи нашей страны, патриотизма, организованности и дисциплинированности. Немаловажно будет рассмотреть и обсудить вопрос организации коллективной и индивидуальной подписки на совещаниях офицеров, военнослужащих по контракту, рабочих и служащих, собраниях личного состава срочной службы.

Командующим войсками военных округов, их заместителям по воспитательной работе, начальникам УДО (ОДО) необходимо также организовать широкую пропаганду газеты «Ватанпарвар» среди родителей, родных призывников и военнослужащих наших Вооруженных Сил.

Подписку на газету «Ватанпарвар» необходимо оформлять в ближайших почтовых отделениях не менее чем на 6 месяцев по безналичному расчету. Следует обязательно обращать внимание на то, что в каждом регионе подпиской занимаются в среднем от 2 до 5 компаний. Потому за основу следует выбрать ту, которая предлагает наиболее низкие цены за подписку и доставку.

Подписную кампанию необходимо провести в рамках установленных сроков и завершить ее к 20 декабря т.г.

ГЛАВНОЕ УПРАВЛЕНИЕ ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.

Месячник противопожарной безопасности

ЧТО ПОКАЗАЛ РЕЙД?

Начинаются холода, а вместе с ними и отопительный сезон. Традиционно, именно в это время, проводятся рейды и другие мероприятия в рамках месячника противопожарной безопасности, призванные обратить внимание военнослужащих на профилактику возможных пожаров. Наш корреспондент принял участие в таком рейде и получил возможность наглядно убедиться в том, что работа, направленная на улучшение противопожарной защиты военных объектов, выполняется успешно.

В части, где начальником штатной команды противопожарной защиты и спасательных работ сержант Ахат Шерматов, охотно рассказали о той большой работе, которая проводится в части по противопожарной профилактике. В ней прежде всего задействован инспекторский состав противопожарных подразделений, который ведет систематический контроль за организацией и состоянием противопожарной защиты на военных объектах. Проводится разъяснительная работа с военнослужащими о недопущении случаев возгораний и пожаров, оказывается помощь командирам в устранении противопожарных нарушений.

Техник младший сержант Хабибулло Башманов, старший пожарный рядовой Кодир Абдурахманов, пожарные рядовые Жамшид Ахунжонов, Дильмурод Намозов, Уткир Мамарасулов не раз участвовали в проведении показательных занятий перед личным составом части. Они хорошо знают приемы и порядок тушения пожара, в совершенстве пользуются соответствующим оборудованием и техникой. Кстати, по мнению начальника службы противопожарной защиты и спасательных работ майора Рамазона Атажанова, инструктора службы противопожарной защиты и спасательных работ сержанта Мурода Матсафоева Ташкентского гарнизона и других участников рейда, пожарная машина и другая техника в этом подразделении находятся в отличном состоянии, а противопожарные посты укомплектованы всем необходимым.

В части, где командиром офицер Ихтиер Исаков, участники рейда сразу обратили внимание на то, что вся территория тщательно очищена от листьев, веток и мусора. Пожарные резервуары заполнены водой, обозначены указками, подъездные пути очищены.

Начальник пожарной охраны сержант Бахтиёр Худайшукуров представил старшего пожарного расчета младшего сержанта Атхама Шарипова. Вместе с пожарным рядовым Обидом Эшмуродовым, спасателем рядовым Ферузом Мирзаевым и другими военнослужащими они регулярно заступают на дежурство в составе противопожарного расчета, круглосуточно патрулируют территорию, ежедневно проверяют противопожарное состояние помещений перед их закрытием по окончании рабочего дня.

Внештатная пожарная команда в составе сержанта Бахтиёра Эшметова, младших сержантов Азадбека Латыпова, Хайрулло Ханбуваева и Аброрбека Тураева регулярно проводят учебно-боевые занятия. В ходе отрабатывается тактика тушения пожара пенной фазой по горящим резервуарам. В части особое внимание уделяют вопросам соблюдения мер безопасности при заправке автомобилей топливом и другими горючесмазочными материалами.

В учреждении, где начальником офицер Акбар Кудратов, в рамках месячника уже провели занятия по организации эвакуации людей и имущества в случае возгорания.

Начальник внештатной пожарной команды служащий Вооруженных Сил Мамур Бахромов и его подчиненные Атхам Мухаммедов, Фарход Бойматов хорошо знают свои обязанности в случае возникновения пожара. Пожарный водоем заполнен, а система водоснабжения построена так, что обеспечивает подачу необходимого количества воды в любую точку территории части.

Рейд показал, что в частях и учреждениях проводятся занятия по знанию мер противопожарной техники безопасности, обеспечивается качественная подготовка личного состава караула и внутреннего наряда. А значит, есть уверенность, что штатные и внештатные пожарные команды будут подниматься в частях только по учебной тревоге.

Майор Хайриддин ЗАЙНИЛОВ.
Фото **Бахрома АБДУРАХИМОВА.**





Безопасности движения – приоритетное внимание

С АКЦЕНТОМ НА ПРОФИЛАКТИКУ

Завершился учебно-методический сбор начальников ХАН военных гарнизонов с участием представителей военной прокуратуры и Управления безопасности дорожного движения ГУВД города Ташкента.



Участникам сборов был представлен анализ хода эксплуатации автомобильной техники и работы органов ХАН гарнизонов по предупреждению и профилактике дорожно-транспортных происшествий.

Было особо отмечено, что сотрудники ХАН проявляют высокий профессионализм в решении служебных вопросов. Однако существуют и отдельные упущения на местах. Как показывает анализ, нередко их причиной являлся такой немаловажный фактор, как невысокая требовательность отдельных командиров подразделений и начальников автомобильных служб. Особое внимание участников сбора было обращено на необходимость углубленной и всесторонней профилактической работы непосредственно в частях и подразделениях. Все имеющиеся неисправности по эксплуатации техники должны выявляться не в рейсе, а до выхода автомобиля из парка.

В ходе сборов внимание участников было акцентировано на необходимости углубленного и детального изучения сути проводимых реформ, направленных на упорядочение перевозок пассажиров автомобильным транспортом, обеспечение безопасности граждан, повышение качества транспортных услуг, определенных в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по обеспечению безопасности дорожного движения».

Подполковник юстиции С. Никулин ознакомил участников сборов с дополнениями, внесенными в Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности, мерах административного воздействия к недобросовестным военнослужащим и другим участникам дорожного движения.

О совместных разработках по предупреждению дорожно-транспортных происшествий со стороны органов УБДД и ХАН рассказал старший инспектор административного отдела УБДД ГУВД города Ташкента капитан Б. Ахмедов.

В целях повышения профессионального уровня сотрудников ХАН в ходе сборов опытными офицерами были прочитаны лекции и проведены практические показательные занятия.

На теоретических занятиях участники сборов изучили основные положения требований Общевоинских уставов Вооруженных Сил Республики Узбекистан, приказов и директив министра обороны, начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил, наставлений. Были рассмотрены вопросы обеспечения безаварийной эксплуатации автомобильной техники и вооружения, а также порядок организации и проведения мероприятий по предупреждению происшествий с автомобильной техникой.

Участникам сбора были доведены порядок организации и проведения технического осмотра автомобильной техники войсковых частей гарнизона, порядок действия инспектора ХАН гарнизона на месте дорожно-транспортного происшествия и составление схемы места дорожно-транспортного происшествия, последовательность проверки транспортных средств и документации водителей.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Бахрома АБДУРАХИМОВА.**

ТЕЖАМКОРЛИК – ФУҚАРОЛИК БУРЧИМИЗ

Бунёдкор халқимиз меҳнати натижаси бўлмиш моддий бойликларни тежаш, иқтисод қилиш ўта муҳим, устувор вазифалардан саналади. Тежамкорлик ҳақида фикр юритишдан олдин келинг, ушбу тушунчанинг илмий маъносига мурожаат қиламиз.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «тежамоқ» сўзига: «Моддий бойлик, пул, маблағ, вақт ва шу кабиларни режаси билан, аяб, ўз ўрнида сарфламоқ, иқтисод қилмоқ. Режаси билан, аяб сарфлаш туфайли сақлаб қолмоқ, орттирмоқ», дея таъриф берилади.

Демак, айнан у ёки бу нарсани ўз ўрнида сарфлаш, режалаб ва аяб ишлатиш, шунингдек, ундан фақат кераклигича фойдаланиш орқали тежамкорликка эришамиз.

Қувонарлиси шундаки, бу борада ҳарбий қисм ва муассасаларда амалга оширилаётган ишлар бугун ўз самарасини бериб, тежалган пул маблағлари ва моддий бойликлар бўйича ижобий кўрсаткичларга эга бўлмоқдамиз. Масалан, Нукус гарнизони уй-жойдан фойдаланиш қисми жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида қуйидаги натижаларга эришди: электр қувватини тежаш орқали 140 минг сўмдан ортиқ маблағ иқтисод қилинган бўлса, ичимлик суви ва иссиқ сув таъминоти, газни иқтисод қилиш бўйича кўрсаткичлар эса 280 минг ва 140 минг сўмни ташкил этди.

Албатта, бу борада бошқа ҳарбий жамоалардаги соҳа мутахассисларининг жонкуярлиги ҳамда ташаббускорлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Муҳими, замонавий ҳисоблагичларнинг ўрнатилиши, ҳарбий қисм командирларининг шахсан жонбозлиги, юрт посбонлари ва ҳарбий шаҳарчалар аҳолисининг долзарб масалага сидқидилдан ёндашуви бесамар кетмаяпти.

Дарҳақиқат, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, иқтисод қилиш орқали юртимиз бойликларини сақлаш ва кўпайтириш, давлатимиз равнақи ва тараққиётини янада мустаҳкамлаш, келгуси авлод учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, қолаверса, мудофаа қобилиятимиз, жанговар шайликни ошириш, ҳарбийлар таъминотини янада яхшилашда, лўнда қилиб айтганда эса, ўз фуқаролик бурчимизни адо этиш борасида фидойилик кўрсатган бўламиз.


Катта лейтенант
Мунир РАҲИМОВ.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Мушарраф признан президентом

Верховный суд Пакистана отклонил последнюю жалобу оппозиции на переизбрание Первеза Мушаррафа президентом страны. Это означает, что Мушарраф будет официально объявлен президентом страны на следующий пятилетний срок, передает РИА Новости. Генерал Мушарраф победил на президентских выборах 6 октября, но Верховный суд страны тогда постановил, что официальные результаты будут признаны лишь после того, как судьи завершат рассмотрение жалоб оппозиционеров.



МАГАТЭ определит позицию

Совет управляющих Международного агентства по атомной энергии (МАГАТЭ) обсудит представленный на прошлой неделе ее экспертами доклад о ядерной программе Ирана. Как отмечает Интерфакс со ссылкой на Би-би-си, нынешние дискуссии в штаб-квартире МАГАТЭ в Вене должны отразить позицию входящих в нее 35 стран по вопросу о новых санкциях в отношении Ирана.



Договор о грузовом сообщении

Южнокорейское министерство по делам объединения сообщило о возобновлении прерванного в 1951 году грузового железнодорожного сообщения между КНДР и Южной Кореей. Сеул и Пхеньян договорились, что товарные поезда будут пересекать межкорейскую границу ежедневно с 11 декабря, сообщает ИТАР–ТАСС.



Убийство чиновника

В Багдаде убит секретарь министерства внутренних дел Ирака Хасан Идан аль-Малики. По словам представителя полиции, неизвестные блокировали тремя машинами конвой высокопоставленного чиновника на северо-востоке столицы и открыли огонь из автоматического оружия. В этот же день как минимум один человек погиб и трое получили ранения в результате теракта в иракском городе Мосуле.



Появился новый автомобиль

Автоконцерн «Mazda» создал полноприводную модель «Mazda 3 MPS». Компания DGM разработала этот автомобиль с использованием силовой установки «Mazdaspeed6», попутно слегка ее модернизировав. В итоге получился реальный 293-сильный полноприводный соперник для модели «EVO» концерна «Mitsubishi» и «STI» от «Subaru». Все карбоновые элементы экстерьера будут вскоре предложены фирмой DGM к свободной продаже.



Мобильный телефон

Для особо рьяных автолюбителей придуман мобильный телефон, корпус которого сделан в форме спорткара «Audi TT». Как сообщает сайт «CarScoop», идея создания такого телефона для поклонников немецкой марки пришла в голову китайцу по имени Чан. Телефон, получивший название «A9», достаточно громоздкий, имеет двухдюймовый сенсорный экран с 260 000 цветами на «днище автомобиля», встроенную память на один гигабайт, цифровую фотокамеру «на капоте» с разрешением 1,3 мегапиксела, Bluetooth и аудио- и видеоплееры. Продается такой телефон по цене 160 долларов.



Остановка Интернета после 2010 года

К 2010 году нагрузка на Интернет-каналы возрастет настолько, что с доступом в Сеть начнут возникать проблемы. По мнению аналитиков Nemertes Research Group, инфраструктура Интернета нуждается в комплексной модернизации. Объем требуемых инвестиций до 2010 года должен составить порядка 140 миллиардов долларов.



Возвращение дирижабля

Скоро на гигантских усовершенствованных дирижаблях можно будет не только летать, но и жить, сообщает «Служба континентов». Благодаря дирижаблю «Aeroscraft ML866». Внутри него пассажирские салоны, комфортабельные каюты, конференц-залы и рестораны, библиотека и даже казино. Из аэропорта он вылетает в вертикальном положении с первоначальной скоростью 185 км/час и набирает ее до 280 км/час. Благодаря прозрачному полу, который находится в зале совещаний, открывается восхитительно прекрасный вид с высоты полета. Воздушное судно сможет подниматься на высоту 2438 метров. В небо воздушное судно «Aeroscraft ML866» поднимется в 2010 году.

(www.NEWSru.com).

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

ЮРТ ДОВРУҒИН ДУНЁГА ТАРАТГАН ЎҒЛОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳукуматимиз томонидан спортни ривожлантириш учун қилинаётган эзгу ишлар сабаб қисқа муддат ичида мамлакатимизда мавжуд барча спорт базалари замонавийлаштирилди. Жумладан, сўнгги йиллар ичида Мудофаа вазирлигига қарашли спорт иншоотлари ҳам моддий-техник жиҳатдан қайта таъмирланиб жиҳозланди. Икки йилдан буён муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётганларнинг спорт либослари билан таъминланаётгани ёшларимизни армияда спортга янада жалб қилишнинг қўшимча воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. Армия спортини юксалтириш мақсадида ҳар икки йилда Қуролли Кучларимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Умумармия ўйинлари эса ҳарбийларимизнинг жисмонан ва маънан баркамоллигини таъминлашда улкан аҳамият касб этмоқда. Спортнинг оммавийлигини таъминлашга қаратилган бундай эътибор туфайли бугун жуда кўп спортчи ёшларимиз халқаро майдонларда Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб, дунё эътирофига сазовор бўлмоқда. Жаҳон чемпионлигини қўлга киритаётган бундай ёшлар орасида ҳарбий спортчиларимизнинг ҳам борлиги бизни қувонтиради.

Шуни фахр ва ғурур билан эътироф этишимиз мумкинки, ҳарбийларимиз нафақат юрт ҳимоясидаги эзгу ишлари, балки спортдаги муваффақиятлари билан ҳам Ўзбекистон номини дунёга таратмоқда. Уларнинг муваффақияти энг аввало армиямиз спортининг ғалабасидир.

Яқинда АҚШнинг Чикаго шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида МҲСК вакили Аббос Атоев ҳам қатнашиб, ғолибликни қўлга киритди ва бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимизни ва кам бўлмаслигимизни яна бир бор исботлади.

Жаҳон чемпиони Аббос Атоев 1986 йилда Бухоро вилоятининг Вобкент туманида туғилган. У республика миқёсидаги дастлабки ютуғини 15 ёшида қўлга киритди. 2001 ва 2002 йилларда ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилигида кетма-кет икки марта олтин медалга сазовор бўлди. 2003-2004 йилларда эса ёшлар ўртасида мамлакат биринчилигида ғолиб чиқди. Унинг халқаро миқёсидаги юксак натижалари 2004 йилда қайд этилган. Худди шу йили Аббос Жанубий Кореяда ёшлар ўртасида ташкил этилган жаҳон чемпионатида учинчи ўринни эгаллаб, Туркияда ўтган жаҳон чемпионатида кумуш медаль соҳиби бўлди. Жорий йилда эса Мўғулистонда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ҳамда Украинанинг Киев шаҳрида ўтказилган ҳарбийлар ўртасидаги минтақавий жаҳон чемпионатида ҳам шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Бу каби ғалабалар ёш спортчига янада куч бағишлаб, уни бундан ҳам юксакроқ чўққиларни забт этишга ундади. Шу боис Аббос бор имкониятларини ишга солиб шуғулланишни, машқ қилишни канда қилмади. Жисмоний машқлар орқали ўз маҳоратини ошириб борди. Спортчининг уринишлари зое кетмади. У Америкада ҳам жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлиб, юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилди. Боксчимизнинг ушбу улкан ғалабасини қувонч ва ғурур билан тилга олар эканмиз, шу ўринда кўнглимиздан Президентимизнинг «Мен бир нарсага аминманки, ҳеч бир халқнинг қудрати, машҳурлиги, буюклиги, халқаро обрў-эътибори ундаги тўпларнинг ёки бошқа қурол-яроғларнинг сони билан ўлчанмайди, уларни авваламбор, миллатнинг соғломлиги, маънавий ва моддий салоҳияти ва кучи билан ўлчамоқ керак», деган фикрлари ўтади.



Чикаго шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионати энг кўп чарм қўлқоп усталари иштирок этган спорт мусобақаларидан бири бўлди. Унда дунёнинг юздан ортиқ мамлакатидан келган олти юздан зиёд бокс усталари жаҳон чемпионати медаллари ва келаси йили Хитойнинг Пекин шаҳрида ўтказиладиган ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритиш учун куч синашди.

Чемпионатда Аббос Атоев жами бешта жанг ўтказиб, уларнинг барчасини муваффақиятли якунлади. Биринчи жангда Руминия, иккинчи жангда Франция вакилини, чорак финалда Хорватия ва ярим финалда Қозоғистон вакилини мағлубиятга учратди. Финалда эса Россиянинг энг кучли боксчиларидан ҳисобланган Артур Бетербаевни оғир жангда 20-17 ҳисобида мағлуб қилиб, олтин медаль ва Олимпиада ўйинларида қатнашиш йўлланмасини қўлга киритди.

Маълумки, бокс бўйича ўтказиладиган бу каби жаҳон чемпионатлари 1974 йилдан буён мунтазам равишда ўтказиб келинади. Кубанинг Гавана шаҳрида жаҳоннинг 45 та мамлакатидан 242 нафар спортчи иштирок этган илк жаҳон чемпионатида Ўзбекистон вакили Руфат Рисқиев қатнашиб, юртимиздан чиққан биринчи жаҳон чемпиони деган эътирофга сазовор бўлган эди.

Мустақилликдан кейин спортнинг барча турини ривожлантиришга бўлган эътибор туфайли Руфат Рисқиев издошларининг сафи кенгайди. Турли халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган боксчиларимиз Руслан Чагаев, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Артур Григорян, Ўткирбек Ҳайдаровнинг ғалабалари шарафига давлатимиз байроғи юқорига кўтарилиб, юртимиз номи дунёга танилди. Боксчиларимиз ўртасидаги бу анъанани Аббос Атоев Чикагода ҳам давом эттирди. У ҳам ўз муваффақияти билан жаҳонни лол қолдирди.

– Ҳар қандай спортчи халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақада қатнашар экан, иложи борича юқори натижаларни қўлга киритиб, ўз юртига ёруғ юз билан қайтишни ният қилади, – дейди жаҳон чемпиони Аббос Атоев. – Мен ҳам рингга чиқар эканман, кўз олдимга аввало ота-онамнинг мунис чеҳрасини, устозимнинг менга ишонч билан боқиб турган нигоҳини ҳис қиламан. Шунинг учун ҳам уларнинг менга билдирган ишончини оқлаш учун бор кучимни аямай ҳаракат қиламан. Ана шундай пайтда ички бир туйғу менга, сен барибир ғалабани қўлга киритишинг керак, деб олға интилишга туртки беради. Куч-қувват ва ишонч бағишлайди. Чикаго шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатининг финал босқичи жуда оғир кечди. Баҳснинг ўртасида рақибим вазиятни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Шу боис жуда мураккаб вазиятга тушиб қолган эдим. Агар мен унга бўш келсам, мағлуб бўлишим мумкин. Шунда халқимизнинг мени ғойибона бўлса-да, қўллаб-қувватлаб тургани, спортчи ёшларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келаётган Президентимизнинг ишончи менга далда бўлиб, куч бағишлади. Ана шу куч мени ғалаба сари етаклади.

Дарҳақиқат, Аббос Атоевнинг қўлга киритган ғалабаси Юртбошимиз раҳномолигида спортга, ёш авлод тарбиясига берилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг самараси ва мустақиллигимиз шарофатидир. Албатта, жаҳон чемпионатида ғолиб бўлишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг замирида мураббийлар меҳнати, машаққатли машғулотлар ётибди. Аббоснинг боксчи сифатида ҳали очилмаган қирралари, имкониятлари кўп. Бу имкониятлар эса келгусида бўлажак халқаро чемпионатларда намоён бўлиши аниқ. Шундай экан, биз ҳам бу умидли ва ёш спортчимизга муваффақият ва омад тилаш баробарида, ўзбекнинг мана шундай нор йигитлари сафи кўпаяверсин, деб ният қилиб қоламиз.

Гулнора ТУРСУНБОЕВА.

СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Владикавказда эркин кураш бўйича икки карра Олимпиада чемпиони Сослан Андиев соврини учун йирик халқаро турнир ўтказилди.

Мусобақада Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистондан келган 300 нафарга яқин полвонлар ғолиблик учун курашдилар. Аҳамиятлиси, энг оғир вазнли курашчилар ўртасидаги беллашувда юртдошимиз Артур Таймазов барча рақибларининг курагини ерга теккизиб, шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди.

●

Испаниянинг Виктория-Гайтейс шаҳрида шахмат бўйича дунёнинг олти нафар кучли гроссмейстери ўртасида ўтказилган «Чемпионлар турнири» якунланди.

Мусобақа ғолиби ўн тур ўйинлари (икки даврали) натижаларига кўра аниқланди. Якунда 7 очко жамғарган болгариялик шахматчи Веселин Топалов ғолиб чиқди. Нуфузли мусобақанинг биринчи даврасида ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов анча муваффақиятсиз иштирок этиб, 1 очко билан кифояланган эди. Иккинчи даврада эса 3,5 очко тўплаб, умумий очколарини 4,5 тага етказиб олди.

Шунингдек, Руслан Пономарёв (Украина) 5,5, Ливи-Дитер Нисипян (Руминия) 5, Юдит Полгар (Венгрия) 5, Анатолий Карпов (Россия) эса 3 очко йиғишга муваффақ бўлишди.

●

Тошкент денгизида байдарка ва каноеда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон кубоги учун ўтказилган мусобақада юртимизнинг юз нафардан зиёд энг кучли спортчилари ғолиблик учун куч синашди.

Байдаркада эшкак эшиш бўйича эркаклар ўртасида яккалик беллашувларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Сергей Борзов 1000, 500 ва 200 метрга ўтказилган пойгаларда маррага биринчи бўлиб келди. Хотин-қизлар ўртасида Екатерина Шубина 200 ва 500 метр масофани биринчи босиб ўтган бўлса, бир километрга ўтказилган беллашувларида Виктория Петришинага етадигани топилмади.

●

Жуфтликлар беллашувида эса Алексей Мочалов ўзини кўрсатди. Дастлаб Алексей Питяков билан ҳамкорликда 500 метрли пойгада биринчи ўринни эгаллаган моҳир спортчи 200 метрга ўтказилган баҳсда Владимир Осокин билан бирга олтин медалга сазовор бўлди. Владимир Осокин иккинчи совринни Вячеслав Горн билан бирга бир километрлик пойгани ютганидан кейин қўлга киритди.

●

Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида жойлашган Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) раҳбарияти 2007 йилнинг ўн бир номинация бўйича ғолибликка даъвогар номзодлар рўйхатини эълон қилди.

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийси Рауф Инилеев «Йилнинг энг яхши мураббийси» совринни учун уч нафар даъвогар сирасига киритилди. Халқаро ташкилот мутасаддилари Рауф Инилеевнинг Ўзбекистон миллий терма жамоасидаги фаолиятини юқори баҳоламоқда.

Шунингдек, ўзбекистонлик футзалчилар қўлга киритаётган натижалар ҳам ОФК мутасаддиларини бефарқ қолдирмади. Унга кўра, футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Эрон ва Япония билан бирга «Йилнинг энг яхши футзал терма жамоаси» совринига номзодликка танлаб олинди.

Танлов ғолиблари жорий йилнинг 28 ноябрь куни Австралиянинг Сидней шаҳрида ўтказиладиган тантанали маросимда эълон қилинади.

Из редакционной почты

ОТЛИЧНЫЙ ЗАДЕЛ



Анализируя итоги IV Всемирных военных игр в Хайдарабаде, мы невольно прогнозируем их результаты на предстоящие Олимпийские игры в Пекине. С этой точки зрения, победа нашего армейского атлета Аббоса Атаева на чемпионате мира по боксу в Чикаго (США) – отличный задел. Наши соотечественники доказали, что могут на равных бороться за чемпионские титулы, а значит, и за олимпийское золото.

Наши боксеры в самый ответственный момент не подвели, показали пример любви к своей стране, своему флагу, проявили мужество и спортивный характер. Новых вам успехов, чемпионы!

Старший лейтенант Фарход БАЛИЕВ.

Яккакураш

МАҲОРАТ ВА САНЪАТ НАМОЙИШИ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида III Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати халқаро фестивали бўлиб ўтди. Мазкур спорт байрам бундан атиги уч йил муқаддам ташкил этилган Республика Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати маркази томонидан уюштирилди. Шарқ яккакурашлари оммавийлигини ошириш, уларни янада ривожлантириш, бошқа мамлакатлардаги ана шундай федерациялар билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида тузилган ушбу марказ ўтган қисқа вақт ичида катта ишларни амалга оширди. Ташкилот Бутунжаҳон жанг санъати турлари ассоциацияси – IMGC га расман аъзо бўлди. 2006 йилда Жанубий Кореяда ўтказилган Бутунжаҳон ўйинларида марказ терма жамоаси аъзолари 2 та олтин, 1 тадан кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлишди.

Куни-кеча ўтказилган фестиваль давомида Шарқ яккакурашлари мухлислари ушу, реал айкидо, каратэ, кикбоксинг ва таэквондо спорти усталарининг кўргазмали чиқишларидан баҳраманд бўлишди. Фестивалга ташриф буюрган индонезиялик жанг санъати усталарининг чиқишлари мажмуага йиғилган кўп сонли мутахассис ва мухлисларда катта таассурот қолдирди. Фестиваль доирасида, шунингдек, кикбоксинг ва қўл жанги бўйича профессионаллар ўртасида жанглар ҳам ўтказилди. Кикбоксинг бўйича Ўзбекистон чемпиони камари учун З. Тешабоев ва М. Тоштурғунов ўзаро баҳс олиб боришди ва уч раунд давом этган жангда М. Тоштурғунов ғалабага эришди. Қўл жанги бўйича ўтказилган баҳсда Қозоғистон чемпиони, халқаро турнирлар ғолиби Бекзод Даудбоев ва Ўзбекистон чемпиони Баҳром Рўзметов рингда ўз маҳоратларини намойиш этишди. Қизиқарли ва кескин жангда ҳамюртимизнинг қўли баланд келди.

Фестиваль сўнгида марказ томонидан йилнинг энг яхши федерацияси, мураббий ва спортчилари номинациялари ғолиблари эълон қилинди ва мукофотлар топширишди. Унга кўра, «Йилнинг энг яхши федерацияси» деб Универсал жанг федерацияси, «Йилнинг энг яхши мураббийи» номинацияси ғолиби деб таэквондо ИТФ бўйича мураббий Юрий Ли топилди. Таэквондо ВТФ бўйича Осиё ўйинлари совриндори Евгения Каримова «Йилнинг энг яхши аёл спортчиси», яқинда универсал жанг бўйича пойтахтимизда ўтказилган жаҳон чемпионати ғолиби Алишер Абдуллаев «Йилнинг энг яхши эркак спортчиси» номинациялари ғолибига айланишди. «Шарқ яккакурашлари маликаси – 2007» танлови эса «Йилнинг энг муҳим воқеаси» номинацияси ғолиби бўлди.

С. ПЎЛАТОВ.

Бокс

КАТТА УСТУНЛИК БИЛАН

Пойтахтимизнинг «Оқтепа» спорт мажмуида «Фавзул Мунаввар» промоутерлик компанияси томонидан ташкил қилинган бокс кечасида Ўзбекистон ва Қирғизистон чарм қўлқоп усталари ўзаро куч синашди.

Мусобақанинг асосий учрашувида ҳамюртимиз Шерзод Олимжонов Қирғизистондан келган Нурлан Каримбековга қарши рингга чиқди. Профессионал боксчилик фаолиятини икки йил олдин бошлаган 63,5 кг. вазнга эга Шерзод Олимжоновга ўз рақибидан ҳар томонлама устунлигини исботлаш учун икки дақиқа кифоя қилди. Беллашувнинг биринчи раундидаёқ йигирма тўрт ёшли андижонлик боксчи рақибини нокаутга учратди.

Яна бир енгилмас боксчимиз Ҳасан Умаров ҳам профессионал рингдаги жангини қирғизистонлик Канат Аҳмадқозиевга қарши ўтказди. Жангнинг учинчи раундида қирғизистонлик спортчи ҳамюртимизнинг залворли зарбасига дош беролмади. Ҳакам Ҳасан Умаровнинг қўлини баланд кўтарди.

Профессионал бокс кечасининг энг кескин ва муросасиз беллашуви жиззахлик Турсунбой Аблякимов ҳамда бишкеклик Тўрақул Шабдоналиев ўртасида бўлди. 69 кг. гача бўлган вазн тоифасида рингга чиққан боксчилар учрашувида ўзбекистонлик чарм қўлқоп устасининг қўли баланд келди.

Дзюдо. Кубок Узбекистана

ТРИ «ЗОЛОТА», ДВА МАСТЕРА

Проходивший в Самарканде Кубок Узбекистана по борьбе дзюдо стал памятен для армейских борцов не только победами в трех весовых категориях, но и тем, что двое наших атлетов выполнили норматив мастера спорта.

Победителями Кубка страны стали рядовой по контракту Асадулло Бозоров (60 кг), Феруз Сайидов (73 кг) и Олим Худайкулов (90 кг), Шахруз Турсунов стал серебряным призером в весе до 90 кг, бронзовые медали в активе Бахрома Исмаилова (60 кг), Сергея Лима (66 кг), Фармона Кабулова (81 кг) и Джахонгира Наджимова (свыше 100 кг).

Выступая без ряда основных членов команды, которым был предоставлен отдых после Всемирных военных игр, воспитанники заслуженного тренера Узбекистана Бориса Григорьева все же сумели привезти с Кубка страны восемь наград, из которых три – золотые. Это говорит о хорошем потенциале армейского дзюдо, ведь в отсутствии Шамсиддина Сайидова победу в его весе одержал младший из семьи Сайидовых, Феруз.

Кстати, Феруз и Шахруз Турсунов впервые выполнили нормативы мастера спорта, с чем мы их поздравляем!

Соб инф.

Футбол

ИРОДА ВА МАТОНАТ НАМУНАСИ

Аввал хабар берганимиздек, ўтган ҳафтада Туркиянинг Анталия шаҳрида ногиронлар ўртасида футбол бўйича VII жаҳон чемпионати бошланган эди. Таниқли мураббий Анвар Исмоилов раҳбарлиги остида чемпионатда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари қатъий ирода ва матонат намуналарини намойиш этиб, жаҳон чемпиони деган шарафли унвонга сазовор бўлишди.

Дастлаб ўтказилган гуруҳ учрашувларида уч карра жаҳон чемпиони Бразилия (4:2), Украина (2:0), Эрон (3:1), Сьерра-Леоне (3:0) ва Нигерия (3:0) терма жамоаларини доғда қолдириб, ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллаган ҳамюртларимиз чорак финалда Либерия терма жамоасини 7:1 ҳисобида тор-мор қилишди. Аммо ярим финалда терма жамоамизга майдон эгалари – Туркия футболчилари рўбарў келишди. Ўйинни бошқарган Бразилия ва Россия ҳакамларининг мезбонларга ён босганига қарамай (россиялик ҳакам ўйин ўрталарида маҳоратли тўпурарларимиздан бўлмиш Ҳайдар Турсунбоевни майдондан четлатди), футболчиларимиз маҳорат бобида рақибларидан устун эканликларини намойиш этиб, 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Иккинчи ярим финал баҳсида Россия терма жамоаси Бразилия футболчиларини 4:0 ҳисобида енгиб, финалга чиқди.

Ҳал қилувчи учрашувда Россия терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратган Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. Бразилияликларни 1:0 ҳисобида доғда қолдирган мезбонлар учинчи ўринни эгаллашди.

Шунингдек, ҳамюртимиз Абдужамил Шукуров мусобақанинг энг моҳир тўпурари совринини қўлга киритди.

МАВСУМДАГИ СЎНГГИ ЎЙИН

21 ноябрь куни Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўзининг жорий мавсумдаги ўнинчи ўртоқлик учрашувини Европа қитъаси вакили – Эстония терма жамоасига қарши ўтказди. Ўйиндан аввал бўлиб ўтган матбуот анжуманида терма жамоа бош мураббийи Р. Инилеев мазкур ўйин Жаҳон чемпионати – 2010 саралаш мусобақаларининг навбатдаги босқичи олдидан футболчиларни яна бир бор синовдан ўтказиш учун айни муддао бўлганлигини, унда ғалаба қозонилса, бу кейинги мусобақалар олдидан футболчиларимизга руҳий куч бағишлашини таъкидлаб ўтган эди. Мураббийлар Жепаров, Копадзе, Аликулов, Шацких каби бир қатор асосий ўйинчиларга бу сафар дам бериб, таркибдан ўрин олишга интилаётган бошқа футболчиларга имкон яратиб беришди. Таркибдаги бундай ўзгаришлар албатта терма жамоа ўйинига ўз таъсирини ўтказмасдан қўймади. Шуни ҳам тан олиш лозимки, эстониялик футболчилар техник ва тактик, айниқса жисмоний жиҳатдан устун эканликларини намойиш этишди ва ўйин давомида кўпроқ хавфли вазиятларни юзага келтиришди. Аммо дарвозабонлар П. Бугало ва айниқса 2-бўлимда майдонга тушган И. Нестеровнинг маҳорати жамоамизни мағлубиятдан сақлаб қолди. Ўйинда аксарият ўртоқлик учрашувларига мос равишда дуранг ҳисоби қайд этилди –0:0.

М. САЙДИВАЛИЕВ.

Атлетический клуб будущего воина

РАЗВИВАЕМ ГРУДНЫЕ МЫШЦЫ

«Полеты» (с гантелями)

«Полеты» создают изолированную нагрузку на пекторальные мышцы грудной клетки, заставляя участвовать их в движениях значительно большего диапазона, чем при выполнении жима на скамейке. Это упражнение также создает нагрузку на дельтовидные мышцы.

Выполнение «полетов». Лягте спиной на ровную скамейку. В каждую руку возьмите по гантели. При желании вы можете попросить двух помощников положить вам в каждую ладонь по гантели. Перед началом, как это показано, полностью выпрямите руки. Затем опустите гантели в горизонтальное положение. Локти должны быть слегка согнуты. Выведите руки с гантелями вверх, а затем вновь разведите в стороны и продолжайте их опускать, пока не почувствуете, как хорошо напряглись мышцы груди. Руки выше локтя должны опуститься за уровень тела. Когда гантели идут вниз, делайте предельно глубокий вдох, и выдыхайте, когда описывая гантелями дугу, поднимаете их вверх. Делая упражнение, сосредоточьтесь на изолированной нагрузке на мышцы груди. Чтобы выполнить суперсет для накачивания мышц, сперва делайте до изнеможения «полеты», а затем постарайтесь выполнить еще несколько поворотов упражнения с гантелями на скамейке для жимов.





ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

Аскар уйига қайтди

ҚАЛБДА МУЖАССАМДИР ҚАТЪИЯТ ВА ШИЖОАТ

Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида гўзал ва сўлим Нурали қишлоғи бор. Ушбу қишлоқ азалдан ўзининг жасур ва мард ўғлонлари, курашчию улоқчилари, меҳмондўст инсонлари билан элга танилган. Бугун қишлоқнинг Наврўз маҳалласида катта шодиёна. Билмаган одам бу ерда тўй бўлаяпти деб, ўйлаши турган гап. Аслида ҳам тўйдек гап, яъни бундан бир йил муқаддам ўз йигитлик ва конституциявий бурчини ўташга жўнаган қишлоқнинг курашчи ўғлони Сардор Зиёев муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб, соғ-саломат ўз қадрдонлари олдига қайтиб келди.

Матлуба опа эрта тонгданоқ ҳовлини супуриб, сув сепиб чиқди. Бугун қишлоқнинг барча оқсоқоллари, қариндош-уруғлар, ўғли Сардоржоннинг дўстлари бу хонадонга аскар кўргани келишади. Собир ака ҳам иш жойидан қисқа муддатли таътилга чиққан. Бир кун олдин ўғли телефон қилиб, хизматдан уйга қайтишини айтган. Ҳали бозорга тушиб, ул-бул харид қилиши лозим. Ҳовлининг озода ва саришталигини кўриб, Собир ака турмуш ўртоғига миннатдорона қараб қўйди. Ўзидан кўра ўғлининг онаси кўпроқ ҳаяжонда. Нима қилганда ҳам, онада. Бундан сал олдинроқ ўғлининг хизмат жойидан, қисм командирининг номидан келган Ташаккурнома уларга қанчалик қувонч бағишлаган бўлса, бугун посбон ўғли ёруғ юз билан улар бағрига қайтмоқда. Ота-она учун фарзанди камолини кўриш, унинг қилган ишлари ортидан раҳмат эшитишдан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Собир ака чуқур уйга толар экан, бундан роппа-роса бир йил олдин ўғлини муддатли ҳарбий хизматга кузатгани кўз олдида гавдаланди. Сара ўғлонлар ичидан сараланиб, Чегара қўшинларига хизмат қилишга жўнаётган Сардорни бутун қишлоқ кузатишга чиққан эди. Маҳалла кайвонилари «ой бориб омон қайт, эл-юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, Ватан ҳимояси йўлида белингни маҳкам боғлаб хизмат қил, қишлоққа ёруғ юз ила, саломат қайтиб келгин, полвон йигит», дея дуо қилишганди. Ҳа, бир йил ўтди-кетди. Ўғли эл-юрт корига камарбаста бўлиб, ўз йигитлик ва конституциявий бурчини шараф билан ўтаб, жонажон қишлоғига қайтмоқда.

Рафиқасининг гапи унинг хаёлини бўлди.

– Дадаси эшикка қаранг, отам қўй етаклаб келдилар.

Ҳа, айтмоқчи, ёдидан кўтарилибди. Сардорнинг бобоси Шамши ота неварасининг армиядан қайтишига атаб, қўй боқаётган эди.

– Ҳа ўғлим, тек қотиб ўтирибсан, тадорогингни кўрсангчи, ҳали замон менинг алп қоматли, полвон неварам ҳарбий либосида кириб келади, – дея Шамши ота қўйни ҳовли тўрига қараб етаклади.

Тушгача хонадонда ҳамма жамул-жам бўлган эди. Кўча бошидан эшитилган машина сигнали аскар йигитнинг келаётганидан дарак берди. Машина келиб тўхташи билан, Сардордан олдин ҳайдовчи ундан тушди: «Суюнчи беринг, аскар ўғлингизни олиб келдим», Матлуба опа қўлидаги тугунни Шамши отага узатди. Ота, ҳайдовчининг елкасига тўн ёпди, бошига дўппи кийгизиб, белига белбоғ боғлади, қўлига пул тутқазишни ҳам унутмади. Бу одат қишлоқда ота-боболардан урф бўлиб қолган.

Мана, ҳарбий либоси ўзига кўрк бериб, янада савлатли қилиб турган аскар йигит машинадан тушиб, уни интизорлик билан кутиб ўтирган қадрдонлари бағрига ўзини отди. Барча посбон йигитни бир-бир қучоқлаб, белидан сиқиб қўйсам, дея талпинишар эди. Айниқса, ёш болалар хурсандчилигининг чеки йўқ. Улар аскар акаларининг атрофида айланишиб, «аскар акам армиядан келдилар», деб қичқиришарди. Кексаларнинг дуоси билан ҳамма уйга кирди. Кураш тушиб, бир неча бор катта-катта мусобақаларда кураги ерга тегмай келган полвон йигитни барча қутларди, унга ҳавас билан боқишарди. Айниқса, Сардорнинг армия ҳаёти, таассуротлари, ўрганган ишлари, орттирган дўстлари, у ерда яратилган шароитлар ва кўрсатилган ғамхўрликлар ҳақидаги гаплари унинг тенгдошларида армияга нисбатан катта ҳавас уйғотди.


– Армия менга кўп нарсани ўргатди, ҳар томонлама тоблади, чиниқтирди, – дейди унинг ўзи. – Ҳам маънан, ҳам жисмонан шаклланишимда, камол топишимда, энг асосийси келажак ҳаётимда ўз йўлимни топиб олишимда армиянинг ўрни беқиёс бўлди. Намунали хизматим туфайли тавсияномага лойиқ топилдим. Шу билан бирга ушбу хизмат менга ҳарбийлик касбига ҳавас ва иштиёқ орттирди. Келажакда режаларим улкан, насиб этса олий ҳарбий билим юртига ўқишга кириб, офицер сифатида Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш, менинг энг эзгу мақсадимдир.

Ҳа, Сардордек азамат ўғлонларнинг барчаси ўз олдиларига мана шундай олий мақсадларни қўйишган. Ишончимиз комилки, ҳаёт мактабида тобланиб, баркамол инсон бўлиб етишган бу ёшлар қайси жабҳада фаолият юритишмасин, юртимиз иқтисодининг ривожланишида, Ватан равнақини оширишда энг илғорлар сафида бўлишади.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

В гарнизонных Домах офицеров

КАЛЕЙДОСКОП ПРОФЕССИЙ



Как повысить интерес военнослужащих и членов их семей к совершенствованию своих творческих способностей, добиться, чтобы для каждого нашлось дело по душе? В Чирчикском гарнизонном Доме офицеров считают, что, проявив выдумку и используя современные методы менеджмента, даже такой сложный процесс, как привлечение и набор новых слушателей на платные курсы, можно сделать красочным и увлекательным.

Вот так, с легкой руки методистов Дома офицеров И. Курбановой и Ф. Асраевой, появилось на свет рекламное шоу «Калейдоскоп профессий», подготовленное силами тех, кто уже освоил с их помощью новую профессию. Организаторы шоу постарались заполнить полный зал, оповестив местные школы и учебные учреждения, где учатся дети военнослужащих.

Коллектив каждого из учебных курсов под руководством своих наставников Ф. Фатхуллиной, Э. Зенидиновой, М. Хасановой, И. Каримовой, М. Нурматовой, Л. Агзамовой и А. Усербаевой подготовили свои рекламные номера. А чтобы внести в шоу элемент состязательности строгое жюри, состоящее из представителей общественности, должно было определить, кто выступил лучше.

Первыми по подиуму прошли парикмахеры-стилисты, демонстрируя прически: от самых простых, молодежных, до умопомрачительно сложных, на зависть самым изысканным модницам. Несколько агрессивная форма подачи, подкрепленная громкой, маршевой музыкой, должна была всколыхнуть зал, настроить его на редкое зрелище борьбы различных течений и вкусов.

Выступление представителей кулинарных курсов было не столь напористым, даже несколько по-домашнему тихим, но и они сорвали свою долю аплодисментов, когда стали разносить по залу образцы своей продукции на пробу. В ходе рекламы курсов «Оператор ЭВМ» на большом экране подробно разъяснили, чему может у них научиться и новичок, и опытный пользователь персонального компьютера.

Представители курсов восточных танцев наглядно продемонстрировали свое искусство, показав выступления разных возрастных групп. Самые младшие танцевали восточные танцы столь самозабвенно, в ярких костюмах, что весь зал охотно разразился аплодисментами. Трудно представить себе что-либо более скучное, чем бухгалтерские курсы. Поэзия сухих отчетов и круглых цифр мало увлекательна. Однако именно будущие бухгалтеры показали наибольшую изобретательность, сумели найти оригинальную форму подачи своей профессии через песню, большой экран и живой звук.

Но им было нелегко тягаться с тем ярким спектаклем, который показали на подиуме представители курсов «Кройки и шитья». Какая девушка не мечтает пройтись на подиуме в роскошном платье? Зрители представленного шоу получили возможность увидеть творчество и выдумку воспитанниц Чирчикского Дома офицеров. Они представили огромный выбор моделей от спортивной и повседневной одежды, до вечерних и свадебных нарядов.

Завершившие конкурсную программу слушатели курсов «Домашняя медсестра» проявили в «медицинских сценках» немало выдумки и юмора, доказывая, какое это преимущество – иметь в доме знающего основы медицины человека.

Подводя итоги шоу «Калейдоскоп профессий», жюри, внимательно наблюдавшее за мастерством артистов и за реакцией зала, признало лучшим красочное выступление представителей курсов «Кройки и шитья», второе место получили кулинары, а третье – бухгалтеры. Покидая зал, зрители оживленно обсуждали увиденное и услышанное. Большинство уже хорошо знало, куда и зачем они сюда вернутся в следующий раз.

В.НИКОЛАЕВ.

БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишлаб “Бунёдкорлик йўлидан” мавзуида фото ва расмлар кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати “Камалак” болалар ташкилоти, Республика Таълим маркази ҳамда Ўқувчилар техник ижодиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу ижодий беллашувда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўз ижодий ишлари билан иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда ёш авлоднинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, пухта таълим олиши борасидаги эзгу ишлар ўз самарасини бермоқда. Айни пайтда ёшларнинг мукаммал тарбия олиши, тафаккури ва қалбида тарихимизга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига юксак садоқатни чуқур сингдиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини янада юксалтиришдек масъулиятли жараён билан уйғун тарзда олиб борилаётир.

«Бунёдкорлик йўлидан» деб номланган ушбу кўрик-танловга юртимизнинг турли ҳудудларида таълим олаётган ўқувчиларнинг Бош қомусимизнинг ҳар бир ватандошимиз тақдирида тутган ўрни ва аҳамияти, мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари акс эттирилган икки юздан ортиқ фото ва расмлари келди. Уларда истиқлолимизни асраб-авайлаш, ёшлар учун яратилаётган шароит ва имкониятларнинг қадрига етиш, аждодларга муносиб фарзандлар бўлиб етишиш каби эзгу ғоялар болаларга хос содда ва айни пайтда, самимий тарзда ифодаланган.

Кўрик-танлов якунига кўра, фото йўналиши бўйича Хоразм вилояти Янгибозор тумани 12-мактаб ўқувчиси Шерзод Сафарбоев биринчи, Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 19-мактаб ўқувчиси Жалил Расулов иккинчи, пойтахтимиздаги 42-мактаб ўқувчиси Ўлмас Ғафуров учинчи ўринга лойиқ топилди. Тасвирий санъат йўналиши бўйича Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 19-мактаб ўқувчиси Гулираъно Абдуллаева биринчи, Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги 59-мактаб ўқувчиси Шоира Ўсарова иккинчи, Наманган вилояти Наманган туманидаги 35-мактаб ўқувчиси Илҳом Эшонхўжаев учинчи ўринни қўлга киритди.

Беллашув якунида болалар бадиий жамоаларининг концерт дастури намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири



ХАФТА ГЎЗАЛИ

Чеҳрасидан самимийлик балқиб турган бу гўзал қиз – юридик коллежи талабаси Нигора Солиҳовадир. Нигора коллежда ўзининг одоб-ахлоқи, тиришқоқлиги ва аъло баҳоларга ўқиши билан тенгдошларидан ажралиб туради. У бичиш-тикиш ва пазандачиликка ҳам қизиқади, бўш вақтларида ушбу севимли машғулотлари билан банд бўлади. Унинг келажакдаги орзулари кўп. Шулардан энг муҳими, яхши мутахассис, намунали оила бекаси бўлиш!

ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Ҳаёт мураккаб жараён, унда нималар бўлмайди. Шундай экан, сен ҳар доим оиладаги вазиятга қараб иш тут. Арзимас сабаблардан жанжал чиқаришга, уни авж олдиришга ҳаракат қилма. Баъзи оилаларда қизлар асосан нарса-буюм учун талашишади. Ота-она олиб берган кийимларни мен буни киймайман, қимматроғини олиб беринг, деб улар билан жанжаллашади. Бу қиз бола учун энг ёмон одат. Бизда «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» деган мақол бор. Бу одатинг кейинчалик келин бўлиб борадиган хонадонда ҳам кўп нохушликларга сабаб бўлиши мумкин.

Фестиваль

ИСТИҚЛОЛ АВЛОДЛАРИ – ИСТИҚБОЛ АВЛОДЛАРИ

Мустақил тараққиёт йўлимизнинг бошидаёқ баркамол авлод масаласига устувор аҳамият қаратганмиз. Биргина таълим тизимида жадал рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришларни, жаҳон андозаларига мос ўқув-тарбия тизимини ёки спортни, демакки соғлом авлодни шакллантиришга қаратилган ишларимизни оламизми, бари-бирининг замирида ана шу мақсадимиз мужассамлигини англаймиз.

Бу борада юритилаётган сиёсат, амалга оширилган кўплаб эзгу, хайрли ишлар борасида узундан-узоқ тўхталиш мумкин. Келинг, яхшиси фикримизни яқинда ниҳоясига етган «Янги авлод–2007» фестивали мисолида давом эттирайлик.

Маълумки, танлов «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Камалак» болалар ташкилоти ташаббуси билан ташкил этилган. Қувонарлиси шундаки, бундайин танловлар фарзандларимизнинг салоҳиятда ҳеч кимдан кам эмаслигини намоён этмоқда. Уларни янги-янги изланишларга, Ватан равнақи, тараққиёти йўлидаги улкан ишларга руҳлантирмоқда.

Маълумотларга кўра, «Янги авлод» республика болалар ижодиёти фестивали кашф этган Хадича Имомназарова, Муродулла Ҳакимов каби ўсмирларимиз нафақат юртимизда, балки хориждаги нуфузли халқаро фестиваллар, кўрик-танловларда ҳам муваффақиятли иштирок этишяпти.

Оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарга кўра, «Янги авлод -2007» санъат байрамининг якунига кўра беш юздан ортиқ ўғил-қиз мумтоз мусиқа, миллий чолғу асбоблари ижрочилиги, хонандалик, рақс, тасвирий ва амалий санъат, шеърият, насрий ва саҳна асарлари йўналиши бўйича фестиваль ғолиблари, дея эътироф этилган.

«Сурнай лазгиси» рақсини тайёрлаб келган хоразмлик иқтидор соҳибаси Феруза Ботирова кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди. Энг муҳими у мазкур танлов сабабли изланди, интилди, иқтидорини намоён этишга ўзида куч топа билди. Аслида танловнинг аҳамияти ҳам шунда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган саккиз ярим минг нафарга яқин ўғил-қиз иштирок этган бу йилги фестивалнинг якуний босқичи том маънодаги санъат, дўстлик, гўзаллик ва нафосат байрамига айланди. Иштирокчилар фестиваль доирасида пойтахтимиздаги диққатга сазовор жойларни томоша қилишди, истиқлол йилларида амалга оширилган кенг бунёдкорликлар билан танишишди. Шунингдек, қатор маънавий-маърифий тадбирлар давомида давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар гувоҳига айланишди.

Ҳа, бундайин эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар сабаб янги авлод – бугунги авлод, истиқлол авлодлари ақлли, доно ва албатта бахтли бўлишади, эртамизнинг муносиб давомчилари бўлишади.

Дилафрўз РЎЗИЕВА.

FUND FORUM. UZ



АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН
Решительность и деловая хватка – вот девиз этой недели. Вашими помощниками станут такие качества, как оптимизм и интуиция. Вы почувствуете себя уверенно и поймете, что способны сделать многое.

ТЕЛЕЦ
На этой неделе необходимо правильно рассчитать свои силы – и тогда вы многое сможете успеть. При необходимости можете опереться на вовремя подставленное плечо друга. Вас ждут хорошие события.

БЛИЗНЕЦЫ
Судьба может дать шанс решить многие проблемы. Не помешает чувство меры, в том числе – и в работе. Отнеситесь серьезно к новому деловому предложению, оно может открыть недурные перспективы.

РАК
Эта неделя подарит новые силы для достижения поставленных целей. Наступает важный период, в течение которого вас ожидает значительное продвижение в делах. Вы сможете достичь того, о чем мечтали.

ЛЕВ
В начале недели ваши возможности расширятся. Лучше не отстаивайте права, а занимайтесь каким-нибудь конкретным делом. Думая о грандиозных замыслах, соразмеряйте свои силы с реальностью.

ДЕВА
Эта неделя будет весьма благоприятным периодом для решения наболевших вопросов и запущенных проблем. Прислушайтесь к голосу интуиции. Ваши жизненные ценности могут измениться, вы станете мудрее и уравновешеннее.

ВЕСЫ
На этой неделе вероятен профессиональный взлет и успех. Многие наболевшие проблемы на работе решатся спокойно. Будет удачным решение заняться благоустройством своего жилища.

СКОРПИОН
В начале недели на вас может напасть беспричинная тоска, но она должна рассеяться сама собой. Если вы проявите терпение, то плохому настроению не удастся спугнуть вашу удачу. Вероятна конфликтная ситуация в семье.

СТРЕЛЕЦ
На этой неделе будет полезно поразмышлять и сопоставить причины и следствия жизненных ситуаций. Постарайтесь не задерживаться после работы, поспешите домой и проведите вечер в спокойной и комфортной обстановке.

КОЗЕРОГ
Наступает период, когда вам захочется кое-что закончить, а что-то начать. Действуйте решительно и смело. Умение привлекать окружающих на свою сторону поможет добиться решения стоящих перед вами задач.

ВОДОЛЕЙ
На этой неделе вам придется много внимания уделять окружающим. Интересные предложения могут исходить от партнеров по бизнесу. Вы непременно должны порадовать ваших близких.

РЫБЫ
По всем признакам, вы на пороге больших перемен. Наступает сложная и ответственная неделя. Постарайтесь, чтобы от проявления чувств не пострадали окружающие. Лучше взять инициативу в свои руки.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

ЖАЖЖИ САНЪАТКОРИМИЗ ДУНЁ ЭЪТИРОФИДА



Ёшлар тафаккури ва қалбига чин инсоний фазилатларни сингдириш, уларни истиқлол ғояларига садоқат, она Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда, эзгу ишлар сари даъват этишда санъат, айниқса мусиқанинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Шу боисдан ҳам мустақилликдан кейин Президентимиз ташаббуси билан миллий мусиқа санъатини ривожлантириш ва равнақ топтиришга алоҳида эътибор берилди. Натижада эса истеъдодли ва иқтидорли ёшларимиз ўзларини намоён қилишлари учун катта имкониятлар эшиги очилди. Улар маданият, спорт, санъат, фан ва бошқа кўплаб соҳаларда юксак муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Глиэр номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейининг 4-синф ўқувчиси Тоҳиржон Асқаров шу йил октябрь ойида Италияда ўтган ёш пианиночиларнинг ўттизинчи халқаро "Le Muse" кўрик-танловида ғолиб чиққани бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Тоҳиржон болалигидан мусиқа соҳасига кўнгил қўйди. Бунда у туғилиб ўсган оиланинг ҳам ўзига яраша ўрни бор. Сабаби, унинг отаси Абдуқаҳҳор ака бошқа соҳада фаолият юритса-да, мусиқа шинавандаси бўлиб, ҳар доим бўш вақт топилди дегунча мусиқа тинглашни яхши кўрарди. Тоҳиржоннинг бу соҳага қизиқишига ҳам отаси сабабчи бўлди. Негаки, у отасининг ёнида ўтириб, ҳар бир мусиқани астойдил берилиб тингларди. Ўғлининг мусиқага ихлоси баландлигини сезган Абдуқаҳҳор ака турмуш ўртоғи Зарифа опа билан маслаҳатлашиб, уни Глиэр номидаги махсус мусиқа академик лицейига олиб борди.

– Агар фарзандинг ўзида интилиш бўлмаса, унга оилавий муҳитнинг ҳам ижобий таъсир кўрсатиши даргумон,– деди Абдуқаҳҳор ака.– Мен ҳам дастлаб Тоҳиржондаги мусиқага бўлган қизиқишни шунчаки бир ҳавас бўлса керак, деб ўйладим. Шу боис, Тоҳиржоннинг келажакда катта бастакор бўламан, деган сўзларига унчалик эътибор бермадим. Лекин ўғлимнинг қизиқиши борган сари ортиб бораётганини кўриб, унда интилиш ва иқтидор кучли эканлигини пайқадим ва мусиқа мактабига беришга қарор қилдим. Мусиқа мактабига ўқишга берганимиздан Тоҳиржон жуда хурсанд бўлди. Дарсларга ҳам зўр иштиёқ билан борарди. Мактабдан келганидан кейин эса пианинонинг қаршисида соатлаб ўтириб мустақил машқ қиладиган бўлди. Ноталарни ҳам жуда тез ёдлади. Онаси икковимиз ўғлимиздаги тиришқоқликни кўриб жуда қувондик. Унинг халқаро кўрик-танловда ғолибликни қўлга киритганида биз уни мусиқа мактабига ўқишга бериб хато қилмаганимизга амин бўлдик.

Қайси чолғу асбобида бўлмасин, тараладиган куйнинг жозибаси одамни ўзига маҳлиё қилади ва беихтиёр сиз ҳам ушбу мусиқа сеҳридан маст бўлиб, ғам-ташвишларни ҳам унутасиз, ўзингизни гўёки ўзга бир оламга кириб қолгандек ҳис қиласиз. Оиланинг кенжа фарзанди Тоҳиржон мактабдан қайтиб у ерда ўрганган куйларни пианинода чалиб берганда Абдуқаҳҳор ака ҳам шундай ҳолатга тушарди, ўғлининг келажакда албатта эл назарига тушадиган санъаткор бўлишини чин кўнгилдан сезарди ва бунга ишонарди ҳам.

Тоҳиржон тез орада отасининг ишончини оқлаб, устозларидан ўрганганларини мукаммаллаштиришга ҳаракат қила бошлади. Тинимсиз изланиш ва меҳнат ўз самарасини узоқ куттирмади. Дастлаб мамлакатимизда ўтказилган "Санъат ғунчалари" ёш ижрочиларнинг республика кўрик-танловларида, кейинчалик эса бадиий ижодиёт фестивалларида муваффақиятли иштирок этди. Унинг пианинода буюк бастакорлар яратган асарларни маҳорат билан ижро этиши кўпчиликнинг эътиборини жалб этди. Шундан сўнг, мусиқа ўқитувчиси Ирода Абдураҳимова у билан жиддийроқ шуғулланиб бошлади.

– Тоҳиржон Асқаровда кўпчилик тенгдошларида учрамайдиган ноёб истеъдод бор,– дейди Ирода Абдураҳимова.–Мен буни у биринчи синфга келганидаёқ пайқаганман. У дарсда ўрганганларини жуда тез, ҳеч қандай қийинчиликсиз ўзлаштирарди. Тоҳиржоннинг ёшида бундай қобилиятга эга бўлишнинг ўзи катта истеъдод. Шогирдимнинг тенгдошларидан ажралиб турадиган яна бир томони, у ўз устида шуғулланишни яхши кўради. Шу боис дарсдан кейин ҳам мактабда қолиб қўшимча дарс оларди. Ундаги тиришқоқликни кўриб, турли кўрик-танловларда қатнашиш учун тавсия қилдим. Натижада эса у кўрик-танловларда мактабимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб, ўз истеъдодини намоён қилди. Шундан сўнг, унга жаҳон мумтоз мусиқа намуналари бўлган асарларнинг ижро услубини ўргатдим. Тоҳиржон бунинг ҳам уддасидан чиқди. Айнан мана шу асарларни у Италияда ўтказилган ёш пианиночиларнинг ўттизинчи халқаро кўрик-танловида маҳорат билан ижро этиб, мусиқашунослар назарига тушди.

Биласизми, қизиққан фан ёки соҳаси бўйича илм ёхуд ҳунар сирларини ўрганаётган ўқувчининг энг аввало, ўзида интилиш бўлади. Бу изланиш эса болани бўш вақт топди дегунча, ўз устида ишлашга ундайди. Мустақил шуғулланиш бу – ижод демак. У ҳар кимдан мустақил фикрлаш, доимий ўқиб - ўрганишни талаб этади. Бир мақсад сари интилиш ҳам муваффақиятга элтади. Шу боис бугун катта ҳаётга қадам қўяётган фарзандларимизнинг ёшлигиданоқ иқтидорини аниқлаш, йўналтириш, такомиллаштириш катта аҳамиятга эга. Мана шу ишларимизга жавобан ўқувчиларимиз танловларда фахрли ўринларни қўлга киритиб, лицейимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишмоқда, деб ўйлайман.

– Халқаро кўрик-танловда қатнашишимни эшитиб жуда ҳаяжонландим, – дейди Тоҳиржон Асқаров.– Италияга боргунимиздан кейин ҳам танловда қатнашаётган юздан ошиқ болаларни кўриб, барибир ўрин ололмасам керак, деб ўйладим. Лекин устозим Ирода опа менга далда бўлди. « Тоҳиржон, сен бу танловда ғолиб бўласанми-йўқми, энг муҳими кайфиятингни туширма. Ахир халқаро танловда қатнашишнинг ўзи бахт». Устозимнинг бу гапларидан кейин ўзимга бўлган ишончим ортди. Кўз олдимга менга меҳр билан тикилиб турган ота-онам, устозларим, ўртоқларим келди. Шунда ахир мен уларнинг менга билдирган ишончларини оқлашим керак, деб ўйладим. Саҳнага чиққанимда ана шу ишонч туфайлими, ҳар бир асарни ҳеч қандай ҳаяжонсиз ижро этдим.

Тоҳиржон Асқаров ўн бешдан ортиқ давлат вакиллари иштирок этган ёш пианиночиларнинг ўттизинчи халқаро "Le Muse" кўрик-танловида ўзбек миллий мусиқа санъати намуналари билан бир қаторда Бах, Моцарт, Шопень каби буюк бастакорлар яратган асарларни нозик дид, юқори малака билан чала олишини йиғилганларга намойиш этди ва дунё эътирофига сазовор бўлди...

Ўзбекистон Давлат Консерваториясининг муҳташам зали. Бу ерга тўпланганлар ўн яшар болакай Тоҳиржон Асқаровнинг халқаро танловда эришган муваффақиятини қутлаш, олқишлаш учун келишган. Унга Президентимизнинг 1995 йилдан буён махсус мусиқа лицейлари ўқувчилари учун жорий этиб келинаётган академиклик гонорари стипендияси ҳамда замонавий компьютер ва пианино тантанали равишда топширилди.

Ўзбек миллий мусиқа санъати улкан намоёндаларининг муносиб давомчиси бўлмиш Тоҳиржон Асқаровнинг келажакда ўз олдига қўйган мақсадлари улуғ. У ўз ижоди орқали ўзбек санъатини жаҳонга ёймоқчи. Биз эса жажжи санъаткорга ижодий баркамоллик тилаб, омад ҳамиша ёр бўлсин, деб қоламиз.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

Гулом КАРИМ

НАРШАХ ҚАЛЪАСИ

(тарихий романдан парча)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

ЗАФАР САДОЛАРИ ЯНГРАГАН ЖАНГГОҲ

Ҳар икки тараф лашкари ари инидек ғувилларди. Бўлуклар у жойдан бу жойга кўчар, қайта сафланар, саркардалар жон куйдириб юзбоши ва ўнбошиларга йўриқлар кўрсатарди. Ниҳоят, ҳар бир аскар жанговар сафдаги ўз ўрнини топди шекилли, ғовур-ғувур бирдан тинди. Бўлажак жанг майдони узра оғир сукунат чўкди. Асаблар таранг тортилган, кўзлар қонга тўлган, қўллар қилич, найза ва болта дасталарини қаттиқ чангаллаганди.

Жанггоҳ унда-бунда пастак ясси тепалар бор яланглик бўлиб, кунботар томонига қалин тутзор туташиб кетган, уни ёқалаб ўтган ариқнинг икки томонида пастак толлар. Қиш уйқусига чўмган яланғоч дарахтлар бўлажак муҳорабага мутлақо лоқайд. Суви товсилиб қолган ариқдан қуйироқда Афшона қишлоғига борадиган карвон йўли чўзилган. Унда йўловчи деганнинг қораси кўринмайди. Дарвоқе, қарама-қарши икки тўпда жамланган минглаб одамлар учун шу паллада на орқага ва на ўнгу сўлга йўл бор. Ёруғ олам тангу тор бўлиб, уч тараф кўзга кўринмас девор билан ўраб олингандек, улар фақат олдинга қараб юришлари, қаршидаги тўп одамларини босиб-янчиб, ўлдирибгина ўзига йўл очишлари мумкин.

Шарқ томонда кузда шудгор қилинган дала, ундан нарида беш-ўн уйли кичик қишлоқ. У томонда ҳам одам зоти кўринмас, қишлоқ аҳолиси хавф-хатар яқинлашиши билан тумтарақай қочган. Жанг олди сукунати елкадан тоғдай босади. Мусаффо осмонда кезинган қуёш хунрезлик арафасидаги заминга боқишдан безгандек, тобора мағриб уфқи томон силжийди. Дарахтзорлар узра қушлар чарх уради: фалокатни сезгандек, «қон тўкилмасин», «қон тўкилмасин» дея фиғон солаётгандек эдилар гўё. Бироқ ғазаб муштига айланган одамлар ақл овозига қулоқ солишни хаёлларига келтирмасди. Улар зарба бериш, ўлдириш, поралаш, мажақлаш иштиёқида ёнар, қасосга ташна кўнгиллари фақат қон тусарди.

Айниқса, оқ кийимлиларнинг салмоқли қисмини ташкил этган зардуштийлар жангга ғоят ошиқар, забун этилган дин учун интиқом олиш истаги кўнгилларида жўш урарди. Овистонинг жанговар қўшиқлари сафлар оша жаранглади:

Ёвни мағлуб этайлик,
Эллик зарбда юзини,
Юз зарб билан мингтасин,
Минг урганда туманни.
Туман зарбда саноқсиз
Аскари ер тишласин!

Жанггоҳ фазосини довул садоси тилиб ўтди. Ноғоралар гумбуридан юраклар қалқиб тушди. Жанговар наъралар арслон ўкириғи янглиғ еру кўкни ларзага солди. Ўт ва сувдек муросасиз икки лашкар бир-бирига томон инди. Ҳайқириқлар, жанг ҳидини сезган отларнинг фиғонли кишнаши, довуллар гумбури – ҳаммаси бир бўлиб, қулоқларни қоматга келтирди. Оралиқ масофа шитоб билан қисқариб, майдон бўйлаб ажал уруғи сочиладиган даҳшатли онлар сония сайин яқинлашар эди.

Тарафлар бир ёй ўқи масофасига етгач, камонлардан минглаб ўқлар ёғдиришди. Ўлим даракчилари бўлмиш ёй ўқлари юзлаб таналарни реш қилиб, ўз қонига бўяди. Олдинги сафдагилардан совут кийган ва қалқон тутганларгина ўқ тўфонидан омон қолди. Дастлабки қурбонларнинг жон талвасасидаги чинқириқлари ва қон ҳиди жанггоҳни чирмаган қаҳру ғазаб оловига мой сепгандек таъсир қилди. Ўзанидан чиқиб кетган икки асов оқим ўтру келгандек, сафлар тўқнашиб, аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Қонсираган найзалар навқирон таналарга ғарчиллаб санчилиб, ерга парчинларди. Қиличлар тўқнашганда учқун сочар, зарба ўнг келганда уларнинг тиғида иссиқ қон буғланарди. Оғир чўқморлар зарб билан рақиблар танасини мажақларди. Намхуш ер селгимаёқ майдон узра қон оқа бошлади. Жасадлар ва яралорлар от туёқлари остида эзилаётганига ҳеч ким эътибор бермасди. Қонталаш кўзлар рақибдан бошқани кўрмас, қўллар зарба беришдан тинмасди.

Орқа сафлар ҳам олишувга киришгач, сурон янада кучайди. Қилич-қалқонларнинг жарангжурунги, яралорларнинг оҳ-воҳлари, яраланган отларнинг фиғонли кишнаши, сўкиш ва ҳайқириқлар, мингбоши ва юзбошиларнинг бақириқ-чақириқлари қўшилиб, денгиз шовуллашини эслатар, бирон-бир овозни ажратиб бўлмас, қулоқлар том битган эди. Баҳодир жангчилар савашаётган жойларда ўз-ўзидан жангари гуруҳлар пайдо бўлар, жанггоҳнинг бундай нуқталарида олишув айниқса, шиддатли кечар, баҳодирлар етакчилигидаги гуруҳлар гоҳ у, гоҳ бу тараф сафларига ёриб кирар, ортда қатор ўлик ва яралорлар чўзилиб қоларди. Тўлқинни ёриб бораётган наҳангдек қуролли сафларни тўзғитиб бораётган бундай гуруҳларни уларнинг етакчи баҳодирларини маҳв этибгина тўхтатиш мумкин эди.

Жанг қизигандан қизиб, қиёмат қойимга айланди. Қиличдан ўтказилган, болта билан чопилган, найза тешган жасадлар тобора кўпайиб борар, бир-бирларига бараварига ҳалокатли зарба бериб, бўғишган ҳолатда отдан ёки оёқдан қулаётганлар кўп эди. Жон бергачгина улар ғазабидан тушиб, бир-бирларини кечиргандек оҳиста ва унсиз ёнма-ён чўзилишарди. Қон дарё бўлиб оқар, ерга сингар, балчиқ ва кўлмаклар ҳосил қиларди.

Исёнчилар қўшини марказига Боғий, сўл қанотига Ғирдак бошчилик қиларди. Энг сўнг йиғилган жангчилардан иборат қурол-яроғи ночор пиёда бўлук ўнг қанотга қўйилди.

Икки довюрак саркарда: Ғирдак ва Абдуллоҳ бошчилигидаги бўлуклар бир-бирларига қарши матонат билан олишарди. Абдуллоҳни ҳайратга солиб, деҳқонлар саркардаси аскарларининг кўплигидан моҳирлик билан фойдалана бошлади. Бўлукларни кенгроқ жойга ёйди. Қаердаки ҳалок бўлган, яраланган ва қаттиқ чарчаганлар кўпайса, дарҳол икки - уч жангчидан иборат бўлса-да, мадад юборар, ёғийнинг сафларни ёриб ўтиш ниятидаги уринишларини чиппакка чиқарарди. Ўз жангчилари устунликка эришганда: «Зафар қутли бўлсин, йигитлар!», дея далда берар, унинг бу хитобини бошқалар ҳам илиб олиб, яралорлар ҳам шердай жангга ташланарди.



Абдуллоҳ қўшини ёғий сиқуви аста-секин кучаяётганини ҳис қила бошлади. Исёнчилардан бунчалик шижоатни кутмаган Абдуллоҳ ҳайратини яширолмай, яқинроғидаги сарҳангларга деди:

– Ғирдак менинг қўшинимда ўнбоши эди-я! Агар шу жангда қўлимга тирик тушса, волийдан гуноҳини сўраб олиб, сарҳанг қилиб тайинлашга розимен!

Шу пайт ғаним ҳамласи зўрайди-ю, Абдуллоҳ сарҳангларга вазиятни ўнглаш юзасидан буйруқлар бера бошлади. Қарши турган оқ кийимлиларнинг сон жиҳатдан устунлиги аён эди. Аммо волийдан ёрдам сўрашга мағрур саркарданинг орияти йўл қўймас, ўз қўл остидаги кучлар билан зафар қозонишга умид қиларди.

Марказда волийнинг сараланган қўшини Боғий бўлуки устига шиддат билан босиб борарди. Олдинда сарҳанг Наим ибн Саҳл бошчилигидаги отлиқлар жанг қиларди. Қарлуқ суворийларининг метин деворига дуч келгач, уларнинг олға ҳаракати сусайди.

Жанггоҳ ўртасидаги қирғин авж нуқтасига чиқди. Аскарлар рақибларига қилич-найза санчишар, арқон билан сиртмоқ солиб отдан қулатишар, қилич ва найзалар синса, болта ва пичоқлар билан ташланишар, қуролсиз қолганлар қўллари билан ёв бўғзига ёпишардилар.

Қондан қизарган қиличини тинмай ўнгу сўлга сермаётган Боғий вақти-вақти билан бўрондай гулдираган овозда хитоб қиларди:

– Бўшашманглар, ёронлар! Муқанна номини ёд этиб, ёвга зарба беринг!

Бунга жавобан турли тарафдан акс-садолар келиб, оқ кийимлилар хуружи кучаярди. Боғийнинг атрофига ўзидек барваста ва алпқомат қиличбардорлар йиғилишган, улар ёв сиқуви зўрайган жойларда пайдо бўлиб, уни тўхтатишар, қақшатғич зарбалар билан гангитиб, орқага улоқтириб ташларди.

Наим ибн Саҳл бир гуруҳ араб баҳодирлари билан Боғий олдигача ёриб ўтишга муваффақ бўлди. Жангчилар ўзаро олишувга киришганда, Наим найзасини баланд кўтариб, Боғийга қараб наъра тортди. Боғий истеҳзо билан кулимсираб, унинг даъватини қабул қилганини билдирди ва рақиблар от устида қурол ўқталиб, таҳдид билан айланиша бошладилар.

(Давоми бор).

ТАЖРИБА ВА МАҲОРАТ СИНОВИ

Биз газетамизнинг деярли ҳар бир сонида ҳарбий тиббиёт ходимлари ва тиббиёт гўшалари ҳақида сўз юритамиз. Бу бежиз эмас албатта. Чунки Ватан посбонлари саломатлиги йўлида куну тун бедор турган ҳарбий шифокорларга бугуннинг талаб ва эътибори жуда катта. Шунинг учун ҳарбий тиббиёт вакиллари нафақат ўзимизда, балки ривожланган хорижий давлатларда ҳам мутахассисликлари бўйича малака ошириб қайтишмоқда. Шунингдек, уларнинг билим ва иқтидори тез-тез синовдан ўтказиб турилади. Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисм ва муассасалар тиббиёт пунктларида хизмат қилаётган ҳарбий врач ва фельдшерлар ўртасида ҳар йили ўтказиб келинаётган. «Энг илғор қўшин врачи» ва «Энг илғор фельдшер» танлови ҳам уларнинг иқтидорини юзага чиқарувчи, ўзаро тажриба алмашишлари учун имкон яратувчи, малакаларини оширувчи тадбирлардан биридир. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу танлов уч босқичда амалга оширилади. Дастлаб, ҳарбий қисм ва муассасалардаги тиббиёт пунктларининг ҳарбий шифокорлари ўзаро беллашиб, ғолиблар округ миқёсидаги танловда синовдан ўтадилар. Учинчи – якуний босқичга эса округларнинг ҳар томонлама етук ҳарбий тиббиёт ходимлари йўлланма олиши табиий ҳол. Биз ҳар томонлама сўзига бежиз урғу бермадик. Чунки ҳарбий врач ва фельдшерлар нафақат касбий маҳоратда, балки ижтимоий-сиёсий ҳамда жисмоний тайёргарлик борасида ҳам устувор бўлишлари шарт. Мудофаа вазирлиги Тиббиёт бошқармаси ташкиллаштирган танловнинг сўнгги босқичида ҳам ҳарбий тиббиёт ходимлари билим, тажриба ва маҳоратлари ҳар томонлама юксак эканлигини намойиш этишди.

– Танлов бу йил ҳам муросасиз ва кўтаринки руҳда ўтди, – дейди ҳайъат раиси, тиббиёт бошқармаси масъул ходими тиббий хизмат подполковниги Комилжон Эшқувватов. – Дастлаб танлов иштирокчилари ижтимоий-сиёсий тактик мутахассислик бўйича махсус тайёргарликлар ҳамда Умумҳарбий низомлардан тест синовлари топширишди. Шундан сўнг амалий беллашувлар бошланди. Иштирокчилар тактик тайёргарлик, беморга биринчи ёрдам кўрсатиш, жисмоний тайёргарлик, оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш каби бир қатор йўналишларда ўзаро баҳслашдилар. Ушбу беллашувда ҳарбий шифокорларимиз ҳар томонлама иқтидорли эканликларини исботлашди.

Шундай қилиб, бу йилги танловнинг «Энг илғор қўшин врачи» йўналиши бўйича ғолиблик Шарқий-Ғарбий округ сержантлар тайёрлаш мактаби тиббиёт пункти шифокори, тиббий хизмат майори Шукурулло Сафаровга насиб этган бўлса, «Энг илғор фельдшер» йўналишида биринчи ўринни Шарқий ҳарбий округга қарашли қисм тиббиёт пункти фельдшери, тиббий хизмат сержанти Дониёр Расулов қўлга киритди. Ғолиблар махсус диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланишди.

Баноат ЮНУСОВА.

КИТОБ – БИЛИМ ЧИРОҒИ

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида ёш авлодни буюк аждодларимизнинг бой маънавий мероси билан таништириш, юксак умумбашарий қадриятларни тарғиб этиш, мактаб ва мактабдан ташқари таълимни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Китоб ушбу мақсадларга эришишда асосий манбалардан бири ҳисобланади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 31 майда қабул қилинган "Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистонда икки йилдан буён дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ҳудудий кўргазма-ярмаркаси ўтказиб келинмоқда.

Наманган вилоятида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, "Ўзкитобсавдо" давлат акциядорлик компанияси ҳамда "Ўздавкитобсавдотаъминот" очиқ акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилган ана шундай кўргазма-ярмарка бўлиб ўтди.

Вилоятдаги ахборот-кутубхона марказида Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, "Ўзбекистон", Ғафур Ғулом номидаги, "Ўқитувчи" нашриётлари, "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти, "Шарқ" акциядорлик компанияси ва бошқа қатор республика ҳамда ҳудудий нашриётлар ўз маҳсулотини намойиш этди.

Бу ерда ташкил этилган китоб ярмаркаси кўплаб туманлар, ўқув юртлари, шаҳар ва қишлоқ ахборот-кутубхона марказларида ҳам ўтказилади. Умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар ихтисослашган кўргазма-ярмаркаси ноширлар ва мактаблар ўртасида яқин алоқа ўрнатиш, бу борадаги ишларни яхшилаш мақсадида мавжуд муаммоларни муҳокама этиш имконини беради.

Ҳудудий кўргазма-ярмаркаларга ташриф буюрганлар мамлакатимизда ўзбек, рус, тожик, қорақалпоқ, қирғиз, қозоқ ва туркман тилларида чоп этилаётган ўқув адабиёти билан танишиш ҳамда танлаб олиш имконига эга.

Ўзбекистоннинг нашриёт-матбаа тузилмалари томонидан чоп этилган кўплаб китоб ва альбомлар халқаро китоб анжуманларида ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда. Масалан, Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг "Эртаклар карвони" тўплами Москвада ўтказилган XX халқаро китоб ярмаркасида биринчи ўринга сазовор бўлди. "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти томонидан чоп этилган "Ўзбек фотографияси 125 ёшда" номли китоб совриили учинчи ўринни эгаллади. Ноширларимиз Пекинда бўлиб ўтган халқаро китоб ярмаркасида ҳам муваффақиятга эришди.

И.РАЗЗОҚОВ,
ЎзА мухбири.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Шуҳратбек Маҳамматович ҲОШИМОВ, майор Хайритдин Нуритдинович ЗАЙНИЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Владимир Кузнецов ва Роберт Ислакаев томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – Наталья Лаптева.
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. Буюртма № G-4316. Адади 23600.